

ОШИҚ ЭРКИН

ЎЛГУНЧА СИЗНИ  
ДЕРМАН



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент—2007

84(5У)6

О-96

Ошиқ Эркин

Ўлгунча сизни дерман / Ошиқ Эркин. – Т.: Фафур  
Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. –  
320 б.

Ошиқ Эркин таниқли қўшиқнавис шоир. Унинг шеър ва газалларига куй басталанган, қўшиқларни дунёга машҳур жуда кўп санъаткорлар камоли эҳтиром билан ижро этишмоқда. Шоирнинг қўлингиздаги Хоразм оҳангларига қоришиқ янги қўшиқлар китоби ҳам Сизга манзур бўлишига ишончимиз комил.

Ошиқ Эркиннинг сержило қўшиқлари оламига марҳабо, азиз китобхон.

Б Б К  
84(5У)6

М 4702620202-82 2006  
М 352(04)-2006

© Ошиқ Эркин,  
Фафур Фулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2007 й.

ISBN N 978-9943-03-002-2



## ЮРТБОШИМИЗ БЎЛСИН ОМОН

Оллоҳ ёр экан, ўзбегим, тахтинг бор экан, ўзбегим,  
Бошгинангга кўнди Ҳумой, бахтинг бор экан, ўзбегим.  
Бахш айлаган эркин замон, юртбошимиз бўлсин омон.

Давлатингга кўз тегмасин, савлатингга кўз тегмасин,  
Она-юртим, парвўзингга, гайратингга кўз тегмасин.  
Бахш айлаган эркин замон, юртбошимиз бўлсин омон.

Миллатни сен жону тани, Мангубердилар чамани,  
Олам аро донг таратган Амир Темурнинг Ватани.  
Бахш айлаган янги даврон, юртбошимиз бўлсин омон.

Ошириб кун-бакун шонни, ҳайратга солган жаҳонни,  
Кечиб ором, ҳаловатдан, гуллатиб Ўзбекистонни,  
Бахш айлаган эркин замон, юртбошимиз бўлсин омон.

Ўйнаб-кулиб хандону шўх, Ошиқ Эркиннинг кўнгли тўқ,  
Ободдур юртим эртаси, дўстларим, бунга шубҳа йўқ.  
Бахш айлаган эркин замон, сарбонимиз бўлсин омон.

5.1.99





## БОРИДА ОЗОД ВАТАН

Оҳ, муяссарму экан покиза бир гавҳар манго,  
Ол ёноғу кўзлари бодом, лаби шаккар манго.

Икки дунёйим ҳам обод бўлғай эрди то абад,  
Бир умрлик бўлса содиқ бир пари пайкар манго.

Олса илгимни мени бир хуш ажаб сарви санам,  
Менга басдур ул санам, даркор эмасдур зар манго.

Гар вафодор бўлса дилбар – аҳли ошиқ бахтиёр,  
Юрса бас айлаб вафо умрим бўйи ҳулкар манго.

Нурга йўғрилган жавоҳир – жисму жоним ишқ менинг,  
Йўқ бу оламда муҳаббатдан бўлак сарвар манго.

Меҳнатим боис диёрга, топдим элда эътибор,  
Бўлгач Ислом оғадек оқил суюк раҳбар манго.

Ошиқ Эркин, то мудом ёру диёрнинг бандаси,  
Борида озод Ватан даркор эмасдур зар манго.

25.4.98





## ҚОШИ Ё

Сузибон кўз, боқиб қиё,  
Табассум айлар қоши ё.

Шаккарханда кулгусидан  
Оромлар олгай Осиё.

Сарви хиромон қомати  
Икки кўзимга тўтиё.

Унингдек йўқдир жаҳонда,  
Меҳри қуёш, меҳригиё.

Бир кўрса бас, ҳушдан кетар  
Ҳатто тамоми анбиё.

Эй, барқи офат, жонима  
Бахш айла жон, биё-биё.

Ёшартир Ошиқ Эркинни  
Табассум айлаб, қоши ё.

Тараҳхум айлаб, қоши ё,  
Такаллум айлаб, қоши ё.

19.12.97





## ГАЛ, НОМУС-ОРИМ, ГАЛСАНГА!

Ман сани оху гўзларинг, шакардан ширин сўзларинг,  
Қирмиз ёноқ юзларинг муштоқидурман, галсанга!

Жоним, мозоли тилларинг, ҳам нозик, хипча белларинг,  
Муҳаббат тўла дилларинг муштоқидурман, галсанга!

Бўйинг бўйима данг сани, ўзимдурман банданг сани,  
Жон олгувчи ханданг сани муштоқидурман, галсанга!

Қалдирғоч кўш ҳилолингни, чаккангда инжу холингни,  
Лабларингдаги болингни муштоқидурман, галсанга!

Эркам, бодом қопоқларинг, ёқут каби дудоқларинг,  
Ўтдан иссиқ кужоқларинг муштоқидурман, галсанга!

Ошиқ Эркин, жамолингни, гўзал қадди-камолингни,  
Офатижон висолингни муштоқидурман, галсанга!

20.5.98





## МУНОЖОТ

Бировларга бериб давлат керагидан зиёда,  
Бировларни отли қилдинг, бировларни пиёда.

Не бўларди ризқу рўзни ҳаммага тенг улашсанг,  
Адолатинг тутмай дариг, беш кунлик бу дунёда.

Бировларнинг мол-дунёга тўймай борар кўзлари,  
Бировлар бор – мол-дунёга боқмас асло қиё-да.

Аёндур сўнги макони камбағалнинг, бойнинг ҳам,  
Ўтар бир-бир бу очундан бой-да, рўйи сиё-да.

Марҳаматинг, сийловларинг ўзинг улаш баробар,  
Одам ўғли одамизод – яъни барча зурёда.

Ошиқ Эркин илтижоси шулдир сендан, худойим,  
Қўйма ҳеч кимни назардан беш кунлик бу дунёда.

2.12.98





## КИМГА БОРАЙ ДАЪВОГА

Шахд айлаб мен-да кирдим «Ё, Ҳақ!» дебон орога,  
Малҳам бўлсам деб зора юрак-бағри ярога.

Адолатда барчани тенг тутмайсан, худойим,  
Яралмишсан кўрмайсан бахтни раво адога.

Ёғдирадур зулмини мудом чархи кажрафтор,  
Сонсиз йўллабон озор мудом қадди дутога.

Тахти Сулаймон узра роҳатда беилмлар,  
Аҳли дониш азалдан мубталодур жафога.

Бирларни сийлаб ўбдан, таҳқир этарсан кўпни,  
Раҳм айлагил, худойим, қаҳрингга мубталога.

Қилмай зарра адолат, қилмай карам, ёзарсан,  
Нечун бахти қаролик гадо, бахти қарога.

Ишрат учун, айш учун яратгансан жоҳилни,  
Раво кўрмайсан нечун хушнаво бенавога.

Вафо қилган вақти йўқ бевафо бу умрнинг,  
Зарра писанда айлаб на адо, на гадога.

Бечораликдан кўнгли садпора Ошиқ Эркин,  
Ўзингдан ўзга, Раббим, қайга борай даъвога.

29.1.98



## МЕН ЕРДА, СЕН ОСМОНДА

Хусну жамолинг кўпдан, жоним, жисм аро жонда,  
Бебаҳо санамдурсан, мен ерда, сен осмонда.

Бағрим таҳ-батаҳ қондур, ҳажринг, фироқларингдан,  
Ёқдинг жону жаҳоним ишқинг мавж уриб қонда.

Жаҳонда бор париваш қул бўлса сенга оздур,  
Йўқ сенга тенг бир дилбар, дилбарим, ҳеч қаёнда.

Киприкларинг, сочингни, ҳар бир тори қошингни  
Таърифи турфа дoston минглаб қўшиқ, баёнда.

Бисёр сенга, малагим, орзу бирла тилагим,  
Бахтга ёр эт акангни ишқ тўла бу жаҳонда.

Мен бир ғариб, сен ғани, васлингга етказ мани,  
Ўтмасин Ошиқ Эркин бу дунёдан армонда.

19.3.98





## ТУШИБ ҚОЛСАНГ АГАРДА...

Тушиб қолсанг агарда ишқ-муҳаббат домига,  
Айлама бевафолик, доғ туширма номига.

Билгин, азал-азалдан буюқ маъбуда севги,  
Тўйдим деган ошиқ йўқ муҳаббатнинг жомига.

Кўнгилларнинг ишидур дилдан севмоқ-севилмоқ,  
Бахтиёрдур ишқда ким етса агар комига.

Садоқатли эрса ким қолмагай муҳаббатнинг  
Ҳижрон тўла андуҳли кундузи-ю шомига.

Ўз ёри бирла ҳар ким ўйнаб-кулсин умрбод,  
Етиб Фарҳод Ширинга, Баҳром Дилоромига.

Гар тушсанг, Ошиқ Эркин, ишқ-муҳаббат домига,  
Айлама бевафолик, доғ туширма номига.

13.2.98





## БЎЛМАСИН ДЕСАНГ КЎНГЛИН

Бўлмасин десанг кўнглини бировнинг гунча ёрина,  
Маҳкам этиб боғла мени кокилларингни торина.

Ётга назар солосим йўқ, ўзга билан қолосим йўқ,  
Сенсиз нафас олосим йўқ, айларман шукур борина.

Буюк бахтга етганим шу, тожу тахтга етганим шу,  
Бош қўйсам, эркам, эркалаб сийнангни икки норина.

Сочиб йўлига сийму зар, рухсоридан олмас назар,  
Бу дунда етса ким агар сенинг каби дилдорина.

Бир-биримизга гул отиб, агёрларни қон-қақшатиб,  
Ёмонми юрсак яшнатиб, кириб ишқ лолазорина.

Сен бирла гар олса хузур, инон, чек қўяр бир умр,  
Ошиқ Эркин ўзгалардан тортган минглаб озорина.

24.12.97





## САЙРОН ЭТАЙЛИК ТОНГГАЧА

Кел, моҳитобон, бул кеча сайрон этайлик тонггача,  
Жумла муҳаббат аҳлини ҳайрон этайлик тонггача.

Мастона яйраб тонг қадар, сўлим чаманлар бағрини  
Мисли жайрон ағнашиб, бўстон этайлик тонггача.

Роз айтишиб ҳар гул билан, райхон билан, сунбул билан,  
Сочиб зиёлар, меҳримиз рахшон этайлик тонггача.

Ардоқлашиб бир-бирни биз, покларга меҳр бахш этиб,  
Нопок ғанимлар кўнглини вайрон этайлик тонггача.

Яйрашиб, дилдан чолиб меҳру муҳаббат куйларин,  
Эрса-да булбул – оташин сўзон этайлик тонггача.

Ухлаб оттирмақ нечун тонгларни ишқ гулзорида,  
Ушлашиб қўл ҳар тараф жавлон этайлик тонггача.

Ошиқ Эркин, зўр китоб бўлсин садоқат шарҳимиз,  
Ишқимизни мадҳ этиб, девон этайлик тонггача.

18.12.97





## ТЕЛБАРИБ БОРМОҚДАМАН

Телбариб бормоқдаман ул номусулмон ҳажрида,  
Офати жон ҳажрида, ҳам аҳди ёлгон ҳажрида.

Гунчадек кўнглим мени юз демайин, минг порадур,  
Ҳам юрак-бағрим, ёронлар, таҳ-батаҳ қон ҳажрида.

Ғам-аламлардан эмасман ишқ аро бир дам омон,  
Бормикан қолгон омон ё бир мусулмон, ҳажрида.

Кун-бакун ортиб муҳаббат шавқининг шиддатлари,  
Сорғариб сўлмоқдаман ул моҳитобон ҳажрида.

Йўллабон қатлим учун андуҳ ила озорини,  
Шодумон ул беқиёс, мен лолу ҳайрон ҳажрида.

Бер ўзинг жононга инсоф, Ошиқ Эркинга чидам,  
Хокипо бўлдим тутаб гулбаргихандон ҳажрида.

21.12.97





## ГУЛНОРА

Шайдосиман ишқни азал, Гулнора,  
Кўзларингиз мунча гўзал, Гулнора.

Дарё каби тошиб, бахш этсам арзир  
Ҳар бирига битта ғазал, Гулнора.

Олмасам-да бўса, билиб турибман  
Лабларингиз қанду асал, Гулнора.

Юрак йўқ, кўрқаман кўнгил бермака,  
Бўлиб қолмасам деб касал, Гулнора.

Биларсиз, севги ёш танламас, деган  
Бордур эл ичинда масал, Гулнора.

Ҳуснингизни адоси, Ошиқ Эркин,  
Ўлгунича ёзиб ғазал, Гулнора.

2.10.98





## ҚАЙГА КЕТДИ ГУЛБАДАН

Ишқида сўзон этиб, бу жисму жонга ўт солиб,  
Қайга кетди қоши ё бечора кўнглимни олиб.

Қолдириб кетди наҳот бул зорни фурқат доғида,  
Телбариб юрмакдаман дилда ҳазин куйлар қолиб.

Топмоғи мушкулдир энди яхшини мандан бўлак,  
Не бўларди кўнглим олса бирга то маҳшар қолиб.

То тирикдурман унинг парвонаси бўлғай эдим,  
Қўлларимни яйрабон минжиқли бўйнига солиб.

Бўлмағай боғлаб узилган икки дилнинг риштасин,  
Кетса дарз ишқнинг саройи тоғу тошдек қўзғолиб.

Ошиқ Эркин, топшириб эрдим юракни унга мен,  
Қайга кетди гулбадан бечора кўнглимни олиб.

20.11.97





## БАҒРИМ КАБОБ

Не учун, деб сўрмангиз ҳолинг хароб,  
Лаъли лаб ҳижронида бағрим кабоб.

Дилдаги ўтим мени ўчирмади  
Айласам-да нўш шароб узра шароб.

Васлини хуммор этиб тўлғонамен,  
Поралаб жону танимни изтироб.

Бул ғариб бошим ситамдан чиқмади,  
Ёлғизингга, ҳасрато, бу не азоб?!

Севганим эл наздида бўлса гуноҳ,  
Билмаюрман, қайси бир ишим савоб?

Қилгум ул дунёда жаннатга гузар,  
Қилсалар қилган ишим тўғри ҳисоб.

Топмагайлар ҳар икки оламда ҳам  
Ошиқ Эркин сингари олижаноб.

25.4.98





## НЕ БИР ГҮЗАЛ КУН ЭРДИ

Не бир гүзал кун эрди, дилдор, санго кўз солиб,  
Кетди думли-душимдан юрагимни ўт олиб.

Розиман энди кетсам қулинг бўлиб бир умр,  
Ҳарорати қуёшдек ўтли бағрингда қолиб.

Булбулдайин оларман юракларинг ичра йўл,  
Кўнглингда меҳр бирла садоқат куйин чолиб.

Бўлармиз, эркам, ишқда сарфароз этсак дилни,  
Қиёматга қадарлик сен музаффар, мён голиб.

Одам хайлидан эрмас садоқатдан йироқлар,  
Зорланса кўча-кўйда муҳаббат йўқ, деб нолиб.

Ишқ илминда устаси фарангдур Ошиқ Эркин,  
Ўғли бўлмас юрса ким хотинидан уёлиб.

19.8.98





## ЎТДИ ЁР

Ўтди ёр гул фасли гулзор оралаб,  
Кипригу қошларни бир-бир қоралаб.

Ҳадсиз ўртанди юрак-бағрим менинг,  
Жисму жоним кетгач у минг поралаб.

Гуркираб жон киргай эрди қайтадан,  
Қўйса маҳваш ташна лабга зора лаб.

Малҳами жондур менга гулгун ёноқ,  
Чорасиз дардимга ҳам зўр чора — лаб.

Бир умрга битмагай заҳми дилинг,  
Бир умрга кетса дилкаш яралаб.

Ошиқ Эркин, то абад бўлмас олиб  
Севгида қолган кўнгилни поралаб.

1.12.98





## КЎНГЛИНГГА ҚОЛДИМ БОЙЛАНИБ

Маҳвашим, шодменки, жон риштангга қолдим бойланиб,  
Кундуз ул бошинг уза юз ўргулиб, минг айланиб.

Оразинг дийдам ичинда жилвагар шундан буён,  
Талпинар қошингга кўнглим лаҳзада минг шайланиб.

Бенаво, маҳзун юракка сифмас эрди ўзгалар,  
Тожу тахтига унинг сен яхши олдинг жойланиб.

Жон олар сеҳринг билан жодуладингми, билмадим,  
Кўзларингга тушдию кўз, қолди бошим айланиб.

Бир боқиб, мавж урди қалбим долғали шиддат билан,  
Мисли тошгандек Аму тўлқин уриб, ҳам лойланиб.

Мен учун лаъли лабинг боли, париваш, мисли май,  
Юрсин, эй, лаблар мудом ёқут лабингдан майланиб.

Ошиқ Эркинда на онг қолди ва на бир ақлу хуш,  
Ўлгунимча энди жон риштангга қолдим бойланиб.

17.5.98





## ЛО ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲ

Не жамол бу, не камол бу, ло илаҳа иллаллоҳ,  
Не қамар бу, не ҳилол бу, ло илаҳа иллаллоҳ.

Лаълидин жон истасам мен жон олар ул бегумон,  
Не афсун бу, не зилол бу, ло илаҳа иллаллоҳ.

Солланиб севги шаҳрини қиёмат-қойим этган  
Не қомат бу, не жамол бу, ло илаҳа иллаллоҳ.

Бир йўл кўриб ҳусни олин, лол қолур аҳли тараб,  
Не ҳикмат, не қийлу қол бу, ло илаҳа иллаллоҳ.

Кўзларингни ўйнатур гул чехрада гулгун менги,  
Не нукра, не кумуш хол бу, ло илаҳа иллаллоҳ.

Ошиқ Эркин, ёр жамолу камолига садқа жон,  
Не санъат бу, не аъмол бу, ло илаҳа иллаллоҳ.

3.3.96





## ҲАЗЛИҚДУР, ТО ҲАЁТ БОР .

Ҳазлиқдур, то ҳаёт бор, ошиқлара жононлар,  
Тўтига шаккаристон, булбулга гулистонлар.

Бир бўлса меҳрибони топгайму таскин диллар,  
Қанча кўп бўлса шунча яхшидур меҳрибонлар.

Чаман ичинда ҳар гул лаълидан олиб бўса,  
Ёқса гулдасталардек оғушингни жононлар.

Латофатга бой юзин гар кўрмаса гулларнинг,  
Айлармиди булбуллар гулистонда сайронлар.

Муҳаббат боғларинда қулф урган ҳар чечакни,  
Айласам кўзларимга сурмайи сулаймонлар.

Бир ажойиб замондур муҳаббатнинг замони,  
Йўлинда аҳли ишқни айлаб қўяр ҳайронлар.

Ҳазлиқдур, Ошиқ Эркин, ошиқлара жононлар,  
Тўтига шаккаристон, булбулга гулистонлар.

10.5.98





## ДАВЛАТИ БЎЛҒАЙМУ КАМ

Қилмайин қўйди, нетай, гулбарги хандоним назар,  
Лолу ҳайронлар этиб, ишқимдан ҳайроним, назар.

Давлати бўлғайму кам шомимни равшан айласа,  
Солса Мажнун ҳолима шаъми шабистоним назар.

Найлагай ҳайрон юриб шод айласа сарвим мени,  
Садқа жоним, қилса гар сарви хиромоним назар.

Телбариб топгай эдим жонимга ҳам шавқ лафзидин,  
Хаста жонга солса гар тўти суҳандоним назар.

Мунча ёлғон аҳд экан, йўқдир висолидан дарак,  
Вайронадур дил, қилмагач ул аҳди ёлғоним назар.

Топгай эрдим эътибор аҳли муҳаббат ичраким,  
Ҳимматин тутмай дариг гар қилса султоним назар.

Ошиқ Эркин, ўтмайин мавсуми ишқ, айлар қачон  
Телба бўлғон бул менинг ҳолимга жайроним назар.

20.4.98





## ЭЙ, ХУСРАВИ СОҲИБЖАМОЛ

Эй, хусрави соҳибжамол, найласин менда армонлар,  
Муҳаббатинг бирла бағрим қилиб қўйдинг дурахшонлар.

Қолиб лол барча ағёрлар, юрак-бағрига чўғ тушди,  
Уларнинг дардига энди топилмас асло дармонлар.

Садоқат шаҳрига, жоним, қуёш бўлиб кириб келдинг,  
Олиб кўнглимдан зиёлар, чарақлаб кетди осмонлар.

Шаҳаншоҳсан париларга, эркам, сен вафо мулкинда,  
Ётар муздеқ ер бағирлаб йўлингда неча ҳайронлар.

Ушалса орзу-армонлар, булбул сайраб юракларда,  
Не етибди оғушларда кечса гар даври-давронлар.

Майлига, бериб давлатмас, муҳаббатда омадингни,  
Ўтсанг бу ўткинчи дундан ҳамрозинг бўлиб жононлар.

Кўпдир шукронам Оллоҳга, то маҳшар сен менингдурсан,  
Ошиқ Эркингадур ёлғиз бу ёзуғ — Ҳақдин фармонлар.

13.7.98





## ИШҚ БИРЛА КИМКИ МАШҒУЛ...

Ишқ бирла кимки машғул, бир умр кўнгли ёшдур,  
Узоқдур ғам-аламдан, шодлик унга йўлдошдур.

Дилларни севги бирла овутиб юрганларнинг  
Жону жаҳони равшан, кўнгли мудом қуёшдур.

Руҳингни тетик сақлар улфат эрсалар ёшлар,  
Ёш эрса кимнинг кўнгли, қизлар ичра талошдур.

Муҳаббат диёринда чўкмас кўнгил сира ҳам,  
Осмон этгувчи кўксинг ҳам ёш, ҳам қаламқошдур.

Ҳамрозлик истасанг гар кўнглингга, энг яхшиси  
Жону дилинг малҳами — энг ёш бир давradoшдур.

Ошиқ Эркиндан сўранг ёш юрмакнинг сирларин,  
Кимки ишқ бирла машғул, бир умр кўнгли ёшдур.

18.5.98





## КЎРИБ ҲУСНУ ЖАМОЛИНГНИ

Кўриб ҳусну жамолингни, ёр,  
Жисму жоним, инон, беқарор.

Ишқда жавлон уриб юрарсан,  
Менингдек нечани қилиб зор.

Олурмисан узатсам қўлим,  
Сенингман, деб эй кўзи хумор.

Ёмон кўздан асрасин худо,  
Кўксинг уза тақиб юр тумор.

Сийналаринг безабдур хандон,  
Силкинишиб олмаю анор.

Қуёш бўлиб қалбимга кирдинг,  
Қилма энди йўлларингда хор.

Бўлай десанг бахтга сазовор,  
Қайтармагил раъйимни зинҳор.

Тополмас энди Ошиқ Эркин,  
Сенинг каби озода дилдор.

6.2.98





## ИСТАР

Кўнглим мени дамодам бир моҳитобон истар,  
Орази гул, хушбадан, бир меҳри рахшон истар.

Ҳайрон этиб сарсари бор муҳаббат хайлини,  
Нодирини даврон истар, бир чашми фаттон истар.

Қачон бўлғай мунаввар деб кулбаи эҳзоним,  
Кулбамни ёритмоққа шаъми шабистон истар.

Кўнгил берингиз менга, эй, сиз аҳли саломат,  
Кўнглим тошиб қирғоқдин дўсту қадрдон истар.

Ишқу муҳаббат тушди ғариб бу кўнглим ичра,  
Қилур кўнглига тушса ҳар неки султон истар.

Ишқ ичра, Ошиқ Эркин, шоҳ санар сени моҳлар,  
Шул боис дамда кўнглинг бир моҳитобон истар.

9.12.97





---

## ҲУСНИНГА ТҮЙДИР

Ёндирди атр димоғим, бу не бало бўйдир,  
Бир дам очилиб гунча каби ҳуснинга тўйдир.

Қаддингга боқиб термулайн мисоли булбул,  
Лабларни ёноғинг уза, лаълинг уза қўйдир.

Бағримда кўрай сарв бўю, ул ҳусни олинг,  
Гар етмас эсам васлинг, кел, бағрими ўйдир.

Энди сени мен ўлжанг эрурман, ихтиёринг,  
Майлига, мени айла қатл, майлига, сўйдир.

Қоматингдан бўлар ҳайрон шамшод сени кўрса,  
Ҳушимни мени лол айлаган шул сарв бўйдир.

Бўлсанг дея ёрим то абад хаёл қилурман,  
Оллоҳ-Оллоҳ, на хуш хаёл бу, на гўзал ўйдир.

Ҳасратга гирифтор айламай Ошиқ Эркини,  
Бир дам очилиб гунча каби ҳуснинга тўйдир.

4.1.98





## ИШҚ АРО ҚҰЙСАНГ ҚАДАМ

Ишқ аро қўйсанг қадам куймақдин ўзга чора йўқ,  
Ўртаниб ҳижрон аро ўлмақдин ўзга чора йўқ.

Ишқ сени ўтдан олиб, ўтларга отгай бир умр,  
Бўлсанг-да гар дев – нотавон бўлмақдин ўзга чора йўқ.

Бул чаманга гуркираб, яшнаб кириб, охирида  
Сорғариб бир гул каби сўлмақдин ўзга чора йўқ.

Дарди кўп, дармон йўқ, бераҳм севги азал,  
Кўйида Мажнун бўлиб юрмақдин ўзга чора йўқ.

Севги султони мудом шоҳдин буюқдир, олдида  
Дамда минг таъзим қилиб турмақдин ўзга чора йўқ.

Ошиқ Эркин, ишқ аро кирдингми, бас, қайғурмагил,  
Мард бўлиб бу йўлда от сурмақдин ўзга чора йўқ.

9.12.97





## ҲОТАМ ЭРСАНГ

Ҳотам эрсанг ҳимматинг элга аён бўлғай сенинг,  
Шухратинг овозаси ҳам бепоён бўлғай сенинг.

Айлагил юртга нисор Ҳақ берган ул ганжинани,  
Минглаган тилда мудом мадҳинг баён бўлғай сенинг.

Бевафолиқ айласанг гар ошинога паст кетиб,  
Бил, рақибга айланиб, дўстинг чаён бўлғай сенинг.

Ғайри бир йўллар ила қилма мурод бойликни сен,  
Бўйла нопок топганинг ўзга зиён бўлғай сенинг.

Тикмагил оғзингга бирдан иккала панжангни ҳам,  
Дўсту ёринг зумда ёнингдан қуён бўлғай сенинг.

Гар садоқатли эсанг ишқу муҳаббатда мудом,  
Бир умрга маҳвашинг ғунчамиён бўлғай сенинг.

Топганинг юртинг ила хотам бўлиб кўргил баҳам,  
Эл аро одамлигинг шунда аён бўлғай сенинг.

Бўлмагил қул, Ошиқ Эркин, зарра дунё молига,  
Ўйла, умринг сўнгида йўлинг қаён бўлғай сенинг.

19.2.99





## БАХШ АЙЛАСАНГ ЎЗИНГНИ

**Хандон кулиб қуёшдек гулгунёноқ рухсоринг,  
Яшнаб турган кўксингни безабдур икки норинг.**

**Икки кўз, икки мужгон, қалдирғочдек икки қош  
Бермоқда дарак ййраб келганидан баҳоринг.**

**Эркалар димоғимни тараб хуш атр бўйлар,  
Елканг узра қўндек қирқ кокил — зулфи торинг.**

**Билмасман, қайдан олган бунчалар қароликни,  
Оҳу кўзин лол этган икки чашми хуморинг.**

**Маликам, бир умрга йўлдошинг бўлиб юргай  
Асраб ёмон кўзлардан бўйнингдаги туморинг.**

**Меҳринг тушди юракка, ҳайронинг бўлиб қолдим,  
Токай Мажнунга ўхшаб нолон юрар бу зоринг.**

**Бахш айласанг ўзингни Ошиқ Эркинга, жоним,  
Бўлғай ишқ-муҳаббатда то абад Тангри ёринг.**

13.5.98





## ЧЕХРАИ ОЛИНГДАН, АКАНГ .

Ойни ҳам лол айлаган чеҳраи олингдан аканг,  
Мисли офтоб, мисли ой юзда ҳилолингдан аканг.

Хони васлингдан мени иқболга ёр этган маҳал  
Май каби маст айлаган лабларда болингдан аканг.

Эй, камолотга етишган гул жамолингдан сенинг,  
Лола янглиғ хуш жамолинг, ҳам камолингдан аканг.

Эркам, айлабсан қадам ранжидалар қилмоқ хаёл,  
Кўксим осмон айлаган ширин хаёлингдан аканг.

Навниҳол қаддинг сени ёққай кўзин ҳар кимничг ҳам  
Мисли жаннат сунбули — қадди ниҳолингдан аканг.

Киприги наштарларинг чок айлади кўксим мени,  
Қаддимни дол айлаган дуркун жамолингдан аканг.

Бўлди Ошиқ Эркининг роҳат-фароғатдан жудо.  
Лабда болингдан аканг, лаъли зулолингдан аканг.

6.1.98





## ТО БОР АНГАҚДА ЖОНИМ

Меҳрингни пурупур қил, эрурман содиқ ёринг,  
Жоним, маҳшар қадарлик ҳам зору гирифторинг.

Бузмагил вафо расмин, не бўлди, кўр, бузгонлар,  
Бўларман мен-да, маҳваш, ўлгунча вафодоринг.

“Аввалгининг мазосин, сўнгги берар жазосин!”  
Унутмас бул ҳикматни асло жони нисоринг.

Жоним жонинг ичинда, кўнглим кўнглинга пайванд,  
Ишқ савдосинда мендек қайда чин харидоринг.

Муҳаббатда топилмас камтарин қулинг янглиғ,  
У дунёю бу дунё аҳдинда барқароринг.

То бор ангақда жоним, сенингдур Ошиқ Эркин,  
Отимни бошқа деб қўй гар ёзмасам хуморинг.

14.12.97





## ОҒУШИМА ҚОЙИМ ЎЗИНГ

Оғушима қойим ўзинг, латофатга бойим ўзинг,  
Хаёлимда доим ўзинг, лаъли шакархоим ўзинг.

Бормоқдасан ҳуснинг ошиб, севгим боғига ярошиб,  
Ўлажак ҳамма қарошиб, офтобим ҳам ойим ўзинг.

Зулфинг бўйнима солиб сен, кўнглим ичинда қолибсен,  
Ақлу ҳушимни олибсен, бахт қушим, ҳумойим ўзинг.

Сенингдек йўқ меҳри дарё, садоқатингдур бир дунё,  
Эй кўзларимга тўтиё, ҳам меҳри нўмойим ўзинг.

Ўзингсан мурод-матлабим, эй, меҳримга ташналабим,  
Ороланиб бормоқдасан дилдан севган сойим ўзинг.

Лаъли шакархоим ўзинг, латофатга бойим ўзинг,  
Қувониб дер Ошиқ Эркин, оғушима қойим ўзинг.

14.12.97





## АЙЛАСАМ

Бу оламда, айтгил, севар ёр, бўлармикан мёндан бахтиёр,  
Олиб сендан инон-ихтиёр ҳожатларинг раво айласам.

Армуғонлар этиб жонимни, тикиб йўлингга иймонимни,  
Керак бўлса бериб қонимни, дардларингга даво айласам.

Ишқ учун яралган гулбадан, кўнглим мени айлаган ватан,  
Олармисан муҳаббатим тан, булбул бўлиб наво айласам.

Билмай ором, билмайин ҳордиқ, меҳрим қилсам бир умр тортиқ,  
Берурмисан қўл, севиб ортиқ, ўлгунимча вафо айласам.

Учсам ўзга бир чиройлига, ёмонлаб садоқат хайлига,  
Инсон дема мени, майлига, тирноқчалик жафо айласам.

Айтар бўлсам агарда чинни, армони йўқ Ошиқ Эркинни,  
Бахш этиб умрбод эркимни, ҳожатларинг раво айласам.

21.6.98





## НОЗИНГДАН ЎЛАР БЎЛДИМ

Нозли ёр, жоним олгон нозингдан ўлар бўлдим,  
Ширин такаллум, ширин розингдан ўлар бўлдим.

Руҳи равонларимни мастонавор яйратган  
Сарв бўйлим, хушнаво созингдан ўлар бўлдим.

Ўйин тушиб хиромон, хуш қўймайин олурсан,  
Жонларни дириллатган бозингдан ўлар бўлдим.

Бағринг сенинг қуёшдур, сийнанг сенинг ўт-оташ,  
Қўйнинг тўрт фасл ёздур, ёзингдан ўлар бўлдим.

Таманно қилиб гоҳо, кўзларга илмаюрсан,  
Гоҳо мен зорга меҳри озингдан ўлар бўлдим.

Таъқиб этурсан баъзан изимдан қўйиб този,  
Кўнглимни пора этган тозингдан ўлар бўлдим.

Ҳозингга ҳам, париваш, қувламоқ ўргатибсан,  
Нача бор қувлаб қолган ҳозингдан ўлар бўлдим.

Ошиқ Эркинни тежаб-тергашни қўйсин, айтгил,  
Уйингдаги ағёрим — қозингдан ўлар бўлдим.

5.4.98





## ЎЛМАКА ЕТДИМ

Раҳм айлагил, ҳажрингда, эй ёр, ўлмака етдим,  
Бўғзима келди жоним, зинҳор ўлмака етдим.

Ишқингни оташгоҳи кул қилди тани зорим,  
Соғиниб висолингни, дилдор, ўлмака етдим.

Хумор боқиб кўзларим йўлларингда интизор,  
Сени деб, эй кўзлари хуммор, ўлмака етдим.

Жамолингни менингдек борму элда бандаси,  
Ишқим бўлиб эл ичра ошкор, ўлмака етдим.

Муҳаббатда қадримни ўтмакдасан билмайин,  
Дастингдан чекиб сонсиз озор, ўлмака етдим.

Бўлди юзи заъфарон сени деб, Ошиқ Эркин,  
Ўлар ҳолатда эрдим, такрор ўлмака етдим.

28.9.98





## ОРЗУ ЭТИБ ВИСОЛИНГНИ

Орзу этиб висолингни, жайроним,  
Бошларимдан ошиб кетди армоним.

Хайронлар айласам садоқатимдан,  
Бўлсанг ўзинг ишқимиздан ҳайроним.

Еру кўкка сизмай тараннум қилсам  
Шу гўзал, деб олиб учқон жононим.

Сен бирла, ёр, яйраб сайри боғ этсам,  
Хандон кечар ҳар сониям, ҳар оним.

«Сиз бирла, оғажон, хушдир, десанг бас,  
Муҳаббат боғида қилган сайроним».

Бир умрга дил берди Ошиқ Эркин,  
Ўйнаб-кулиб олгин қўлин, жайроним.

15.2.98





## КЎРМАДИМ

Чехраи олинг каби очунда рухсор кўрмадим,  
Сарвақад, гулгунёноқ, покиза дилдор кўрмадим.

Тутдию етти фалакни партавинг овозаси,  
Бир қуёш чехра, парийваш, яхши дийдор кўрмадим.

Сийналар дуркунлиги бошдиң учирди ақлу хуш,  
Ҳар бири бир қўлга сиғмас олмаю нор кўрмадим.

Хушназокат, ҳам сифо, ҳам лутфи ширинсан бирам,  
Ишққа қойим, ҳам мулойим, гулбадан ёр кўрмадим.

Ўрганинг ихлос билан бўйнимга занжирлармидур,  
Белда тўлғонган бунингдек қоп-қора мор кўрмадим.

Ошиқ Эркин ҳайрати ёлғончи шангилдан йироқ,  
Сен каби аъло санамни, лайлим, зинҳор кўрмадим.

30.12.97





## ҚУРБОНИНГ БЎЛСАМ ГАР...

Ёр, сени деб келди оғзима жоним,  
Қурбонинг бўлсам гар, бўйнингга қоним.

Жону жаҳонимни ўртади ишқинг,  
Титрарман васлингни кўрган замоним.

Булбулнавоздурман ўзга қошинда,  
Қовушмас қошингда сўзга забоним.

Кўнглим асиридур ул икки қундуз  
Камон қошларингни, қоши камоним.

Кўмсаб оғушимда қадди камолинг,  
Доим санчиб юрар юрак томоним.

Ошиқ Эркин бирла қўшсанг умрингни,  
Қутлар, инон, тўйимизни Туроним.

7.11.97





## ЭЙ, ЧЕХРАСИ ТОБОНИМ

Эй чехраси тобоним, жонинг ичрадур жоним,  
То маҳшар ўзингдурсан меҳри кўп нигоҳбоним.

Садоқатда, вафода офтоб бўлиб ёритмас  
Жону жаҳонларимни сендан ўзга тобоним.

Аҳли муҳаббат ичра Шириним ўзинг бўлсанг,  
Фарҳонинг ўзим бўлсам, бўлмас зарра армоним.

Гар кўрсам қаймоқ янглиғ покиза жамолингни,  
Жайхун каби ҳар лаҳза жўшар томирда қоним.

Турганда ҳусни олинг — париларга йўл бўлсин,  
Аҳли жаҳонни ёққан, эй зулфи паришоним.

Ҳақ сўзлар Ошиқ Эркин, йўқдир ўзингдан ўзга  
Кўзларимни остига олиб қўйган нишоним.

4.1.98





## НИМА ҚИЛСИН

Жононасиз танинга жон нима қилсин,  
Заъфаронсан — юзингда қон нима қилсин.

Севги дарёсига кирдинг, шуни билгил  
Бу баҳрда ҳадду поён нима қилсин.

Асли бевурд бўлса одам, бўлма ҳайрон,  
Ахир бевурдларда иймон нима қилсин.

Бўлурми виждони, айтинг, ёмонларнинг,  
Ёмонларда фазлу виждон нима қилсин.

Муҳаббатсиз эрса ошиқ — бемехрдур,  
Муҳаббатсиз дилда раҳшон нима қилсин.

Чин юракдан севишганга тасаддуқ жон,  
Чин ошиқда доғи ҳижрон нима қилсин.

Бир нақл бор: муҳаббатнинг кўзи кўрдур,  
Агар севсанг ёрда нуқсон нима қилсин.

Муҳаббатдур Ошиқ Эркин суянган тоғ,  
Ғар шу бўлса ҳақдин фармон, нима қилсин.

20.1.99





## ЁФИЛУР МЕҲР НУРИ

Минг ўргулиб ҳар лаҳза, эркам, сўлу соғингдан,  
Олмасам ўлгунимча бошимни аёғингдан.

Мастонавор ул гулгун юзга қўйиб юзимни  
Ловуллатай куйганча чаккамни ёноғингдан.

Ёғилур меҳр нури жону жаҳонларимга,  
Боққанда жон олувчи ул кўзи қароғингдан.

Жонингга қотиб жоним, дилдорим, олай баҳра,  
Лабларингга қўйиб лаб, ҳар икки дудоғингдан.

Мушки анбарга сероб айла кўнглим уйини,  
Таратиб хуш атр бўй сержилва димоғингдан.

Ошиқ Эркиннинг, дилбар, ҳаётин фаровон қил,  
Эркалаб токи маҳшар қўймасдан кучоғингдан.

18.2.99





## КҮНГЛИМГА КИРГАНДАН БУЁН

Жону жаҳоним, гулузор, тугён урар ҳар лаҳза, он,  
Ишқинг ўти чақмоқ чақиб кўнглимга киргандан буён.

Булбул каби сайраб кўнгил, осмонда бош — бир турлиман,  
Мастона кўнглинга кириб, сен бирла юргандан буён.

Ҳусну жамолинг барқ уриб, кўксимни равшан айлади,  
Қадди камолинг яйрабон бағримда кўргандан буён.

Бахтимга бор бўл, маҳвашим, меҳринг дилимни малҳами,  
Хандон кулиб гулгун ҳаёт гаштини сургандан буён.

Жавлон уриб иқболимиз, бўлди юраклар лозазор,  
Дилбаргинам, меҳринг тошиб, кўксимда кулгандан буён.

Дунёлара сиғмай борар Ошиқ Эркиннинг шодлиги,  
Сен бирла яйраб қўл бериб, оила бўлгандан буён.

29.9.98





## ҲАММА ҲАЙРОН, ҲАММА ҲАЙРОН

Кўриб қадди камолингни, қизил гулдёк жамолингни,  
Кундуз қоши ҳилолингни — ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Малоҳатга бой экан деб, тенги йўқ чирой экан деб,  
Куёш экан, ой экан деб ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Билиб ўн саккиз ёшингни, ким деб сўраб наққошингни,  
Кўриб ўтли қарошингни ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Зўр экан деб юришлари, мастона ўй суришлари,  
Мисли сой, деб қулишлари, ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Маҳлиёмиз, деб юзига, шакардан ширин сўзига,  
Оҳу рашк этар кўзига ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Ошиқ Эркиндек лабларин болига яйраб ботсам деб,  
Кўйнинда бир кун ётсам деб ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

23.10.98





## ГУЛБАДАН

Сутга чайилганми кумуш бул бадан,  
Истарангиз мунча иссиқ, гулбадан.

Бўлиб қолдим ошиғи зор бир кўриб,  
Каминага буюрса деб шул бадан.

Кўйсангиз гар қадам тарк этадур ғам,  
Қолмай асар ҳасрат тўла кулбадан.

Ланг очикдир оғзи ошиқ аҳлининг,  
Бошдин-оёқ келишган, деб ул бадан.

Минг йилда бир келса келар бунингдек,  
Ҳар кимни ҳам айлагувчи қул бадан.

Кўзларига инонмас Ошиқ Эркин,  
Истарангиз мунча иссиқ, гулбадан.

23.10.98





## ВАФО КИМ КҮРИБДИ

Вафо ким кўрибди умрдан, жондан,  
Қолган борми қадим ўтган инсондан?

Қаринжадек ўтар, ҳатто ном қолмас  
Беҳисоб менингдек лолу ҳайрондан.

Фақат ўлим тенг тутгайдир ҳаммани,  
Раҳм этмай жон олиб ҳатто хоқондан.

Келган борки, бари бир-бир ўтарлар,  
Кимлар кулиб, кимлар йиғлаб жаҳондан.

Фақат бир нарсага шукрим бор менинг,  
Яшар номи олқиш олган даврондан.

Ҳақдан иноятдур умр бирла жон,  
Фойдаланган ютар бундай эҳсондан.

Ошиқ Эркин, олгунча токи жонинг,  
Чиқармай юрса бас қатордан, сондан.

7.5.98





## ГАНЖИ ВАСЛИНГНИ КҮРИБ-

Чарх уриб кирдинг-у гулшанга, эй жон,  
Жилванг ила чарақлаб кетди ҳар ён.

Бўлган эмас, гулим, севгимни боғи  
Меҳринг ёлқинидан буйла чароғон.

Ганжи васлинг кўриб ўзинда йўқ шод,  
Сендек гулни гарчи кўп кўрди бўстон.

Истар эсанг топмоқ ишқда зўр шараф,  
Вафо расмини тут, эй лаъли хандон.

Гулдан вафо гарчи кўрмади булбул,  
Садоқатда элни еен қолдир ҳайрон.

Мисли бир жаннатдур муҳаббат бағри,  
Қайтиб келмас ишқда бундайин даврон.

Девонасан ишқ аро, Ошиқ Эркин,  
Шул боис қучганинг доим сени шон.

16.11.97





## ЎТКИНЧИДИР ДУНЁ ҲАМ УМР

Ҳеч биров бир-бирининг кўнглини вайрон этмасин,  
Молу давлат долошиб, оламни ҳайрон этмасин.

Боқий эрса-да ҳаёт, ўткинчидир дунё, умр,  
Ҳеч биров ҳеч кимсанинг бағрини ҳам қон этмасин.

Бир-бировнинг кўнглини озорлаб, оғритмоқ нечун,  
Ўзга элни фатҳ этиб, ҳеч кимса сайрон этмасин.

Олмасин юлқиб қўлидан заҳматли бурда нонини,  
Жабру ситам ҳеч кимсага ҳеч қайси султон этмасин.

Тўрт-беш кунлик ёлғончида, дўстлар, ардоқлашиб яшанг,  
Банда борки ер юзинда оҳ ила афгон этмасин.

Икки эл тупроқ талашиб ҳадсиз-ҳудудсиз дун аро  
Бир-бирининг кўз ёшин дарёю уммон этмасин.

Сийналашган яхшидур ниналашгандан кўра,  
Ниналашмоқни касб-кор ҳеч бир инсон этмасин.

Ошиқ Эркиннинг мудом осмон каби кенг сийнаси,  
Игна сончиб кимсалар бағрин унинг қон этмасин.

24.12.97





## ҲАҲУЗ ҲАМ ТҮЙМАДИНГМИ?

Ҳануз ҳам тўймадингми мен зорни олмамоқдан,  
Ўтгайми ахир сенсиз ҳаттоки сув томоқдан.

Кўп қилдинг жисми зорим йўлингда пора-пора,  
Авайлаб тикилган ул гўёки минг ямоқдан.

Жоду кўзинг ўғурлик бирла забт этди жоним,  
Не мурад эрди ахир жоним ўғурламоқдан.

Ҳоҳ ошкора, хоҳ ниҳон бир келиб кулбам ичра  
Ор этма хатойингни энди тўғурламоқдан.

Кўйдаи ювош, ҳам ҳалим бу ошиғи хорингни  
Ором олурмисан ё мунчалар хўрламоқдан?!

Зорим бору зўрим йўқ, гар келсанг — ана бағрим,  
Узоқдир Ошиқ Эркин хаёли зўрламоқдан.

4.1.98





## ҚАЙДА БОР

Дунда йўқ жононалар дийдорига тўйдим деган,  
Кўзларим олмай боқиб, рухсорига тўйдим деган.

Ишқ-муҳаббат бир умр битмас-туганмас чашмадур,  
Йўқ меҳрга қондиму, гулнорига тўйдим деган.

Бормикан сайрон этиб бўстонда лаъли лаб ила  
Бўсасин пинҳонаю ошкорига тўйдим деган.

Қайда бор жонон билан мастона гулгашт онлари.  
Гаштли суҳбатлар қуриб, гуфторига тўйдим деган.

Лаб қўйиб лаълига, борму жон бериб, ҳам жон олиб,  
Ҳам ёноқлардин ўпиб, дилдорига “Тўйдим!” деган.

Йўқ, муҳаббат гулшани бамисли жаннат эрса-да,  
Неча бор яйраб кириб гулзорига, тўйдим деган.

Ошиқ Эркиндек ёниқ бир қайда бор булбулनावоз,  
Қайда бор маҳваш унинг ашъорига тўйдим деган.

19.1.98





## ЙЎҚ ОЧУНДА ТИМСОЛИНГ .

Мушкулдир, жоно, топмоқ очунда тимсолингни,  
Лаззатда ҳам тенги йўқ лаблардаги болингни.

Иффатда, назокатда ўхшаш сенга қайда бор,  
Қайда бордур ўхшаши қаддингни, камолингни.

Хусни олингни кўргач ажабмас агар бўлса  
Аҳли ишқни барчаси шайдоси жамолингни.

Бир бўса илинжида қуршаб қолган лабларим  
Хуморидур юзингни безаб турган холингни.

Эркалаб меҳр бирла меҳрингга қонай дейман,  
Симирсам кўйиб оғзим чашмаи зилолингни.

Қалдирғоч қилиб, пир-пир учиргил галма-галдан  
Офати жон икки ул қалдирғоч ҳилолингни.

Ошиқ Эркин ҳайрати дарё каби тошқиндур,  
Мушкулдур, жоним, топмоқ очунда тимсолингни.

1.2.98





## СОҒИНМАДИНГМИ СЕН МЕНИ

Эй, меҳри анвар, моҳигул, соғинмадингми сен мени,  
Васлингга қурбондур кўнгил, соғинмадингми сен мени?!

Нурли бахтимга, гулим, умринг узоқ бўлгай сенинг,  
Соғиндим, эй, эрка сингил, соғинмадингми сен мени?!

Оҳ урарман ҳажринг ўтида, жамолинг соғиниб,  
Тортиб ун дамда енгил, соғинмадингми сен мени?!

Нолалар қилдим туганмас, мунча бағринг тош экан,  
Жоно, бир нарса дегил, соғинмадингми сен мени?!

Сен менинг, эй жону дил, ҳар лаҳза, он ёдимдасан,  
Ўтса ҳамки ою йил, соғинмадингми сен мени?!

Соғиниб, нозик ниҳол, ҳижронинг оташгоҳида  
Гурлаб ёниб кул бўлди дил, соғинмадингми сен мени?!

Ошиқ Эркин ҳолига айламайсан раҳм нечун,  
Меҳринг изҳор айлагил, соғинмадингми сен мени?!

17.5.98





## ЎТКАЗМА ҒАФЛАТ ИЧРА

Хуш ўтсин десанг умринг, ўйлаб азиз жонингни,  
Ўтказма ғафлат ичра ошиқлик замонингни.

Зинҳор телбалик фаслинг ўтмасин ишқда бешон,  
Ардоқла муҳаббатда ҳар лаҳза, ҳар онингни.

Ёдингда тутгил, асло қайтиб келмас бу даврон,  
Ёддан чиқмас қилиб сур даврингни, давронингни.

Билгил, умри-кунингнинг ҳар бир куни ғанимат,  
Севгида қанда қилма ғайратинг, жавлонингни.

Тизангда сени меҳмон дев бўлса-да куч-ғайрат,  
Қўймагил асло қўлдан бой бериб имконингни.

Жабборга берсанг ҳамки омонат бор жонингни,  
Жавлон уриб кўпайтир муҳаббатда шонингни.

Телбалик фасли кечмиш ҳар дилда, Ошиқ Эркин,  
Ўтказма уйқу бирла ошиқлик замонингни.

30.4.98





## БУЛБУЛ ФИҒОН ЭТМАСМИДИ

Бўлса эди гулда вафо булбул фиғон этмасмиди,  
Лаб очар чоғи гунчалар боғни ташлаб кетмасмиди.

Дилрабода бўлса гар ҳайратли севги, садоқат,  
Етказган андуҳ, ғамлари сўнгалардан ўтмасмиди.

Гўзал меҳру муҳаббатнинг қадрига етса санамлар,  
Афғонимиз дуди Арши аълоларга етмасмиди.

Бўлса агар боғбон сара, юрса гулларни авайлаб,  
Ҳар ён бош уриб, бутрашиб боғда тикон битмасмиди.

Гар ошно тутдинг янгидан, насли-насабин ўрганиш  
Даркор эди, аймоқлари итми ва ё итмасмиди.

Ошиқ Эркин, билгилки, бу минг йилги ҳаёт ҳикмати,  
Бўлса эди гулда вафо, булбул фиғон этмасмиди.

19.12.97





## ШУКРОНА

Бахш айлаюрман, маҳваш сенга хонумонимни,  
Ёлғон сўзласам олсин берган Худо жонимни.

Жонон муҳаббатингнинг учқуни тушди жонга,  
Қайдан топарман энди сендек гўзал хонимни.

Муштоқи эрди кўнглим бир қуёшчеҳра ёрнинг,  
Ҳақ етказди сенингдек хуршиди тобонимни.

Бошимни мени осмон айладинг меҳр бирла,  
Шарафларга буркадинг ишқда қаққашонимни.

Айлабон марҳаматлар Оллоҳим, ажаб эрмас,  
Эшитган эрса мунгли фарёду афғонимни.

Танграмнинг ўзи сийлаб кўкка чиқарди қадрим,  
Қўрқмай тикканим боис ишққа хонумонимни.

Ошиқ Эркиннинг жони бахшида сенга, жоним,  
Ёлғон сўзласам олсин берган Худо жонимни.

18.1.98





## ҚАЙТАРМА САЗОЙИМНИ

Васлинг ёқиб кўнгил кўйдим, қайтармагил сазойимни,  
Ёлгон десам Ҳақнинг ўзи берсин, жоним, жазойимни.

Ҳайронлар этган ёрим, ман, ғариб ҳам кўнгли яримман,  
Рад этиб ишқим, ёғдирма бошга қиёмат қойимни.

Жамолинг рўбарў этган Оллоҳимга тасаддуқ жон,  
Тасаддуқ жон бино этган сенингдек шакархойимни.

Эркам, покиза оққушсан, ҳам меҳри дарё, Ҳаққушсан,  
Худо етказди сенингдек иқбол қушим – Ҳумойимни.

Мушарраф этганинг шулдир: қилиб бахшида ишқингни,  
Муқим этсанг мени тахти Сулаймон узра жойимни.

Ёд айлаю худойимни, қайтарма, эркам, ройимни.  
Сенга равон очиб кўйдим кўнгил деган саройимни.

Ошиқ Эркин то қиёмат қувонсин ҳусни олингдан,  
Кўнгил кўйдим ёқиб васлинг, қайтармагил сазойимни.

29.1.98



---



## КИМ ДЕБ ЮРИБСАН САН МАНИ

Париваш, кўзга илмайин, ишқда писанда қилмайин,  
Ҳам аслим, наслим билмайин ким деб юрибсан сан мани?

Сен ўйлаган боламасман, ҳануз зўрман — чоламасман,  
Бел тўла куч — чол эмасман, ким деб юрибсан сан мани?

Устунман кўпдан тоқатда, ҳам вафо, ҳам садоқатда,  
Менингдек кам адолатда — ким деб юрибсан сан мани?

Эмасман лойиқ қаҳрингга, аламларингга, жабрингга,  
Йўқдир бардошим заҳрингга, ким деб юрибсан сан мани?

Чиқармасдан чатоғингни, сал паст тушир димоғингни,  
Очмай бағринг, қучоғингни, ким деб юрибсан сан мани?

Бebурдлардан эмасман ман, бил, ўзгани демасман ман,  
Висолинг билан мастман ман, ким деб юрибсан сан мани?

Кўпдан розилик кутарман, ёлғиз сени деб ўтарман,  
Умрбод бошда тутарман, ким деб юрибсан сан мани?

Қатъий Ошиқ Эркин аҳди, кутар сени тожу тахти,  
Нақд сенга аталган бахти — ким деб юрибсан сан мани?

Жононим бўлгин сан мани, райҳоним бўлгин сан мани,  
Ошиқ Эркинга бер қўлинг, жайроним бўлгин сан мани?

24.6.98



## ДАВЛАТ ҚУШИ

Қўнса кимнинг бошига давлат қуши,  
Бўлмас онинг токи маҳшар ташвиши.

Не юмуш қилса бари топгай ривож,  
Шарт эмас бўлмоғининг ақлу ҳуши.

Ҳатто харсанг тошни ҳам ташлар ғажиб,  
Дув тўкилган эрса-да барча тиши.

Арши аълога етар дасти унинг,  
Ойни бенарвон олар ундай киши.

Қилса басдур Ҳақ назар, давлатлининг  
То абад келгай бароридан иши.

Ошиқ Эркин, доимо парвоздадур  
Қўнса кимнинг бошига давлат қуши.

23.12.97





## КУЙДИРДИ МЕНИ, ЖОНИМ..:

Куйдирди мени, жоним, ишқингни оташгоҳи,  
Ўртанур жамолингга тушса кимнинг нигоҳи.

Юрмакдаман ўт бирла гулгун ёлинг ичинда,  
Кўй ҳоли харобингга термулиб гоҳи-гоҳи.

Қил каби тўлғанурман, қилча ҳам парвойинг йўқ,  
Тутса ҳамки фалакни кўнглимни ўтлуғ оҳи.

Ҳай-ҳай, бераҳмдурсан, ишқ шаҳрининг бормикан  
Сендан ўзга тошбағир гўзал пайкари, моҳи.

Кул қилсанг ҳамки буткул, чекинмагайман асло  
Сен сари илоҳийдан тушмиш ишқимни роҳи.

Дардинг, эй Ошиқ Эркин, тоғлардан ҳам оғирдир,  
Оғир кунлара кўйди сани санамлар шоҳи.

7.7.97





## ВАФОЛИ БЎЛ

Бевафоликни зинҳор охири вой, яна вой,  
Умрингни зое қилма, вафоли бўл, санамой.

Садоқат эрса ишқу муҳаббатнинг меваси,  
Хандон кечар ҳаётинг — ана мою, мана мой.

Бир-бирига вобаста юраклар тилда достон,  
Яшнар хонадон — бўлсак гар санам ой, манам ой.

Гар айши ниҳон қилсанг мастона мендан айру,  
Гул эрса-да рўзигор дарз кетадур ҳойнаҳой.

Ганжинаси вафодур беш кунлик бу дунёнинг,  
Садоқат ила гулгун азал кўҳна бу сарой.

Бевафоликни, зинҳор қулоқда тут, санамой,  
Кўп билар Ошиқ Эркин, охири вой, яна вой.

1.12.98





## ХИВАЛИ ҚИЗ

Ишқингда дири ёқдинг хивали қиз сан мани,  
Қоши сурма, қўллари хинали қиз сан мани.

Олдинг тани зоримни зулфи торинга бойлаб,  
Қаймоқдай бай-бай оппоқ сийнали қиз сан мани.

Ҳайдаб ўзинг ўтарсан ташлабон кўз тўрт томон,  
Чангларингда қолдириб, «Нива»ли қиз сан мани.

Кўзларим узолмасман олмаю анорингдан,  
Онларим олдинг кўкси мевали қиз сан мани.

Тутибон дариг меҳринг, васлингга айладинг зор,  
Ай, сўзлари ширали, шевали қиз сан мани.

Қалбингга йўл тополмай ҳасратда Ошиқ Эркин,  
Ёндирдинг, дири ёқдинг, хивали қиз сан мани.

19.3.98





## САВДОЙИ ҚИЛДИНГ ҲЙЛАТИБ

Сигмай ичимга гамларим, ортиб борар аламларим,  
Дилдор, сенга кўнгил бериб, барбод бўлди хуш дамларим.  
Ҳар кўрганга бир сўйлатиб, савдойи қилдинг ўйлатиб.

Айлаб забун ҳолим мени, шўр этдинг аҳволим мени,  
Каҳрабо рангга айланди бу чеҳраи олим мени.  
Ҳар кўрганга бир сўйлатиб, савдойи қилдинг ўйлатиб.

Айлаб менга меҳринг дариг, кўз ёшларим қилдинг ариқ,  
Ўйламадим сени мунча бемеҳрсан деб, во дариг.  
Ҳар кўрганга бир сўйлатиб, савдойи қилдинг ўйлатиб.

Севги – ҳикмат, билармисан, Оллоҳдан ишқ тилармисан,  
Асло садоқат ҳайлига яйраб вафо қилармисан?  
Садоқат куйин куйлатиб, савдойи қилдинг ўйлатиб.

Борми ўзи сеvgи санда, қайнарми ишқ қони танда,  
Муҳаббатимга йўқ жавоб, ё қасдинг бормиди манда?  
Шайдолигимни сўйлатиб, савдойи қилдинг ўйлатиб.

Эй, лаблари қанду асал, кокиллари зар, мусалсал,  
Бечора Ошиқ Эркина не учун қўл бердинг аввал.  
Ишқимни элга сўйлатиб, савдойи қилдинг ўйлатиб.

22.6.98



---



## ҚҰЙНИМГА КИРСАНГ ЭРКАЛАБ

Йўқдир сенсиз менда ором, кўнглимдасан эртаю шом,  
Дариф тутма ҳимматингни, ушалур орзу бирла ком,  
Эй, лаъли хандон, эрка лаб, қўйнимга кирсанг эркалаб.

Завқ олсин диллар бир замон, дилдорим бўл, қоши камон,  
От бағрима ўзни ёниб, шитоблар айлаб мен томон.  
Яйраб кириб қўйнимга, кел, сол қўлларинг бўйнимга, кел.

Ром айлади васлинг сени, ҳуру гилмон наслинг сени,  
Гулгун яшнабсан, гулбадан, айни баҳор фаслинг сени.  
Хушдан кетарман, эрка лаб, қўйнимга кирсанг эркалаб.

Ўтмасин қулай бу фурсат, нозанин кел, ҳиммат кўрсат,  
Чиқмас эсимдан қўл бериб кўрсатганинг буюк журъат.  
Яйраб кириб қўйнимга, кел, сол қўлларинг бўйнимга, кел.

Кириб бағрима хушчақчақ, Ошиқ Эркиндан ол сабоқ,  
Қайтармагил раъйин уни, кўнглига боқ, кўнглига боқ,  
Оларман ором, эрка лаб, қўйнимга кирсанг эркалаб.

8.12.97





## ТИЛЛАРИНИНГ БОЛИ БОР

Қақнус каби хушовоз, товус каби жилвагар,  
Зухра каби ярқироқ, тишлари дур, зулфи зар,  
Шаҳду шакар сўзлининг, мен севган ой юзлининг.

Сийналари анордек, гўё пайванди нордек,  
Кулоч-кулоч сочлари товонин ўпар мордек,  
Шаҳду шакар сўзлининг, мен севган ой юзлининг.

Ёноғининг холи бор, тилларининг боли бор,  
Қаймоқ миқоли оппоқ зўр чеҳраи оли бор,  
Мен севган ой юзлининг, шаҳду шакар сўзлининг.

Тенгмас унга чин, фаранг, айлар ким кўрса гаранг,  
Шамшодни кўр, уни кўр, бели нозик ҳам таранг,  
Шаҳду шакар сўзлининг, мен севган ой юзлининг.

Қоши камон, чашми ўқ, йўқ, ундайин гўзал йўқ,  
Айт ўзинг, Ошиқ Эркин, қоматлари дўли-дўқ,  
Шаҳду шакар сўзлининг, мен севган ой юзлининг.

2.12.97





## ВАСЛИНГДАН ОЛСАМ МАНФААТ

Топма бугун бир баҳона, ўпайин лабингдан қона,  
Сигмасман бу кенг жаҳона мастона яйраб ман фақат,  
Васлингдан олсам манфаат.

Ҳуснингга банда, қоши ё, борлиқ Марказий Осиё,  
Дунё кўзимга тўтиё мастона яйраб ман фақат,  
Васлингдан олсам манфаат.

Ишқ мулкининг малоҳати, жонимни сенсан офати,  
Ортар дилимнинг роҳати мастона яйраб ман фақат,  
Васлингдан олсам манфаат.

Фарҳоду Шириндек бўлиб, бағрим мени юрса тўлиб,  
Ағёрларим қолгай ўлиб, мастона яйраб ман фақат,  
Бағрингдан олсам манфаат.

Юрсак кўнгилни хушлашиб, боғлар аро қўл ушлашиб,  
Қолса рақиблар муштлашиб, мастона яйраб ман фақат,  
Васлингдан олсам манфаат.

Бўлгай баланд кўшиқ, рози, Ошиқ Эркиннинг парвози,  
Жоним, жўшиб янграр сози мастона яйраб ман фақат,  
Васлингдан олсам манфаат.

Ҳар лаҳза, ҳар он, ҳар соат  
Севгингдан олсам манфаат.  
Тун бўйи олсам манфаат,  
Бир умр олсам манфаат!

19.5.98



## СЕНИНГДЕК ДИЛДОР КАМДАН-КАМ

Келар ишқ, деган бўстона сенингдек дилдор камдан-кам,  
Нақшли рухсор камдан-кам, ажойиб дийдор камдан-кам,  
Оху кўзли ёр камдан-кам.

Сенсан, гапим том маъноси, юрак-бағрим таманноси,  
Ҳам ҳаётимнинг маъноси, сенингдек рафтор камдан-кам,  
Ой юзли нигор камдан-кам.

Кўксимдаги тўлин ойсан, бошимга қўнган ҳумойсан,  
Аканга меҳри нўмойсан, сенингдек гулнор камдан-кам,  
Хуршиди анвор камдан-кам.

Кокилларинг тиллою зар, кўксингни қўш олма безар,  
Оллоҳдан менга муяссар, лаъли шакарбор камдан-кам,  
Ҳам шакар гуфтор камдан-кам.

Ўтдек ёниб турган жонон, қайда сендек моҳитобон,  
Ишқ тўла жисмим ичра жон, кўзлари хуммор камдан-кам,  
Сийнаси гулзор камдан-кам,

Эркам, менг йўқдир менгингдек, ишқда бахтиёр менингдек,  
Ошиқ Эркиндан сенингдек олган ихтиёр камдан-кам,  
Кўкси тўла нор камдан-кам,  
Дурмиши баҳор камдан-кам.

30.4.98





## ЭЙ САРВИ ХИРОМОНИМ

Жайрон бўлиб югур, ел, келгил, хандон кулиб кел,  
Бахш айла — лол қолсин эл — алиф каби қаддингни,  
Эй, сарви хиромоним.

Бағримни мурод эт, кел, кўнгилгинам шод эт, кел,  
Ишқимиз обод эт, кел, келсанг агар юракда  
Қолмас зарра армоним.

Кўкларга етар бошим, ёришар ичу тошим,  
Чиққанлиги қуёшим, бахш этиб лабда болинг,  
Бўлсанг дардга дармоним.

На бўлгай бир шод қилсанг, бағримда ўйнаб-кулсанг,  
Ҳайронингдурман, билсанг, кел санам, менинг бўлгил  
Бир умрлик меҳмоним.

Юрак-бағрим бўлиб қон, чекмасман асло афгон,  
Кел, бағрим аро бўл жон — ёқут каби лаъли лаб  
Эй, шаъми занаҳдоним.

Оҳу кўзлим, жайроним, мушки анбар райҳоним,  
Эй, гулбарги хандоним ҳам ишқимдан ҳайроним,  
Бўл абад қадрдоним.

Очиб юрак-бағрингни, бахш айла дил ҳоврингни,  
Гуллат ёшлик даврингни — яйрасин Ошиқ Эркин  
Эй, зулфи паришоним.





## БАЗМИНГДА ЯЙРАБ ҚҰШ ТУТАЙ

Бормоқдаман, ноз айлама, йўқ, деб эътироз айлама,  
Меҳри дилинг, эй меҳри оз, ўзгага ниёз айлама.  
Сийнангга, жоним, тўш тутай, илгингда яйраб қўш тутай.

Васлинг мурод этдим неча, меҳмонинг бўлай бир кеча,  
Оғушиңгда ҳушдан кетай тугмаларинг бир-бир еча.  
Сийнангга, эркам, тўш тутай, кўшкингда яйраб қўш тутай.

Новвот каби ушалсин ком, тўққиз кеча, тўққиз оқшом,  
Меҳринг ичмоққа айлагил қирмиз лабларинг мисли жом.  
Сийнангни туткил, тўш тутай, бағрингда, жоним, қўш тутай.

Тутма дариф ҳимматингни, ол юзингдан чимматингни,  
Ёлентирма, кўй, бунчалар мусулмон бир умматингни.  
Келгин, сийнангга тўш тутай, бу кеч қасрингда қўш тутай.

Бу на кўкрак, бу на сийна, узмагайман сендан таъма,  
То ҳануз сени деб юрган Ошиқ Эркинни ўртама.  
Сийнанга, эркам, тўш тутай, бағрингда яйраб қўш тутай.

14.12.97





## ШУ ОДАТИНГ ЁМОН САНИ -

Йўлларимни ондиб, жоним, қайнатурсан дамда қоним,  
Йўқдур тўй ўтгандан буён таъқибсиз юрган бир оним.  
Лайливашим, ҳамон сани шу одатинг ёмон сани.

Ҳаммага ҳам рашк этасан, баъзан қўзинг ашк этасан,  
Изларимдан ондимоқни қачонгача машқ этасан.  
Лайливашим, ҳамон сани шу одатинг ёмон сани.

Бағримдан кетмагил дейсан, бошқага етмагил, дейсан  
Ўзга бирла изҳори дил базинҳор этмагил дейсан.  
Лайливашим, ҳамон сани шу одатинг ёмон сани.

Сухбатлашиб қолганим дам, қизғонурсан чиқонинг ҳам,  
На бўлибди меҳримни мен у билан ҳам кўрсам баҳам.  
Лайливашим, ҳамон сани шу одатинг ёмон сани.

Ўсма кетар-ку қош қолар, дўппи кетар-ку бош қолар,  
Жоним, Ошиқ Эркин билан яйрамасинми бошқалар,  
Лайливашим, ҳамон сани шу одатинг ёмон сани.

23.4.98





## ҲУМОЙИМ

Назар айлаб диёримга худойим,  
Ёритди бағрини қуёшим, ойим.  
Ўзинг бут айлагил насибамизни,  
Эй, қудратли, меҳри дарё Ҳумойим.

Дийдорингга эрдик сени интизор,  
Чекиб ўзгаларнинг илгинда озор.  
Ҳурлик ва бахт эрди тилак худойдан,  
Оллоҳга ташаккур, қайтмади ройим.

Дилга босиб ҳар сурасин «Қуръон»нинг,  
Ҳуррият эрди орзуси Туроннинг.  
Озод бўлди элим истиқлол боис,  
Сонсиз қутловларин олиб жаҳоннинг.

Қуёш бўлиб йўлимизни равон қил,  
Юртим дориломон ҳам фаровон қил.  
Баҳраманд айлагил адолатингдан,  
Мустақил элимга меҳри нўмойим.

Парвозларинг баланд бўлғай, оққушим,  
Дариг тутма марҳаматинг, Ҳаққушим.  
Бахтиёрман, Ошиқ Эркин, умрбод,  
Ҳур элимга жоним бахш этган сойим.

26.1.98





## СИЗНИ КҮРАР КУН БОР ЭКАҢ

Эй, мендан олган ихтиёр,  
Васлингизга жоним нисор,  
Кутган эдим кўп интизор,  
Сизни кўрар кун бор экан.

Сорғайиблар сўлган эдим,  
Бўлганимча бўлган эдим,  
Соғиниблар ўлган эдим,  
Сизни кўрар кун бор экан.

Яратганга минг тасанно,  
Чалди дилда булбул наво,  
Оғушларимга марҳабо,  
Сизни кўрар кун бор экан.

Бўлиб лаълингизга муштоқ,  
Юрган эдим тоқатим тоқ,  
Энди мендан ғамлар йироқ,  
Сизни кўрар кун бор экан.

Узоқ кутди Ошиқ Эркин,  
Хунлар ютди Ошиқ Эркин,  
Бугун ўтди Ошиқ Эркин,  
Сизни кўрар кун бор экан.

4.1.99





## СИЗ ЁНА БОРОСИМ ГАЛАВАРАДИ

Оқшомлар ухламай, тонг билан туриб,  
Висол орзусинда жавлонлар уриб,  
Оромлар олмоққа суҳбатлар қуриб,  
Сиз ёна боросим галаваради.

Қаймоқ каби рухсори олингизга,  
Қалдирғочдек қоши ҳилолингизга,  
Сарв янглиғ қадди камолингизга  
Кўз олмай қоросим галаваради.

Жоним, юракларни хушнуд этгунча,  
Дилларимиз муродига етгунча,  
Кучоқларда донглар отиб кетгунча  
Сиз билан қолосим галаваради.

Олма каби қирмизи ёноқлардан,  
Қуралай кўзлардан ҳам сақоқлардан,  
Ул шакар лаблардан, бол дудоқлардан  
Бўсалар олосим галаваради:

Таратиб ҳар тараф гуллар бўйини,  
Чўлғодингиз Ошиқ Эркин ўйини,  
Садоқатли муҳаббатнинг куйини  
Сиз билан чолосим галаваради.

24.5.98





## ДАРДИМ КИМА ДОД АЙЛАЙИН

Инобатга олмадилар зардимни,  
На дилбар сўзларим ва на фардимни,  
Жон ўртаган юракдаги дардимни  
Кимга бориб дод айлайин, яхшилар?

Дойисига борибми ё дод айлай,  
Ерлар ўпиб, тўлганиб фарёд айлай,  
Шарт қўйсалар барини бунёд айлай,  
Кимга дардим дод айлайин, яхшилар?

Ўзим борай десам қўймас атоси,  
Кўрса мени ер депсиниб ёноси,  
Қизи севгач, ноилождир оноси,  
Дардим кимга дод айлайин, яхшилар?

Уйига, кўрқарман, йўл очай десам,  
Тайёрман бу йўлга дур сочай десам,  
Удумлар эскирган опқочай десам,  
Дардим кимга дод айлайин, яхшилар?

Йўқ эркан ишқ-муҳаббатдан ёмон дард,  
Чидай билмас озорига ҳатто мард,  
Ошиқ Эркин ҳайрон эрса-да жўмард,  
Дардим кима дод айлайин, яхшилар?

20.2.98





## ЎЗБЕКИСТОНДАН САЛОМ

Келтирдик сизга, дўстлар, Ўзбекистондан салом,  
Турфа боғли, чаманли хур гулистондан салом,  
Истиқлолга эришган ҳар бир инсондан салом,  
Бағри очик, хушкалом Ўзбекистондан салом.

Хурриятнинг йўлидан шахдам одимлаб, дадил,  
Бағрини маскан этган барча миллатга одил,  
Кўли доим кўксида, ширин забон, ширин тил,  
Гулзорлари хушхиром Ўзбекистондан салом.

Баҳринг очар кўкидан офтоб сочган зиёлар,  
Оқар бағрин гуллатиб Аму, Сирдек дарёлар,  
Мустақил парвозига ҳайратдадур дунёлар,  
Танти, меҳмондўст мудом Ўзбекистондан салом.

Армондадур кўрмаган оромижон бағрини,  
Самарқанду Бухоро, Хива янглиф шаҳрини,  
Дўсту қадрдонидан дариф тутмас меҳрини,  
Тунлари оппоқ оқшом Ўзбекистондан салом.

Иқболи тоғдай баланд, саховатли диёрдан,  
Жаҳонда ўрин топган саодатли диёрдан,  
Тенглик барқарор этган адолатли диёрдан,  
Ҳимматда олимақом Ўзбекистондан салом.

Эрлари соҳибкарам, қизларин қоши қалам,  
Тарк айлаган элини умрбод қайғу, алам,  
Тутгувчи, Ошиқ Эркин, меҳмониға олтин жом,  
Сизга, хулласикалом, Ўзбекистондан салом,  
Барча дўстга мустақил Ўзбекистондан салом!

13.12.96



## НА ПАРИ, НА ҚАРИ БИЛАР

Бир гўзалга мубталоман, найлайн,  
Кимга бориб арзим баён айлайн,  
Кунлар ўтган сайин, ой ўтган сайин  
На пари, на қари билар бу ҳолим.

Ишқи уриб, кўнглимда юз минг озор,  
Ҳайронаман йўлларинда зор, зор,  
Бормикан ё мендан ўтган харидор,  
На пари, на қари билар бу ҳолим.

Оғир мени дардим, тоғ каби оғир,  
Куйди ҳасратинда юрак ҳам бағир,  
Еганим заққумдир, ичганим тахир,  
На пари, на қари билар бу ҳолим.

Айлаб жамолига шунчалар мафтун,  
Нолаларим кўкка чиқар кун-бакун,  
Оромим бор мени на кундуз, на тун,  
На пари, на қари билар бу ҳолим.

Парво қилмас чеҳраи олим мени,  
Баттардур кундан-кун аҳволим мени,  
Ошиқ Эркин, қийнади золим мени,  
На пари, на дўстлар билар бу ҳолим.

20.2.98





## КЕЛСА ДЕБ ХУШХАБАР...

Куз баргидек заъфарондур юзларим,  
Етмас сизга наҳот юрак сўзларим,  
Интизордур йўлингизда кўзларим,  
Келса деб хушхабар сиз тарафлардан.

Армонимсиз мени – ўтли тилагим,  
Сизсиз танлаганим, сизсиз керагим,  
Ёмон ўртаб, талпинадур юрагим,  
Келса деб хушхабар сиз тарафлардан.

Меҳрим тушди сиздек қоши қарога,  
Бир раҳм қилмайсиз мотамсарога,  
Суюнчига жоним мени садоға,  
Келса гар хушхабар сиз тарафлардан.

Ҳажрингизда ўртанаман, ёнаман,  
Эркам, меҳрингизга қачон қонаман,  
Ўтга тушган қил каби тўлғонаман,  
Келса деб хушхабар сиз тарафлардан,

Кимни нолон айлайди ишқ, шер – кимни,  
Сиз олиб қўйибсиз қўлдан эркимни,  
Нигоҳлари йўлда Ошиқ Эркинни,  
Келса деб хушхабар сиз тарафлардан.

1.11.97





## ЎЛГУНИМЧА СЕНИНГДУРМАН

Ишқингни учқуни тушиб қонима,  
Ўтлар кетди жумла хонумонима,  
Берма энди турфа озор жонима,  
Ўлгунимча қулингдурман энди мен.

Умри-куним сенинг бирла кечса бас,  
Меҳру садоқатинг энг олий ҳавас,  
Омад тилаб кўклан таралди бир сас,  
Ўлгунимча сенингдурман энди мен.

Ишқим тушди, қайтмагайман йўлимдан,  
Йўл ҳам гапми, ҳатто, жоним, ўлимдан,  
Жоним фидо маҳкам тутсанг қўлимдан,  
Ўлгунимча сенингдурман энди мен.

Муҳаббатни зарга сотиб бўлмагай,  
Муҳаббатсиз одим отиб бўлмагай,  
Ороминг бўлмаса ётиб бўлмагай,  
Ўлгунимча сенингдурман энди мен.

Энди бахтим барқарордур сен билан,  
Саодат, иқболга ёрдур сен билан,  
Ошиқ Эркин бахтиёрдур сен билан,  
Ўлгунимча қулингдурман энди мен.

20.2.98





## БЎЛМАС

Кўнгил кўйдим, азизлар, бир парига,  
Паризодга – парилар сарварига,  
Йўлинда ризоман шартнинг барига,  
Жоним шунго фидо қилмасам бўлмас.

Олиб ҳусни оли ақлу ҳушимни,  
Энди топдим, дўстлар, мен оққушимни,  
Унинг бирла завқи ҳар бир тушимни,  
Жоним шунго фидо қилмасам бўлмас.

Гуллар ичра райҳони ҳам раъноси,  
Қизлар ичра дурдонаси, доноси,  
Уни ким кўрса бас — гурлаб ёнаси,  
Жоним шунго фидо қилмасам бўлмас.

Қоматинда нафосатни бари жам,  
Кўрарман меҳримни то маҳшар баҳам,  
Садоқатим ила шул санамни ҳам  
Ақлу ҳушдан жудо қилмасам бўлмас.

Келса агар бошин эгиб қошимга,  
Ердан узиб, даст кўярман бошимга.  
Ошиқ Эркин, ёш кўшилар ёшимга,  
Жоним шунго фидо қилмасам бўлмас.

20.2.98





## ҚОРАҚАЛПОҚ МОРОЛИ

Етиб орзу, тилакка, ишқинг тушди юракка,  
Камолотга етибсан, юрмагил энди якка.  
Қорақалпоқ мороли, бағрим мени яроли,  
Юргил, ўзинг давола, бир ёқлара бороли.

Бўйинг бўйима қойим, бўлгил қуёшим, ойм,  
Қайтармагил ройимни, оху кўзли Гулойим.  
Қорақалпоқ мороли, бағрим мени яроли,  
Юргил, ўзинг давола, бир ёқлара бороли.

Таратиб хуш атр бўй, йўлима гул сочиб қўй,  
Эркалашга борганда дарвозангни очиб қўй.  
Қорақалпоқ мороли, бағрим мени яроли,  
Юргил, ўзинг давола, бир ёқлара бороли.

Чўлни ҳавоси майин, яйраб бирга кезайин,  
Оғушга олиб, эркам, сийналаринг безайин.  
Қорақалпоқ мороли, бағрим мени яроли,  
Юргил, ўзинг давола, бир ёқлара бороли.

Бахш айласанг ўзингни, қошу кўзинг, юзингни,  
Қолдирмас ерда асло Ошиқ Эркин сўзингни.  
Қорақалпоқ мороли, бағрим мени яроли,  
Юргил, ўзинг давола, курортлара бороли.

17.4.98





## КЕЛАМАН, ДЕБ КЕЛМАДИНГИЗ

Келаман, деб келмадингиз – куттирдингиз,  
Тонглар отиб кетгунча қон юттирдингиз,  
Сабрим синаб ютдингиз ё юттирдингиз,  
Умримда кўрмадим сиздек ёлғончини.

Ваъда бердингизми – бажармоқ фарз эди,  
Мард йигитга адо айламоқ қарз эди,  
Нолишларим Оллоҳга қилган арз эди,  
Умримда кўрмадим сиздек ёлғончини.

Кўнгил бериб, топдим дедим бахтимни мен,  
Муҳаббатда ҳам тожу ҳам тахтимни мен,  
Кутаман деб, бергандим чин аҳдимни мен,  
Умримда кўрмадим сиздек ёлғончини.

Айланиб зулматга, отмай кетди тонглар,  
Ошиқ Эркин, бошларимдан учди онглар,  
Наҳот етмасдан қолди урганим бонглар,  
Умримда кўрмадим сиздек ёлғончини.

1.12.98





## НАВРЎЗ КУЛИБ КЕЛДИ

Зеболаниб, диёримга — чаманимга,  
Оро бериб гулшанимга, Ватанимга,  
Меҳр бирла лаззат бахш этиб танимга  
Гулгун баҳор — сахий Наврўз кириб келди,  
Хандон уриб, қиқир-қиқир кулиб келди.

Турфа рангга бўяб гулзору боғларни,  
Шўх яшнатиб куртакларни, бутоғларни,  
Қорларини эритиб оппоқ тоғларни —  
Ўлкамга гулбаҳор — Наврўз кириб келди,  
Гулдек чақнаб, қиқир-қиқир кулиб келди.

Юрақларга бир олам шодлик бахш этиб,  
Мурувват ҳам ҳимматни мисли Вахш этиб,  
Шайдо кўнгулларга муҳаббат нақш этиб,  
Элимга навбаҳор — Наврўз кириб келди,  
Булоқлардек қиқир-қиқир кулиб келди.

Кутиб илҳақ, муштоқ эдик йўлларинда,  
Жаннатлар яратиб ўнгу сўлларинда,  
Туганмас бахт — давлат олиб қўлларинда  
Хоразмга танти Наврўз кириб келди,  
Гулгун чеҳра — қиқир-қиқир кулиб келди.

Қаҳқаҳаси, кулгисига садқа жоним,  
Тўлиб кетди ноз-неъматга хонадоним,  
Ташрифидан миннатдор жону жаҳоним,  
Сумалаклар олиб, Наврўз кириб келди,  
Илгинда кўкбарак, яйраб кулиб келди.

Бемор кучга тўлсин, деб, айлаб инъомлар,  
Илдирма, кўксомса, йилвўйли таомлар,  
Кундузларга улансин деб узоқ шомлар,  
Юртга буюк ҳаким – Наврўз кириб келди,  
Улашиб элларга соғлиқ, кулиб келди.

Кўрсин дея Ўзбекистон шодлик баҳам,  
Айлаб Ошиқ Эркинни ҳам хушдил, ҳуррам,  
Ҳазрат Берунийларни шод этган байрам –  
Мустақил диёрга Наврўз кириб келди,  
Бағри чечакларга тўлиб, кулиб келди.

14.2.98



---

## БАХТИЁР ЎЗБЕКМАН

Булбуллар сайрашиб дилда, алёр айтиб минг бир тилда,  
Хуррамдир барча ватандош гуллаган, яшнаган элда —  
Ўзбекистон деб аталган жаннатул маъво маҳфилда.  
Етти йилким, шон-шуҳратин ошириб эркин юртимни,  
Эрки кулган ўзбекман, деб юрибман товлаб буртимни.

Фоз тутмоқдаман қаддимни йиллар бир-бир ўтган сайин,  
Завқ бермоқда юракларга эсиб еллар майин-майин,  
Жаҳон бўйлаб, ўйнаб хандон қай гўшаларга бормайин,  
Етти йилким, шон-шуҳратин ошириб эркин юртимни,  
Эрки кулган ўзбекман, деб юрибман товлаб буртимни.

Етти йилким, бошда ҳумой, истиқлолим боис ҳурман,  
Етти йилким, етти минг ранг мўъжизалар ичрадурман,  
Етти йилким, қўлда эрким, мен-да иқболдан масрурман,  
Етти йилким, шон-шавкатин ошириб эркин юртимни,  
Бахти кулган ўзбекман, деб юрибман товлаб буртимни.

Мустақиллик оғушинда ўтмоқда ҳар куним, оним,  
Минг бор қуллуқ Оллоҳимга — баҳраманд эрдан Туроним,  
Кўрғазиб бизга ойдин йўл буюк Ислоимим, «Қуръон»им,  
Етти йилким, кўзим ичра тўтиё айлаб юртимни,  
Очунда ҳур ўзбекман, деб юрибман товлаб буртимни.

Жумлаи жаҳон билар бугун диёрим Ўзбекистонни,  
Эртаси гулгун, ҳур ўлкам — сийнаси боғу бўстонни,  
Замини тинч, осойишта, қўки феруза осмонни,  
Етти йилким, дилда алёр, Истиқлол кучган юртимни,  
Бир ғазалхон ўғлиман, деб юрибман товлаб буртимни.

Ўзбекистон бир гавҳардур, жон қадар суюк ва азм,  
Шу ноёб гавҳар ичра — дур ардоқли воҳам Хоразм,  
Ҳуррият боис бағринда кечаю кундуз тўй, базм,  
Етти йилким, бағрим бутун, ифтихор айлаб юртимни,  
Эрка етган ўзбекман, деб юрибман товлаб буртимни.

Дуодаман шому саҳар кўз тегмасин, деб кўркига,  
Оллоҳимнинг ўзи баҳшида этган неъмат — эркига,  
Ҳайратда очун ўзбекнинг нур тараб турган бўркига,  
Етти йилким, осмонда бош — ардоқлаб азиз юртимни,  
Мен бахтиёр ўзбекман, деб юрибман товлаб буртимни.

Шубҳа йўқдир, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат,  
Жаҳонда бор давлат ичра эрта мағрур тўкар савлат,  
Диёрингнинг, Ошиқ Эркин, энг бош шиори — адолат,  
Етти йилким, ўйнаб-қулиб, очомлаб озод юртимни,  
Бахти қулган ўзбекман, деб юрибман товлаб буртимни.

27.8.98



---

## ЁМОН КУН ТУШМАСИН БОШЛАРИНГИЗГА

Дерман боқиб кўзи-қошларингизга,  
Ёш кўшилсин, дўстлар, ёшларингизга,  
Душман шерик бўлиб ошларингизга,  
Беш кунлик бу ёлғончида, азизлар,  
Ёмон кун тушмасин бошларингизга.

Соғ бўлсин то маҳшар ширин жонингиз,  
Тўлиб-тошсин доим дастурхонингиз,  
Дўстларга буюрсин патир нонингиз,  
Беш кунлик бу ёлғончида, азизлар,  
Тушмасин ёмон кун бошларингизга.

Орзуларим, умидларим дойим шу,  
Яхши истак, тилакларим дойим шу,  
Яратган Эгамдан илтижойим шу:  
Беш кунлик бу ёлғончида, дўстларим,  
Ёмон кун тушмасин бошларингизга.

Яхшилик — яхшининг юрган излари,  
Тўйлар қилиб, ахтиқ севар дизлари,  
Ёмонларнинг тарса дўнсин юзлари,  
Беш кунлик бу ёлғончида, дўстларим,  
Ёмон кун тушмасин бошларингизга.

Истиқдолга эндигина етдик биз,  
Адолатли эрта сари кетдик биз,  
Хур яшашга азму қарор этдик биз,  
Беш кунлик бу ёлғончида, азизлар  
Ёмон кун тушмасин бошларингизга.

Тарк этмасин сизни яхши кун асло,  
Ғамхўрингиз бўлсин меҳрибон Худо,  
Айлар Ошиқ Эркин яна илтижо,  
Беш кундик бу ёлғончида, дўстларим,  
Ёмон кун тушмасин бошларингизга.

2.2.99



---



## КИМ БОСТИРАР КҮНГЛИМДАГИ ҚҰЗҒОЛОННИ

Қийнадинг ширин жонларим, бир боқдим — олдинг онгларим,  
Васлингни истаб, Ҳақ дея отмоқда энди тонгларим.  
Наҳот сенга бормас етиб кўкларга етган бонгларим,  
Бошимга даст кўтаргайман ғариб бу жоним олонни,  
Ким бостирар энди менинг кўнглимдаги кўзғолонни?

Жунбушга тушди энди қон, оғзимга етиб келди жон,  
Оғушларинг орзусида чошиб борар ақлим чунон.  
Тордур сенинг ҳасратингда, жоним, манго кенг бу жаҳон,  
Кўтаргайман бошимга даст ғариб бу жоним олонни,  
Ким бостирар энди менинг кўнглимдаги кўзғолонни?

Боқмоқ ҳам шунча бўларми, ёқмоқ ҳам шунча бўларми,  
Бир кўнгилга меҳр бўлиб оқмоқ ҳам шунча бўларми?  
Гулдиратдинг тани зорим, чақмоқ ҳам шунча бўларми?  
Кўтаргайман бошимга даст ғариб бу жоним олонни,  
Ким бостирар энди менинг кўнглимдаги кўзғолонни?

Ғамга тўлди Ошиқ Эркин, гулдек сўлди Ошиқ Эркин,  
Ҳуснингни бўлиб адоси, тамом бўлди Ошиқ Эркин,  
Айрилиб бор ҳаловатдан, инон, ўлди Ошиқ Эркин.  
Жонларима эш этарман ғариб бу жоним олонни,  
Ким бостирар энди, дўстлар, кўнглимдаги кўзғолонни?

30.11.98





## СЕВДИМ СЕНИ

Севдим сени эрингдан ҳам бурунроқ,  
Номард экан, олдинга қўйди тузоқ.  
Бордур унда қасдим — аламим бу чоқ,  
Менинг шу душманим ўлиб-ўлмими,  
Бир оқшом қўйнимда ётсанг бўлмими?

Сарф айлабон йўлларингда боримни,  
Олмайин қўймайман ундан қоримни,  
Оғушимда кўрай сен дилдоримни,  
Юрагинг ҳис-ҳаяжона тўлмими,  
Бир оқшом қўйнимда ётсанг бўлмими?

Кўзларим жовдирар йўлингда мудом,  
Лаъли лабларингда туткил менга жом,  
Бордир ҳаловатим на кундуз, на шом,  
Рақибларим сорғайиблар сўлмими,  
Бир оқшом қўйнимда ётсанг бўлмими?

Ошиқ Эркинингни қийнадинг ёмон,  
Ҳануз сен ёрни деб унинг бағри қон,  
Иссиқ оғушинда ором олсин жон,  
Шум рақиблар бизни кўриб ўлмими,  
Бир оқшом қўйнимда ётсанг бўлмими?

18.12.97



---

## НОҲАҚ ҚОЛМА ҚОНИМА

Меҳринг сочиб, париваш, яйраб келиб ёнима,  
Айшу фароғат бахш эт ҳар лаҳза, ҳар онима,  
Жоним мени тасаддуқ аъло меҳрибонима,  
Лаблари қанду асал, ардоқли меҳмонима,  
Раҳм айламай жонима, ноҳақ қолма қонима.

Дашти Карбалоларни кезмасин десанг мени,  
Юрак-бағрин ҳижронда эзмасин десанг мени,  
Нур тўла остонангдан безмасин десанг мени,  
Хони васлингдан умид узмасин десанг мени,  
Раҳм айламай жонима, ноҳақ қолма қонима.

Минглар ичидан, эркам, ёлғиз сени сайладим,  
Меҳри дилимни меҳри дилгинангга бойладим,  
Мен сени бир умрга кўнглим ичра жойладим,  
Қолиб келиб муҳаббат, ўзни санго шайладим,  
Раҳм айламай жонима, ноҳақ қолма қонима.

Кўзгинамга суртайин сен босган изларингни,  
Чиқармам ёддан «Севдим!» деган бол сўзларингни,  
Офтобга мангзатурман қирмизи юзларингни,  
Жон олғувчи чўлпонлар — чақноқ юлдузларингни.  
Раҳм айламай жонима, ноҳақ қолма қонима.

Ошиқ Эркинни, эркам, лаълинг бериб шод айла,  
Кўксинг қўйиб, бағрини мангуга обод айла,  
Ағёрга меҳру шафқат бир йўла барбод айла,  
Фарҳодим десанг мени, ҳар қадамда ёд айла,  
Раҳм айламай жонима, ноҳақ қолма қонима.

21.9.97

---

## ОНГЛАРИМНИ ОЛИБ ҚЎЙДИНГ

Оромижон, эй Дилфуза, зар тақибсанму зулф уза,  
Жамолингдан кўзларимни бўлмас, жоним, асло уза.  
Шайдо этарсан боқса ким, нигоҳларинг суза-суза,  
Шамшод бу қадди камолинг насиб айлар қачон биза,  
Оромижоним Дилфуза, зар тақибсанму зулф уза.

Жаннатдаги хурмисан ё, сув парисидурмисан ё,  
Кўкда қуёшнинг парчаси, шамсиқамар сурмисан ё.  
Ишқ боғин яшнатиб юрган, эй нозанинлар сарвари,  
Парвардигорим меҳридан яралган бир нурмисан ё?!

Оромижон, эй Дилфуза, зар тақибсанму зулф уза,  
Жамолингдан кўзларимни бўлмас, жоним, асло уза.  
Шайдо этарсан боқса ким, нигоҳларинг суза-суза,  
Шамшод бу қадди камолинг насиб айлар қачон биза.  
Оромижоним Дилфуза, зар тақибсанму зулф уза.

Муҳаббатдан яшнар юрак боғлиқ эса гар ришталар,  
Узилмагай меҳр нурига йўғрилган зар ришталар.  
Бир умр бўлсин, маҳлиқо, бахту саодат ёр сенга,  
Хизматингда юрса арзир юзлаб хурлар, паришталар.

Оромижон, эй Дилфуза, зар тақибсанму зулф уза,  
Жамолингдан кўзларимни бўлмас, жоним, асло уза.  
Шайдо этарсан боқса ким, нигоҳларинг суза-суза,  
Шамшод бу қадди камолинг насиб айлар қачон биза.  
Оромижоним Дилфуза, зар тақибсанму зулф уза.

Ошиқ Эркинни, дилрабо, не кўйларга солиб кўйдинг,  
Сеҳринг-ла маҳзун қалбида дил торларин чолиб кўйдинг.  
Тушмаган эрдим бундайин ишқу муҳаббат домига,  
Айлаб жудо ҳаловатдан, онгларимни олиб кўйдинг.  
Садоқатли кўнглимда сен бир умрга қолиб кўйдинг.

24.1.98



---

## ХАЁЛЛАРИМ ЎҒИРЛАЙСИЗ

Сиз бирла банд, эркам менинг ақлу хушим,  
Йўқдир, жоним, сизни бир кўрмаган тушим,  
Сиз эурсиз саодатим — хумой қушим,  
Нигоҳингиз юрагимга тўғирлайсиз,  
Нечун дамда хаёлларим ўғирлайсиз?

Завқу шавқми оладурсиз ёқмоқ билан,  
Паноҳ жойдан ўгрин-ўгрин боқмоқ билан,  
Не муддао қалбимга ўт чақмоқ билан,  
Нигоҳингиз юрагимга тўғирлайсиз,  
Нечун дамда хаёлларим ўғирлайсиз?

Гоҳ кўринмай зор этасиз васлингизга,  
Офаринлар авлодингиз, наслингизга,  
Хандон етиб ишқ аталган фаслингизга,  
Нигоҳингиз юрагимга тўғирлайсиз,  
Дамда нечун хаёлларим ўғирлайсиз?

Муҳаббатми қалбингизни ўртаётган,  
Қийнаётган, меҳр бирла бўртаётган,  
Ошиқ Эркиннинг ҳам ишқда тонги отган,  
Нигоҳингиз юрагимга тўғирлайсиз,  
Айтинг, нечун хаёлларим ўғирлайсиз?

Кўзларингиз бесаранжом, биё-биё,  
Айтинг ахир, қасдингиз борми менда ё,  
Йўлларимни пойламоқдан не муддао,  
Нигоҳингиз юрагимга тўғирлайсиз,  
Нечун менинг хаёлларим ўғирлайсиз?

20.2.98

---



## КУЙДИРГАНИНГ НИМАСИ

Маҳвашим, тўйдан олдин бирам мулойим эдинг,  
Бирам босиқ, тортинчоқ, ибога бойим эдинг,  
Бошим узра даст тутиб юрмоққа қойим эдинг,  
Хушодоб, хушноз ила ҳушим олиб, аяси,  
Суйдирганинг яхши-ю, куйдирганинг нимаси?

Тергаганинг тергаган қайдасиз деб ҳар куни,  
Қайтасиз деб тонгларда Худонинг берган туни,  
Бўлдингизми ё дейсан ўзга бирни мафтунни,  
Аввал бошда ноз ила ҳушим олиб, аяси,  
Суйдирганинг яхши-ю, куйдирганинг нимаси?

Йўқми манго ишончинг — рашк этасан ҳаммага,  
Ёмонлайсан гоҳ тоға, гоҳи эса аммага,  
Берар бўлдинг чойни ҳам энди дамлаб шаммага,  
Аввал бошда ноз ила ҳушим олиб, аяси,  
Суйдирганинг яхши-ю, куйдирганинг нимаси?

Ўтмоқда хархашангдан ширин жоним озорда,  
Бир оёқим дўконда, бир оёқим бозорда,  
Қолмади сабр-тоқат азоблардан ман зорда,  
Аввалинда ноз ила ҳушим олиб, аяси,  
Суйдирганинг яхши-ю, куйдирганинг нимаси?

Бино қўйиб ўзингга осмондасан — ерга туш,  
Тутгил адаб расмини, ишлат ахир ақлу ҳуш,  
Ошиқ Эркин учун бўл то абад мисли оққуш,  
Аввалинда ноз ила ҳушим олиб, аяси,  
Суйдирганинг яхши-ю, куйдирганинг нимаси?

15.2.99



## ЭНДИ ҰЗИНГ ТОП ЧОРА

Шахло кўзли Сайёра, кўнглим кетди сен ёра,  
Ёқма умринг қўл бериб чўлошиқ бир айёра.  
Дил берсанг муносибдур муҳаббатинг йўлинда  
Садоқатда менингдек жасоратга тайёра.  
Шу қиз санго, деб лойиқ, потя беринг, халойиқ.

Зулфи сунбулларингни ҳар торига садқа жон,  
Учратмадим жамолинг янглиғ гўзал ҳеч қачон.  
Бахтингни деб ўзимни ўтга, сувга урарман,  
Хаёт-мамотим сиз деб, умрингни қилсанг эҳсон.  
Шу қиз санго деб лойиқ, потя беринг, халойиқ.

Ўн бармоғингда кўриб ёқут ўнта юзукни,  
Дилдорликка танладим сендек қоши сузукни.  
Чарх уриб изласам ҳам асло энди топмасман  
Чиройда сендан гўзал, эркам, сендан тузукни,  
Шу қиз санго деб лойиқ, потя беринг, халойиқ.

Ошиқ Эркин севгиси элу юртга ошқора,  
Мажнун бўлиб бормоқда ишқингда у тобора.  
Не қилсанг ҳамки кўрсат бир ҳиммату каромат,  
Бечора бу дардима энди ўзинг топ чора.  
Шу қиз санго деб лойиқ, потя беринг, халойиқ.

15.12.97





## ҲАМ ШИМОЛУ ҲАМ ЖАНУБ...:

Кўрса гар ҳусну чиройинг — ёнаси,  
Нурли чеҳрангни бўлар парвонаси,  
Неки ҳинд, неки Ажам, Фарғонаси,  
Ҳам шимолу ҳам жануб, ҳам шарқу ғарб.

Кўрмаган сендек паривашни, инон,  
Оразингдек қаҳқашон жумла жаҳон,  
Талпиниб сенга кўнгил, ҳам бағри қон,  
Ҳам шимолу ҳам жануб, ҳам шарқу ғарб.

Кўксинга таъзимдадур кўкла қуёш,  
Хуш олар жоду кўзу, сурмали қош,  
Интизордур қўйғали пойингга бош,  
Ҳам шимолу ҳам жануб, ҳам шарқу ғарб.

Қоматинг янглиғ сарв қад кўрмади,  
Эл сенингдек ишқда офат кўрмади,  
Беғубор ҳусну малоҳат кўрмади,  
Ҳам шимолу ҳам жануб, ҳам шарқу ғарб.

Ҳуши қолмас ким агар солса разм,  
Бошланиб шул он юрагинда базм,  
Фахр этар сен бирла аҳли Хоразм,  
Ҳам шимолу ҳам жануб, ҳам шарқу ғарб.

Кўнди ёш қўшмоқ учун ҳур ёшинга,  
Ошиқ Эркиннинг ҳумойи бошинга,  
Минг тасаннолар дегай наққошинга,  
Ҳам шимолу ҳам жануб, ҳам шарқу ғарб.

18.5.98



## СОВЧИ ҚҰЙСАМ АГАР...

Жону жаҳонимни шунго бахш этаман,  
Жамолини юрагимга нақш этаман,  
Кўнглимдаги шу санамга ишқимни мен  
Қайнаб тошган дали дарё – Вахш этаман.  
Жону жаҳонимни шунго бахш этаман.

Бошларима тож этаман шу гўзални,  
Ўлгунча куйлаб ўтаман шу гўзални,  
Меҳру муҳаббатимдан ҳайрон этгали  
Тошкентлара обкетаман шу гўзални.  
Бошларима тож этаман шу гўзални.

Бунинг каби париваш ҳеч қаёнда йўқ,  
Жамолин таърифи ҳеч бир баёнда йўқ,  
Мурувватли шу дилбардек ҳурилиқо  
Жаннатингда, дунёи бепоёнда йўқ.  
Бунинг каби париваш ҳеч қаёнда йўқ.

Совчи қўйсам агар, қайтарса бодимни,  
Кўкка етказарман доду фарёдимни.  
Шу гўзалга етмасам гар, Ошиқ Эркин,  
Совчи қўйсам агар, қайтарса бодимни,  
Бошқача деб қўйганим бўлсин одимни.

14.8.98





## ЭЙ ХУШХИРОМ

Шахло кўзли, эй хушхиром, мен сени севганим сайин,  
Дунё кўзимга тўтиё, эсар сабо майин, майин,  
Учиб-қўниб юрмоқдаман, кўкларга олиб учайин,  
Лабларингни бол майидан қониб-қониб, бир ичайин,  
Ором олиб тўйгунимча нозик белингдан қучайин.

Оғушларимда яйрагил, унут бўлсин ғам-аламлар,  
Севгимиздан завқ олишсин гўч йигит, гўччоқ санамлар,  
Кўнгилларни ёшартирар бундай оромижон дамлар,  
Тўйгунимча ором олиб, нозик белингдан қучайин,  
Лаъли лабиңг бол майидан қониб-қониб, кел, ичайин.

Чаман ичра турфа гуллар оразингни кўриб қўйсин,  
Кўз узмайин жамолингдан булбулларнинг кўзи тўйсин,  
Бир-бирини суйишса гар бизнинг каби жондан суйсин,  
Ором олиб хумор-хумор нозик белингдан қучайин,  
Лабларингни бол майидан қониб-қониб, кел, ичайин.

Канда қилмайин шарбатин, лаъли лабинг жом айлагил,  
Бахш айламак лаълинг менга, эркам, буюк ком айлагил,  
Ҳайрона Ошиқ Эркинни мангуга сен ром айлагил,  
Ором олиб хумор-хумор, нозик белингдан қучайин,  
Лабларингни бол майидан қониб-қониб, кел, ичайин.

16.8.97





## ҚИЗЛАРЖОН

Чарақлаб юарсиз гул каби хандон,  
Бахш этиб дилларга қувонч бир жаҳон,  
Сиз бирла хуш кечар ҳар лаҳза, ҳар он,  
Менинг ёниқ жоним ичра сизлар жон,  
Юрагим ишқ билан обод, қизларжон.

Ҳаёт сизлар билан кўрқам, наволи,  
Оғушлари жаннат ҳам хуш ҳаволи,  
Чаманлари бағрингиздай сафоли,  
Менинг ёниқ жоним ичра сизлар жон,  
Юраклар сиз билан обод, қизларжон.

Сизлар бўлмасангиз ҳаётда агар,  
Бўлмас эди умримиз ҳам жилвагар,  
Сиз асалсиз, сиз новвотсиз, сиз шакар,  
Менинг ёниқ жоним ичра сизлар жон,  
Юраклар ишқ билан обод, қизларжон.

Кўзларни ўйнатар олма ёноқлар,  
Сизлар билан фаровондур кучоқлар,  
Эй, ширин дудоқлар, сиймин сақоқлар,  
Менинг ёниқ жоним ичра сизлар жон,  
Юрагим ишқ билан обод, қизларжон.

Айланайин қадди ниҳолингиздан,  
Меҳр ёғган чеҳраи олингиздан,  
Завқлар олай дуркун жамолингиздан,  
Ошиқ Эркин жони ичра сизлар жон,  
Юрагим сиз билан обод, қизларжон.

---

## СЕВАР ЁРДАН КЕЧАКЎРМАНГ

Муҳаббатинг чин юракдан бўлса агар,  
Бўлса агар дилбаргинанг мисли шакар,  
Бевафо деб ўйласанг-да ҳар жилвагар,  
Сув кўрмайин асло этик ечиб бўлмас,  
Яхши кўрган севар ёрдан кечиб бўлмас.

Ишқ мулкинда садоқатли йўқ эрса-да,  
Муҳаббатдан шайдо кўнгил тўқ эрса-да,  
Севар ёринг рашк этгудай шўх эрса-да,  
Сув кўрмайин асло этик ечиб бўлмас,  
Яхши кўрган дилдорингдан кечиб бўлмас.

Озорларин асло жафо деб ўйламанг,  
Шаддодларни сиз бевафо деб ўйламанг,  
Даркор унга кайфу сафо деб ўйламанг,  
Сув кўрмайин асло этик ечиб бўлмас,  
Яхши кўрган сара ёрдан кечиб бўлмас.

Муҳаббатсиз одамларнинг оғзи ёмон,  
Бўлар айрим данакларнинг мағзи ёмон,  
Айримларнинг тили аччиқ, бўғзи ёмон,  
Сув кўрмайин асло этик ечиб бўлмас,  
Яхши кўрган севар ёрдан кечиб бўлмас.

Фаним кўп – кирмангиз уларнинг гапига,  
Қараб юринг ҳаётнинг ўнгу чапига,  
Сурун Ошиқ Эркин каби ишқ гаштини,  
Хандон кириб вафо аҳлининг сафига.  
Сув кўрмайин асло этик ечиб бўлмас,  
Яхши кўрган севар ёрдан кечиб бўлмас.

22.1.98

---

**БҮЙИНГДАН АЙЛАНАЙ,  
ИСТИҚЛОЛ!**

Муъжизалар яратиб хушҳол,  
Чулгамоқда элимни иқбол.  
Мурувватинг бирла айладинг  
Диёримни етук, баркамол.  
Бўйингдан айланай, истиқлол,  
Тўйингдан айланай, истиқлол!

Фаровонлик тухфалар айлаб,  
Кувончларга тўлди эл яйраб.  
Боши Арши аъло да халқим,  
Юракларда булбуллар сайраб.  
Бўйингдан айланай, истиқлол,  
Тўйингдан айланай, истиқлол.

Ўзгалар илгинда муттасил,  
Озор чекдик бир ярим аср.  
Кулди сенинг шарофатингдан  
Иқболга ёр бугунги насл,  
Тўйингдан айланай, истиқлол,  
Бўйингдан айланай, истиқлол.

Меҳринг ила қўлладинг юртни,  
Парвозларга йўлладинг юртни,  
Айлаб карам, айлаб саховат,  
Саодатин мўлладинг юртни.  
Тўйингдан айланай, истиқлол,  
Бўйингдан айланай, истиқлол.

Эркни куйлаб янграйди созим,  
Шодликларга тўла овозим.  
Хуррият мадҳи, Ошиқ Эркин,  
Кувноқ ҳар бир қўшиғим, розим.  
Тўйингдан айланай, истиқлол,  
Бўйингдан айланай, истиқлол.

27.6.98

---

## Ё МУҲАММАД, МУҲАММАД

Оллоҳга эурсан суюкли фарзанд, -  
Сенинг янглиғ жаҳонда йўқ хирадманд,  
Меҳри дили жумламўминга пайванд,  
Ҳар ҳадис, ҳар сўзи асал бирла қанд.  
Ё Раббим, деганга ўзинг бер мадад,  
Ё Муҳаммад, ё Муҳаммад, Муҳаммад!

Шараф буржини сен қуёши, оий,  
Одилу меҳрибон ҳам, ҳотамтойи,  
Олий садоқатга, ҳимматга бойи,  
Аҳли ислом сарварисан, фидойи.  
Ё Раббим, деганга ўзинг бер мадад,  
Ё Муҳаммад, ё Муҳаммад, Муҳаммад!

Ҳар ўгит, ҳар пандинг тиллодан қиммат,  
Йўқдир сенинг каби соҳиби ҳиммат,  
Измингдадур абад турфа эл, уммат,  
Беҳисобдур сенга садоқат, ҳурмат.  
Ё Раббим, деганга ўзинг бер мадад,  
Ё Муҳаммад, ё Муҳаммад, Муҳаммад!

Минг айланиб, минг ўргулиб отингдан,  
Оллоҳ эъозлаган наслу зотингдан,  
Баҳра олар башар зиёратингдан,  
Бир умр чиқмайин тариқатингдан,  
Сен борсанки, юзларимиз шакарханд.  
Ё Муҳаммад, ё Муҳаммад, Муҳаммад!

Барҳаётсан, умрбод бизга ҳамдам,  
Сенсан яловдори умматни ҳар дам,  
Яшарсан эл ила дилларда хуррам,  
Ошиқ Эркин жону жаҳонинда ҳам.  
То маҳшар мўминга ўзинг бер мадад,  
Ё Муҳаммад, ё Муҳаммад, Муҳаммад!

29.1.97



## ЎТАР Д.

Ёнингга галасим галиб юрипти,  
Дўйиб аркаласим галиб юрипти.  
Суҳбатлашиб ундан-муннан донгоча,  
Оромлар олосим галиб юрипти.  
Қўй бу оқшом оғонгло ро билдирмин,  
Дарвозангни зинжирларин илдирмин.

Галишгансан — бир ерингда нуқсон йўқ,  
Гўрмаганман ман санингда тўғри.  
Бол оридин долоб, чиқарай, эркам,  
Оғушимда гўзларингни ўғрини.  
Қўй бу оқшом душмонлар билдирмин,  
Дарвозангни зинжирларин илдирмин.

Эркам, ёдингда тут — ўтар дунё бу,  
Бир гун галиб «гўтар-ғўтар» дунё бу.  
Яйраганинг қолар, жоним, шум ажал  
Индамай ёқонгдан тутар дунё бу.  
Қўй бу оқшом ағёрлар билдирмин,  
Дарвозангни зинжирларин илдирмин.

Дўймай кетиб дунёсина, молина,  
Боқ, не бўлди ўтганларнинг ҳолина,  
Ширинликда данг галажак нарса йўқ,  
Ошиқ Эркин, муҳаббатнинг болина.  
Ўлар дунё, ёйроғоли билдирмин,  
Қўй, париваш, дарвозангни илдирмин.

25.1.99

---



## КОР ЭТАМАН ГАЛМАСАНҲ

Эркам, бевафоликни кор этаман галмасанг,  
Садоқатим, меҳрима зор этаман галмасанг,  
Аҳли базмдан сенсиз ор этаман галмасанг,  
Кўзларинга дунёни тор этаман галмасанг,  
Маҳвашо, бугун қаттиқ кор этаман галмасанг,  
Ўзга бирни умрлик ёр этаман галмасанг.

Кўз-кўз этиб ишқимиз, кел, сайри боғ этайлик,  
Чаманларни бағрига бирга сингиб кетайлик,  
Орзулар, армонларга биргаликда етайлик,  
Ёлғон эса севгимиз — дилни алдаб нетайлик,  
Маҳвашо, бугун қаттиқ кор этаман галмасанг,  
Ўзга бирни умрлик ёр этаман галмасанг.

Муҳаббатни мен мудом Каъба дея биларман,  
То ҳаётман — бошларинг, сочларингни силарман,  
Оллоҳимдан санго ман узоқ умр тиларман,  
Сен-да тила тилагинг — айтганингни қиларман,  
Маҳвашо, бугун қаттиқ кор этаман галмасанг,  
Ўзга бирни умрлик ёр этаман галмасанг.

Аҳли ушшоқлар ичра йўқ мен каби вафодор,  
Фахр этсам арзигулик дилда садоқатим бор,  
Жоним, Ошиқ Эркинга илоҳийдан бир ҳис ёр,  
Ҳақ ёр этган дилдорга меҳрим, ҳурматим бисёр.  
Маҳвашо, бугун қаттиқ кор этаман галмасанг,  
Ўзга бирни умрлик ёр этаман галмасанг.

13.2.99



## МУҲАББАТ БОҒИ

Жаннатнинг боғидур муҳаббат боғи,  
На бир гуллар қулф урмаган бу боғда,  
Ишқ ўйнашиб, сайронга чиққан чоғи  
Кимлар айшини сурмаган бу боғда.  
На бир диллар яйрамаган бу боғда,  
На бир гуллар яшнамаган бу боғда.

Ишқ боғининг ҳавосига садқа жон,  
Оромижон сафосига садқа жон,  
Малҳами дил навосига садқа жон.  
Не-не булбул сайрамаган бу боғда,  
На бир диллар яйрамаган бу боғда.

Муҳаббат гулларин ибоси ўзга,  
Зеболаниб, хурдай кўринар кўзга,  
Қамарсиймоларга, қаймоқдай юзга  
Кимлар тишин қайрамаган бу боғда.  
Не-не булбул сайрамаган бу боғда,  
Не-не диллар яйрамаган бу боғда.

Тавоф этса арзир мудом бу боғни,  
Хоҳла кундуз, хоҳла оқшом бу боғни,  
Ушалгай ком қилсанг мақом бу боғни.  
Не-не сунбул гул очмаган бу боғда,  
Не-не гул атрин сочмаган бу боғда,  
На бир дил қайнаб-тошмаган бу боғда.

Ошиқ Эркин, ўйна, кул, яйра сен ҳам,  
Дилдор ила кўриб шавқингни баҳам,  
Кўйгил бу боғга сен мудом пок қадам.  
На бир диллар яйрамаган бу боғда,  
Не-не булбул сайрамаган бу боғда,  
Кимлар тишин қайрамаган бу боғда.

14.4.98

---

## ЭРКАМ, ЗАЪФАРОНСИЗ, НЕЧУН

Эркам, заъфаронсиз нечун, ғамгин, дилафгорсиз нечун,  
Бунча ҳам сўлғун руҳингиз, паришон рафторсиз нечун,  
Ё рақиб тушди орага, кимга борай мен чорага,  
Очилмайсиз, сочилмайсиз, ҳам ҳазин рухсорсиз нечун,  
Кўп қийнамай, кўп ўртамай вафоли бу мардингизни,  
Айтинг ахир, дилоромим, юракдаги дардингизни.

Йўқ ердан айбимни топиб, мен зордан кўнгили узгани,  
Буздингизми шартимизни ё севдингизми ўзгани?  
Содиқлигимни юрт билар, мастона кўнгилим сиз билан,  
Чоғланмадим ўзга сари мастонавор кўз сузгали,  
Жоним, ўртамай бунчалар вафоли бу мардингизни,  
Айтинг ахир кўп қийнамай юракдаги дардингизни.

Ўзимдурман ҳуснингизнинг мажнуншиор маҳлиёси,  
Боққан сари жондан ўтар кўзларингизнинг зиёси.  
Сиз хиромон юриб ўтган изларингизнинг ҳар гарди  
Меҳрга кон кўзларимнинг тўтиёси, тўтиёси!  
Кўп қийнамай, кўп ўртамай вафоли бу мардингизни,  
Айтинг ахир, дилда борим, юракдаги дардингизни.

Қайғудасиз жоним, нечун, нечун дилафгорсиз, нечун,  
Бунчалар сўлғун чеҳрангиз, паришон рафторсиз нечун.  
Тушган эрса ким орага, қайга борай мен чорага,  
Ғамга гирифтор бўлибсиз, заъфарон рухсорсиз нечун?  
Айтинг ахир, дилафгорим, юракдаги дардингизни,  
Ўйнаб-кулиб айлар адо Ошиқ Эркин шартингизни.

5.1.98

---

## БОШЛАРИНГА ЁҒДИРАМАН ҚИЁМАТНИ

Бормоқдасан ҳусну латофатга тўлиб,  
Ойлар, йиллар ўтган сойин гулгун бўлиб.  
Бадлар бузиб бир кун чаманнинг кўркини,  
Олмасалар деб кўрқаман гулдек юлиб.  
Бахшида этмасанг менга бу қоматни,  
Бошларинга ёғдираман қиёматни.

Сен, эй шамшодлардан сара сарвируйим,  
Гулдек ўраб олиб қўйдинг онгим, ўйим.  
Юрмоқдаман ишқ боғинда учиб-қўниб,  
Дилнавозим, тенг дея бўйинга бўйим.  
Бахшида этмасанг менга бу қоматни,  
Бошларинга ёғдираман қиёматни.

Вакил айлаб бир неча совчи — ходимни,  
Юборарман, қайтарма, маҳваш, бодимни.  
Кўзга илмай, ишқимни мени рад этсанг,  
Одаммасман бошқа қўймасам одимни.  
Бахшида этмасанг менга бу қоматни,  
Бошларинга ёғдираман қиёматни.

Бахтиёрман висолингга етсам агар,  
Эрта-индин тўйларингни этсам агар.  
Етар эрди муродига Ошиқ Эркин,  
Кўчанг бўйлаб ғолибона ўтсам агар.  
Бахшида этмасанг менга бу қоматни,  
Бошларинга ёғдираман қиёматни.

28.1.98

---

## ВАТАН ФАРЗАНДИ БЎЛ

Гавҳар каби покиза тут иймнингни,  
Дариғ тутма элу юртингдан жонингни,  
Бахш эт киндик қонинг тўкилган диёрга  
Неки жонинг, балки буткул жаҳонингни.  
Кимки агар Ҳақ йўлидан қайриладур,  
Бахти ётиб, саодатдан айриладур.

Дилга жойлаб эзгу мақсад, эзгу комни,  
Ардоқлангиз инсон деган улуг номни,  
Лозим эрур ҳар лаҳза қадрига етмоқ  
Бошларимиз узра бериб қўйган томни.  
Кимки агар тўғри йўлдан қайриладур,  
Диёрдан ҳам, Ватандан ҳам айриладур.

Кечирмас юрт базинҳор лойлаганларни,  
Эл тузин еб, нонкўрлик айлаганларни,  
Осмон қадар шарафлар, улуглар Ватан,  
Ватан меҳрин юракка жойлаганларни.  
Кимки агар тўғри йўлдан қайриладур,  
Диёрдан ҳам, Ватандан ҳам айриладур.

Бахтиёрдур элу юртга садоқатли,  
Ҳар лаҳза, он ҳам сабрли, ҳам тоқатли,  
Ошиқ Эркин, умрин буткул фидо айлаб,  
Ватанни жонидан севган саодатли.  
Кимки агар Ҳақ йўлидан қайриладур,  
Бахти ётиб, саодатдан айриладур.

30.11.98

---

## ЭЙ, НОЗАНИН, ГУЛБАДАН

Эй нозанин гулбадану гунча лаб,  
Гулзоринга сув қуяйин тунчалаб.  
Тушдию кўз, маҳлиёлар айладинг,  
Ҳусну жамолингга мени шунчалар.  
Жоним, жону жаҳонинга беш кетдим,  
Гулдек гунча даҳонинга беш кетдим.

Чехрангдан қизилмас лоланинг ранги,  
Янграсин бўсадан лаблар жаранги.  
Кўрку латофатда тиззанга чиқмас  
Гўзалларнинг ҳатто ҳинду фаранги.  
Жоним, жону жаҳонингга беш кетдим,  
Сенинг гунча даҳонинга беш кетдим.

Кўнглинга не тушса агар қил талаб,  
Адо этай истакларинг пухталаб.  
Кирган эдим ишқ боғина жимгина,  
Қўйдинг ўзинг дилганимга ўт қалаб.  
Жоним, жону жаҳонинга беш кетдим,  
Гулдек гунча даҳонинга беш кетдим.

Кўрсатиб мурувват, айлаб назора,  
Лаъли лабинг бахш айлагил мен зора.  
Ишқинг алангасинда, Ошиқ Эркин,  
Ёниб бормоқдаман, ёниб, тобора.  
Жоним, жону жаҳонинга беш кетдим,  
Сенинг гунча даҳонинга беш кетдим.

2.12.97

---



## МИНЖИҚИМ

Хуш кўриб гулдек дийдоринг, бўлиб келдим харидоринг,  
Ўйноқлатди кўзларимни сийнангдаги қўша норинг,  
Яйраб боқиб думли-душдан, жудо қилдинг ақлу хушдан,  
Рад этмагил, жонинг бўлай, бўлай содиқ вафодоринг.  
Бўлсанг-да, майли, гулбадан, қайсарим, шўхим, инжиқим,  
Ўзинг бўлиб қол то абад турмушда тилло минжиқим.

Меҳримни айлаб бир талай, дардимни ол, дардинг олай,  
Муҳаббатнинг шаҳрина сен бирла кириб довруғ солай,  
Юз ўргулиб, минг айланиб, кўнглинг ичина жойланиб,  
Ишқ деган олтин қасрда ўйнаб-кулиб, бирга қолай.  
Бўлсанг-да, майли, ўлгудай қайсарим, шўхим, инжиқим,  
Гулбадан, ўзинг бўлиб қол то абад тилло минжиқим.

Бандасиман жамолингни, шамшод қадди камолингни,  
Эркам, қатлима тиг тортган қундуз қоши ҳилолингни.  
Ишқим қуёши ботмасин, париваш, бахтинг ётмасин,  
Яйраб тамошо айлайин ёноқда қаро холингни.  
Бўлсанг-да, майли, гулбадан, қайсарим, шўхим, инжиқим,  
Ўзинг бўлиб қол то абад ҳаётда менинг минжиқим.

Ошиқ Эркиннинг бахтига, кел чиқиб тожу тахтига,  
Бир умр муҳаббатда ул садоқатлидур аҳдига.  
Қайтарма ройидан уни, ҳам бўса пойидан уни,  
Тимсолимда мени, жоним, йўлиқдинг бахтни нақдига.  
Бўлсанг-да, майли, гулбадан, қайсарим, шўхим, инжиқим,  
Ўзинг бўлиб қол то адаб мани сан тилло минжиқим.

20.11.97

---

СИЙНАДАН ЖОЙ БЕРАМАН  
КЕЛСАНГИЗ

*(Ҳалфа қўшиғи)*

Эртаю кеч йўлингизда кўзларим,  
Заъфарона дўнди кутиб юзларим,  
Нахот етиб бормас сизга, азизим,  
Нолаларга тўла юрак сўзларим.  
Бол аралаш чой бераман келсангиз,  
Оқ сийнадан жой бераман келсангиз.

Васлимизга тўймаин шому саҳар,  
Сайронлар айласак иккимиз агар,  
Бўлар муҳаббатни шаҳри бегумон  
Меҳримизни зиёсидан мунаввар.  
Бол аралаш чой бераман келсангиз,  
Оқ сийнадан жой бераман келсангиз.

Эй, парвойифалак, беғам оғажон,  
Раҳм этасиз мен ғариба сиз қачон?  
Кутиб жону дилдан сизни интизор  
Оғзимача етиб келди танда жон.  
Новвот қўшиб чой бераман келсангиз,  
Оқ сийнадан жой бераман келсангиз.

Ташлаб бўйнингизга морқо билакни,  
Ўлгунча демасман сиздан бўлакни.  
Оқ потялар олиб Ошиқ Эркиндан,  
Муҳрлаб қўйганман сизга юракни.  
Печатлаб қўйганман сизга юракни.  
Бол аралаш чой бераман келсангиз,  
Юрагимдан жой бераман келсангиз.

15.2.98

---



## УСТОЗЛАРГА МИНГ САДҚА ЖОН

Меҳрини бизга бахш этган,  
Илмини дилга нақш этган,  
Ўргатиб ҳаёт сабоғин,  
Ҳикмат ҳам шуур бахш этган  
Онадек азиз, меҳрибон,  
Устозларга минг садқа жон.

Сўзинда ақл лиммо-лим,  
Бебаҳо ул берган таълим.  
Донолик бобинда танҳо —  
Дили пок, зукко муаллим.  
Отадек азиз, меҳрибон,  
Устозларга минг садқа жон.

Умримизнинг чароғбони,  
Илму фан боғин боғбони.  
Элга зиёлар таратган  
Отахони, онахони —  
Суюкли, азиз, меҳрибон,  
Устозларга минг садқа жон.

Жаранглатиб соз узра соз,  
Ҳар неча раҳмат айтсак оз.  
Шарафли-меҳнати боис  
Диёримда энг сарафроз  
Дарёдил, азиз, меҳрибон,  
Устозларга минг садқа жон.

Меҳридан баҳраманд эллар,  
Пурзиё кўкракда, диллар.  
Ошиқ Эркин тилар Ҳақдан,  
Омон бўлсин узоқ йиллар,  
Сабот бирла берган таълим,  
Қалби дарё ҳар муаллим.

Энг азиз, доно, меҳрибон,  
Устозларга минг садқа жон.

24.9.98



---

## МАҲВАШИМ, ЎШАЛ КУНКИМ...

Маҳвашим, ўшал кунким, қошни қаро қилдингиз,  
Ақлу ҳушим сеҳрлаб, сиз бир бало қилдингиз,  
Юрган эдим тинчгина, мотамсаро қилдингиз,  
Ёқиб жону жаҳоним, бағрим яро қилдингиз.  
Хандон келиб бағримда қачон қоласиз энди,  
Ёрсираган кўнглимни қачон оласиз энди?

Тенг эмас сизга Ширин, бошқачасиз, бошқача,  
Сиз каби зўр малоҳат кўрмадим шу ёшгача,  
Гўзал қадди-бўйингиз товондан то бошгача,  
Қоп-қорадур зулфингиз, кўзу қалам қошгача,  
Хандон келиб бағримда қачон қоласиз энди,  
Ёрсираган кўнглимни қачон оласиз энди?

Яйрабон дилингишга дилим мени бойланди,  
Бир кўриб ҳуснингизни бошим ёмон айланди,  
Талпиниб сиз томона кўнглим неча шайланди,  
Жоним, қуёш меҳрингиз жоним ичра жойланди.  
Хандон келиб бағримда қачон қоласиз энди,  
Ёрсираган кўнглимни қачон оласиз энди?

Тарк айлади ҳаловат буткул тани жонимни,  
Йўлингизга тикдим мен ҳаттоки иймонимни,  
Васлингиз таманноси ўт олдирди қонимни,  
Кўрмади Ошиқ Эркин сиздек морқо хонимни,  
Хандон келиб бағримда қачон қоласиз энди,  
Ёрсираган кўнглимни қачон оласиз энди?

9.10.98



**ДИЛДОРИМ БЎЛИБ  
ҚОЛ МАНИ**

Сарв бўйли, қалам қошли,  
Кумуштан, ўн саккиз ёшли,  
Қирмиз ёноқ, қундуз сочли  
Оромижон эй, қоракўз  
Ҳайронлар айлаб ҳаммани,  
Дилдорим бўлиб қол мани.

Камолотга етибдурсан,  
Ай, ёмона кетибдурсан,  
Оғангни лол этибдурсан,  
Эй, қорақош, эй қоракўз,  
Ҳайронлар айлаб ҳаммани  
Дилдорим бўлиб қол мани.

Хонумоним сенинг энди,  
Бўла қолгин менинг энди,  
Менинг бўлсин менгинг энди,  
Лаъли шакар, эй қоракўз,  
Ҳайронлар айлаб ҳаммани,  
Хуршидим бўлиб қол мани.

Кўзларимни ёмон ёқдинг,  
Юрагимда чақмоқ чоқдинг,  
Бунчалар термулиб боқдинг,  
Кўнглим олган, эй қоракўз.  
Ҳайронлар айлаб ҳаммани,  
Жононим бўлиб қол мани.

Ошиқ Эркинни лол этган,  
Меҳрдан фориғбол этган,  
Муҳаббат ёшига етган,  
Эй сунбул соч, эй қорақош,  
Ҳайронлар айлаб ҳаммани  
Оққушим бўлиб қол мани.

14.2.98





## КЕЛАҚОЛ, КЕЛАҚОЛ

Эй, гулбадан, қоракўз ҳам қоши ҳилол,  
Бўйи-басти мисли сарвдек баркамол,  
Кўз олдимда ҳамон узоринг узра хол,  
Ўртаб мени, қилмай бурун қаддимни дол,  
Зори жоним бўғзима етмай, бўлақол,  
Гулбарги хандоним, келақол, келақол.

Не-не чаман кезиб, кезиб боғ ойма-ой,  
Учратмадим сенинг жамолингдек чирой,  
Оромларим олиб қўйган, эй қоши ёй,  
Бошимизга кўнгани рост бўлсин ҳумой,  
Чиқиб-жоним, бўғзима етмай, бўлақол,  
Гулбарги хандоним, келақол, келақол.

Кўнглим олиб, мастона қувонтиргали,  
Севдим, деган сўзингга инонтиргали,  
Меҳринг тўла бўсалардан қондиргали,  
Бевафолар дунёсини ёндиргали,  
Чиқиб жоним, бўғзима етмай, бўлақол,  
Гулбарги хандоним, келақол, келақол.

Гулгунбадан, бошдин-оёғингдур ҳалол,  
Лабларингни боли мисли оби-зулол,  
Кўнглимдасан, кўнглинга, ёр, олма малол,  
Сени ўйлаб сурадурман ҳар дам хаёл,  
Ошиқ Эркин жони чиқмайин, бўлақол,  
Гулбарги хандоним, келақол, келақол.

9.5.98



## БҮЙИНГНИ КҮРСАТ

Кувонтир, дилрабо, бүйингни кўрсат,  
Совчи юборайин, уйингни кўрсат,  
Ўтмайин фасли ишқ, ўтмайин фурсат,  
Отангдан, онангдан олишсин рухсат.  
Қалбимни ўзингсан, Дилдора, нақши,  
Юз минг яхши қиздан минг бора яхши.  
Дугонанг мақтаган бүйингни кўрсат,  
Совчи юборайин, уйингни кўрсат.

Йўлларида энди оввора қилма,  
Юз пора қалбимни минг пора қилма.  
Чорага зорингни бечора қилма,  
Ишқинг тўла юракни ёра қилма.  
Қалбимни ўзингсан, мадори, нақши,  
Юз минг яхши қиздан минг бора яхши.  
Совчи юборайин, уйингни кўрсат,  
Уларга сарвиқад бүйингни кўрсат.

Дийдоринга қилма мунча ташналар,  
Тўй қилинг деб қисташмоқда ошнолар.  
Танлай лама, пойафзални зўрини,  
Ердан қанча баланд бўлсин пошнолар.  
Қалбимни ўзингсан, мадори, нақши,  
Юз минг яхши қиздан минг бора яхши.  
Совчи юборайин, уйингни кўрсат,  
Солланиб уларга бүйингни кўрсат.

Юраги тўла ишқ Ошиқ Эркини,  
Сенинг бирла ошиқ-мошиқ Эркини.  
Гўзал қадди бўйинга қадди бўйи,  
Пайванди гулдек ярошиқ Эркини.  
Қалбимни ўзингсан, Дилдора, нақши,  
Юз минг яхши қиздан минг бора яхши  
Совчи юборайин, уйингни кўрсат,  
Гул каби қиёмат бўйингни кўрсат.

14.3.98



---

## КЎНГЛИМ БИЛАН КЎНГЛИНГИЗ...

Бир кўриб бошгинамдан ақлу ҳуш учақўйди,  
Бир-биримизга, жоним, ишқимиз тушақўйди,  
Юрган эдим тинчгина – юрагим жўшақўйди,  
Кўнглим билан кўнглингиз нердан топишақўйди,  
Шундан буён дард манго қаттиқ ёпишақўйди.

Оғир дард экан бу дард – ҳолим забун айлади,  
Жонимдан ўтиб ҳажри, бағримни хун айлади,  
Оромим олди буткул – буткул маҳзун айлади,  
Кўнглим билан кўнглингиз нердан топишақўйди,  
Жоним, манго дардингиз қаттиқ ёпишақўйди.

Борми энди бу дарддан қутулмоқнинг йўллари,  
Кун-бакун маҳкам чирмаб олмоқдадир қўллари,  
Қуршаб олинган меҳр бирла ўнгу сўллари,  
Кўнглим билан кўнглингиз нердан топишақўйди,  
Шундан буён ишқ манго қаттиқ ёпишақўйди.

Муҳаббатнинг домига илинганим шулми ё?  
Кўринмоқдадир олам кўзларимга тўтиё,  
Сизни дегайман энди у дунёю бу дунё,  
Кўнглим билан кўнглингиз нишаб топишақўйди,  
Шундан буён дард манго қаттиқ ёпишақўйди.

Ошиқ Эркиннинг энди армонлари бормикан?  
Таргунча ёрга ҳамма унинг каби ёрмикан?  
Жамолига ҳар лаҳза ўлгудек хумормикан?  
Кўнглим билан кўнглингиз нердан топишақўйди,  
Шундан буён ишқ манго ёмон ёпишақўйди.

11.03.99

---

## ЎЗИНГ АСРА, ХУДОЙИМ

Порлаб адолат қуёши, жамол топди тахтимиз,  
Эртаси буюк бир давлат қурмоқ бизнинг аҳдимиз,  
Эрк йўлига бошлаб чиққан йўлбошчимиз — бахтимиз,  
Юртбошимни ёмонлардан ўзинг асра, худойим.

Кўрғазгани жасоратлар бари аён ўзингга,  
Қилар амал ёлғиз сенинг фармонингга, сўзингга,  
Фақат эл бахтин ўйлар у, доғ туширмас юзингга,  
Юртбошимни ёмонлардан ўзинг асра, худойим.

Оз фурсатда, кўринг, не-не қошоналар яратдик,  
Ўзбек деган азиз номни жаҳонларга таратдик,  
Минглаб нигоҳларни юртга қойил қилиб қаратдик,  
Юртбошимни ёмонлардан ўзинг асра, худойим.

Кўрди Амир Темурдан сўнг бундайин шерни халқим,  
Элни ҳурликка етказган Алпомиш эрни, халқим,  
Яшнатмоқда киндик қони тўкилган ерни халқим,  
Юртбошимни ёмонлардан ўзинг асра, худойим.

Бошимизга ҳумой қўнди унинг шарофатидан,  
Дамда минг бор ўргулсам оз Ислом деган отидан,  
Жой олди у миллионлар юрагин қат-қатидан,  
Юртбошимни ёмонлардан ўзинг асра, худойим.

Истиқлолни энди қўлдан бермаймиз ёмонларга,  
Қурагимиз буюк давлат биз, шубҳа йўқ гумонларга,  
Ошиқ Эркин дер: юртимни буркаётган шонларга,  
Юртбошимни ёмон кўздан ўзинг асра, худойим.

9.03.99



## НИМА ҚИЛСИН

Жонажонсан, танингда жон нима қилсин,  
Заъфаронсан, юзингда қон нима қилсин.

Севги дарёсига кирсанг, шуни билгил,  
Бу баҳорда ҳадду поён нима қилсин.

Асли бевурд бўлса одам – бўлма ҳайрон,  
Ахир бевурдларда иймон нима қилсин.

Бўлурми виждони асли ёмонларнинг,  
Ёмонларда фазлу виждон нима қилсин.

Муҳаббатсиз эрса ошиқ – бемехрдур,  
Муҳаббатсиз дилда рахшон нима қилсин.

Садоқатли юракларга тасаддуқ жон,  
Чин ошиқда доғи ҳижрон нима қилсин.

Бир нақл бор: “Муҳаббатнинг кўзи кўрдир”,  
Агар севсанг, ёрда нуқсон нима қилсин.

Муҳаббатдур Ошиқ Эркин суянган тоғ,  
Гар шу бўлса Ҳақдин фармон. нима қилсин

20.01.99



## ЯХШИ БИР ГАПИМ БОР

Кўпдан хаёлимда яхши гап яшар,  
Жамолинг эсласам юрагим жўшар.  
Балким, иккимизнинг тақдиримизни  
Айтайин деганим ўша гап қўшар.  
Асал шу сўзимни галсанг айтаман,  
Галмасанг узавер мендан тамани,  
Сендан дарё қайтган каби қайтаман,  
Яхши бир гапим бор, галсанг айтаман.

Ўша сўзидир ҳаётимнинг маъноси,  
Кўнглимни машъали ҳам таманноси,  
Жоним, бу оламда йўқдир мен учун  
Ишқ боғининг сендан ўзга раъноси.  
Асал бир гапим бор, галсанг айтаман,  
Галмасанг сен-да уз мендан тамани.  
Сендан дарё қайтган каби қайтаман,  
Яхши бир гапим бор, галсанг айтаман.

Бағрим сари гулгун яшнаб, кулиб кел,  
Юрагимга рахшон бўлиб кириб кел.  
Безатмоққа Ошиқ Эркин умрини  
Жавлон уриб, оққуш каби елиб кел.  
Асал бир сўзим бор, галсанг айтаман,  
Галмасанг узавер сен ҳам тамани.  
Сендан дарё қайтган каби қайтаман,  
Яхши бир гапим бор, галсанг айтаман.

21.01.99

---

## ИККИМИЗНИНГ ЁНГАНИМИЗ БОШҚАЧА

Хижронида ўртаганми сизни ишқ,  
Не кўйлара солмас йигит-қизни ишқ.  
Ҳеч бир ошиқ севгисига ўхшамас,  
Саодатли, садоқатли бизни ишқ.  
Ўйнаб-кулиб муҳаббатнинг ўтида  
Иккимизнинг ёнганимиз бошқача.  
Ишқ ўйнашиб, лабларимиз болидан  
Хумор-хумор қонганимиз бошқача.

Ҳайрат ила изларимиздан боқиб,  
Рашк ўтида – доғда қолсин шум рақиб.  
Юринг, яшнатайлик чаманлар кўркин,  
Чаккангиза, эркам, алвон гул тақиб.  
Ўйнаб-кулиб муҳаббатнинг ўтида  
Иккимизнинг ёнганимиз бошқача.  
Ишқ ўйнашиб, лабларимиз болидан  
Хумор-хумор қонганимиз бошқача.

Бўлмағай банданинг ишқдан хафоси,  
Дарё бўлиб тошсин меҳри, вафоси.  
Муҳаббатдан тўймас Ошиқ Эркинга  
Роҳат берар ҳатто ёрнинг жафоси.  
Ўйнаб-кулиб муҳаббатнинг ўтида  
Иккимизнинг ёнганимиз бошқача.  
Ишқ ўйнашиб, лабларимиз болидан  
Хумор-хумор қонганимиз бошқача.

27.01.99

---



## ЎЗБЕКИСТОНИМ ЯШАСИН

Оллоҳ инъом этган гўзал даври-давроним яшасин,  
Ҳар тилда, ҳар дилда ғазал боғу бўстони яшасин,  
Ҳам озод, эркин замонам, байтул аҳзоним яшасин,  
Элни мустақил айлаган доно султони яшасин,  
Эртаси бундан ҳам обод Ўзбекистони яшасин.

Баҳра олиб истиқлолдан, тўлиб-тошдик бахт-иқболдан,  
Қўниб ҳумой бошимизга, қутулдик бечора ҳолдан,  
Ҳуррият берган ноз-неъмат минг бора лаззатли болдан,  
Тупроғи зар, суви гавҳар Ўзбекистони яшасин,  
Нурафшонликка етказган доно сарбони яшасин.

Бу кунларга ўлиб етган халқимнинг бахти ётмағай,  
Хандон яшаб, бундан буён аччиқ ситамлар тотмағай,  
Адолат нурларин сочган қуёши асло ботмағай,  
Элим, юртим деган ҳар бир марди-майдони яшасин,  
Истиқлолга, ҳурриятга жони қурбони яшасин,

Узоқ кутиб бу кунларни, кўп интизор бўлган эдик,  
Ошиқ Эркин, юзларимиз сарғайиблар сўлган эдик,  
Паймонимиз ошиб-тошиб, ғам-аламга тўлган эдик,  
Бахтиёр давронга етган Ўзбекистони яшасин,  
Хизр суйган юртбошимиз – азиз сарбони яшасин.

Гулгун диёр паҳлавони – доно султони яшасин,  
Адолатли давлатга ёр – Ўзбекистони яшасин,  
Оламари доврўғдорим, шавкатим, шони яшасин,  
Бул менинг жонажон юртим – Ўзбекистони яшасин,  
Дона султони яшасин, Ўзбекистони яшасин.

07.02.99



## СИЗНИ КЎРСАМ

Жаҳонга сирмай кетаман сизни кўрсам,  
Яйраб, юлдузга етаман сизни кўрсам.

Сиз турганда ўзгани ман найлагайман,  
Ҳар гал бир қўшиқ битаман сизни кўрсам.

Йўқотарман ўзимни бир турли бўлиб,  
Нафасим ичга ютаман сизни кўрсам.

Бўғзимгача етиб келар ҳаяжоним,  
Неки ҳасрат — тарк этаман сизни кўрсам.

Кўзларим чарақлаб кетар, Ошиқ Эркин,  
Арши аълога етаман сизни кўрсам.

07.02.99





## ЁФИЛАР МЕҲР НУРИ

Анг ўргулиб ҳар лаҳза, эркам, сўлу соғингдан,  
Олмасман ўлгунимча бошимни аёғингдан.

Мастонавор ул гулгун юзга қўйиб юзимни,  
Ловуллатай куйганча чаккамни ёноғингдан.

Ёғилар меҳр нури жону жаҳонларимга,  
Боққанда жон олувчи ул кўзи қароғингдан.

Жонингга қотиб жоним, дилдорим, олай баҳра  
Лабларингга қўйиб лаб, ҳар икки дудоғингдан.

Кўнглим уйини мушки анбарга айла сероб,  
Таратиб хуш атр бўй сержилва димоғингдан.

Ошиқ Эркиннинг, дилбар, ҳаётин фаровон қил,  
Эркалаб токи маҳшар қўймасдан қучоғингдан.

18.02.99





## ҲОТАМ ЭРСАНГ

Ҳотам эрсанг ҳимматинг элга аён бўлгай сенинг,  
Шухратинг овозаси ҳам бепоён бўлгай сенинг.

Айлагил юртга нисор Ҳақ берган ул ганжинани,  
Минглаган тилда мудом мадҳинг баён бўлгай сенинг.

Бевафолик айласанг гар ошинога паст кетиб,  
Бил рақибга айланиб, дўстинг чаён бўлгай сенинг.

Тиқмагил оғзингга бирдан икки ул панжангни ҳам,  
Дўсту ёринг зумда ёнингдан қуён бўлгай сенинг.

Гар садоқатли эсанг ишқу муҳаббат бобида,  
Бир умрга маҳвашинг гунчамиён бўлгай сенинг.

Топганингни юрт ила ҳотам бўлиб кўргил баҳам,  
Эл аро ҳотамлигинг шунда аён бўлгай сенинг.

Бўлмагил қул, Ошиқ Эркин, зарра дунё молига,  
Ўйла, умринг сўнгида йўлинг қаён бўлгай сенинг.

19.02.99





## ДИЛГА КИРМОҚ ИСТАСАНГ

Боққан эрдим бир йўла шайдойи кўзларни сузиб,  
Бўлмади рухсоридан бечора кўнглимни узиб.

Кўрмаган эрдим ҳануз бундай гўзал ҳилқатни мен,  
Мисли Жайхун жонима дил кишварин кирди бузиб

Дам-бадам ўздин кетиб, жавдонлар урдим олдида,  
Чин юракдан унга меҳру илтифотлар кўргузиб.

Телбариб ақлу ҳушим, борган сари банд айлади,  
Яйрамоқ қилдим мурод умрим қадар мажлис тузиб

Инжа дунё бу, азизлар, бўлмагай соҳиби шон  
Ишқда ҳеч ошиқ, билинг, қаттиқ сиёсат юргузиб.

Дилга кирмоқ истасанг қилгил тилинг бир қоп шак  
Гар меҳрдан дур эсанг юрма кўзинг бекор сузиб.

Ошиқ Эркин қалбини маҳваш чунон банд этдиким,  
Билмас энди бир умр бечора кўнглини узиб.

20.02.99





## ЎХШАТИБ

Бўлмагай сизни, санам, ҳеч бир парига ўхшатиб,  
Ҳеч бир эл, ҳеч бир диёрнинг дилбарига ўхшатиб.

Сиз менга қайрилма қошу ҳам қора кўздек яқин,  
Сизни бўлмас шу сабаб кўз гавҳарига ўхшатиб.

Кўп эрур қимматбаҳо тош ҳам табиат бағрида,  
Бўлмагай сизни Бадахшон гавҳарига ўхшатиб.

Мисли хилқатсиз яралган нақ худонинг нуридан,  
Сизни бўлгайму жаҳон сийму зарига ўхшатиб.

Лайливаш, турганда сиз олтин, кумушга қайда йўл,  
Бўлмагай сизни маъданларнинг барига ўхшатиб.

Ошиқ Эркин, чин сўзим, бўлгай фақат сизни, гулим,  
Ҳуру филмасин сар барисин сарварига ўхшатиб.

21.02.99





## АҒЁРГА

Нотавон бу жисмимга қасди жон қилиб дамда,  
Йўл бермайин тутарсан бўғзимдан ҳар қадамда.

Бандаси деб бировнинг келмайдир наҳот раҳминг,  
Ваҳ, бундай бағритошлик бўлар экан одамда.

Ҳар кимга бир қизганиб, бўлмайдир адо рашкинг,  
Ишқа гирифтор умрим тобакай ўтар гамда.

Билмасмисан, тўлганиб зумда не кечар ҳоли,  
Ҳаттоки бир нафаслик қолса киши мотамда.

Меҳру вафо иландур ишқу муҳаббат файзи,  
Офтобга тенг зиёлар не қилсин ахир шамда.

Ёлғончи бу очунда лола руҳга садоқат  
Ёлғон эмас – бор фақат менинг каби ҳотамда.

Ҳушёр бўл, Ошиқ Эркин, атрофинг тўла ағёр,  
Юрмоқда улар қасди жон қилиб ҳар қадамда.

22.02.99





## МУНЧА ҲАМ ҚАРО БУ КЎЗ

Мунча ҳам қаро бу кўз, бир боққанда ром этди,  
Ўйлатиб туни бирла, уйқуни ҳаром этди.

Тийралар қилса ҳамки қаро айлаб шомимни,  
Роҳатдан кечиб кўнглим, яна кўрмоқ ком этди.

Олди юракни боғлаб маҳваш зулфи торига,  
Тундин олиб қаролик, кокилларин дом этди.

Тутмоқ бўлиб билакдан қўлларимни узатсам  
“Қўйинг, уёламан”, деб нозик бир муқом этди.


“Лаълинг майига тўйдир”, деб илтижолар этсам,  
Товусдек хиром айлаб, қирмиз лабин жом этди.

“Менинг бўл!” дедим унга. “Сенингман” деди ул ҳам  
Ширин бир лутф бирла яйрамоқ пайғом этди.

Яратганга тасанно, кўрмадим бундай офат,  
Ҳай-ҳай, Ошиқ Эркинни ўлдирди — тамом этди.

26.02.99





## АРДОҚЛАНГ БИР-БИРИНГИЗ

Гар кўрсам олам ичра қайғули бир одамни,  
Сигмасман жаҳонларга ким чиқарган деб ғамни.

Ранжитмайин бировни беш кунлик бу дунёда,  
Роҳатда ўтказайлик Оллоҳ берган ҳар дамни.

Бир-бировга ғанимат очунда бор одамзод,  
Бежиз эмас ахир Ҳақ кашф этгани мотамни.

Олтин топган қул каби ҳайратланиб, қувониб,  
Теримга сифмагайман кўрсам агар хуррамни.

Оллоҳга ташаккурлар муҳаббатни яратган,  
Яратган кўзи чўлпон, ҳам лаблари бодамни.

То маҳшар бир-бирингиз ардоқлангиз, азизлар,  
Ардоқлангиз кўнгли пок, биллурдек ҳар одамни

Гулгун ҳаёт кечиргай оламга келган инсон,  
Ўзи ҳам, Ошиқ Эркин, гул яшнатиб оламни.

26.02.99





## ОДАМ ЭСАНГ...

Замондошим, гар сарвари олам эсанг,  
Берма озор одамларга одам эсанг.

Улуғлангай номинг, бор насли-насабинг  
Замондошларга вафодор, ҳамдам эсанг.

Иссиқ оғушларда ўтгай ҳар бир даминг,  
Муҳаббатга садоқатли ҳар дам эсанг.

Қадрдоним, бир умрга бахтиёрсан,  
Элу юртингни бахтидан ҳуррам эсанг.

Буюргай сенга ҳам, дилбар, ўшал давлат,  
Ёрга садоқатли, кўзи бодом эсанг.

Ҳотамтойи бўл элингнинг, Ошиқ Эркин,  
Берма озор одамларга одам эсанг.

27.02.99



---

## НАВРЎЗ КЕЛИБ

Таралмоқда дилни айлаб мунаввар,  
Ўлкам бўйлаб ажиб бир мушки анбар,  
Санамлардек дилбар, хушбўй, муаттар,  
Наврўз келиб, очилибсан, Санобар,  
Сунбул сочинг бўйинг билан баробар.

Кулишларинг шарқираган сой сенинг,  
Қалам қошинг нақ уч кунлик ой сенинг,  
Дурмушларинг латофатга бой сенинг,  
Наврўз келиб, очилибсан, Санобар,  
Сунбул сочинг бўйинг билан баробар.

Ўн саккиз ёшингни қутлашиб дўст-ёр,  
Юраклар завқини оширмиш бисёр,  
Бугун сенга муҳаббат деган ҳис ёр,  
Наврўз келиб, очилибсан, Санобар,  
Сунбул сочинг бўйинг билан баробар.

Жилваланиб отмоқдадир наҳоринг,  
Парирўйим, қутлуғ бўлсин баҳоринг,  
Камола етибсан, келмасин қоринг,  
Наврўз келиб, очилибсан, Санобар,  
Сунбул сочинг бўйинг билан баробар.

Чиройга буркасин дебон элларни,  
Севар Ошиқ Эркин сендай гулларни,  
Тарк этмасин Наврўз шавқи дилларни,  
Наврўз келиб, очилибсан, Санобар,  
Сунбул сочинг бўйинг билан баробар.

27.02.99



## ПАРВАРДИГОР ҲАМ КЕЧИРМАС

Парвардигор ҳам кечирмас элга хиёнат қилганни,  
Роҳатин бузиб, юртдошин юрак-бағрини тилганни.

Кечирмас халқу миллати, кечирмайди даври-даврон,  
Хоинлик қилиб Ватанга, ўз қавмини ўлдирганни.

Иккилик қилган диёрға баробардур душман билан,  
Ким инсон дер ўз боғининг гулларини сўлдирганни.

Ота ҳам онасин сотган ила тенгдур Ватан сотган,  
Паймонаси тўлсин элнинг паймонасин тўлдирганни.

Юртбошимиз жонига қасд қилганларнинг уйи куйсин,  
Оллоҳ зинҳор кечирмайди юртга хиёнат қилганни.

Огоҳ бўлинг ҳурлигимиз ёқмаётган кимсалардан,  
Бахти кулгай истиқлолни буюк неъмат деб билганни.

Ошиқ Эркин, мустақиллик, ҳурриятга садқа жоним,  
Йўлиқтиргай балога Ҳақ эл юрак-бағрин тилганни.

27.02.99





## КИМ КҮРИБДИ

Ким кўрибди кўрк аҳлидан вафони,  
Кўрган эрса биров – кўргазинг они.

Сурап гўзал бирла вафодор қолиб,  
Мудом аҳди нодон кайфу сафони.

Роҳат азал ағёрларга буюрган,  
Садоқатпешага ёзмиш жафони.

Вафо аҳлин ўртаганинг ўртаган,  
Адолатинг, чархи ситамкор, қани?

Содиқларнинг – яралмишки муҳаббат,  
Кўнгиллари чалган эмас навони.

Эй Ҳақ, маҳзун юракларга раҳм этиб,  
Не бўлгай уфурсанг эрка сабони.

Ошиқ Эркин, ҳар дам ғариб кўнглима  
Истарман олмоқ вафодан давони.

28.02.99





## ХАТАРЛИ ЙЎЛ

Муҳаббат ҳам, билинг, бир ёсумандур,  
Йўллари гоҳ очиқ, гоҳо тумандур.

Хатарлидур бу йўл азал-азалдан,  
Кирсангиз соғ чиқмоқ ундан гумондур.

Бир бора бош урган бу қадим йўлга  
На зоҳирий, на ботиний омондур.

Ихтиёр айласа ишқ йўлини ким,  
Ҳоли унинг ёмондан ҳам ёмондур.

Ишқ йўлининг сўқмоқлари беҳисоб,  
Ҳаммаси ҳам жабру ситам томондур.

Муҳаббатни чидаганга чиқарган,  
Ким чидамас — ранги-рўйи сомондур.

Хатарли бу йўлда Ошиқ Эркиннинг  
Қучганлари фақат ғалаба — шондур.

28.02.99





## ҚИСИНТИРМАНГ

Кўз'ёшларим қилиб дарё қисинтирманг,  
Ўзи беш кунлик бу дунё, қисинтирманг.

Яйрамоққа келганман мен ҳам очунга,  
Бўйингизга жоним фидо, қисинтирманг.

Беҳудага ахтарманг айб ҳар тўқисдан,  
Бағрим мени қилиб адо, қисинтирманг.

Бевафодур умр, ҳам жон азаллардан,  
Ўткинчимиз шоҳ ҳам гадо, қисинтирманг.

Бир-бировни ўрташ нечун рашк бирла,  
Айлаб дамда мотамсаро, қисинтирманг.

Кўча-куйда қилманг жилва намойишлар,  
Юрагим айлаб ҳувайдо, қисинтирманг.

Кўзларимни очиб кўрган нури дийдам,  
Кўзларимдан олиб зиё қисинтирманг.

Достон этгай ишқимизни, Ошиқ Эркин,  
Эй, кўзларимга тўтиё, қисинтирманг.

01.03.99





## ҚАЧОН БОРАЙ

Қолмоқдамиз узоқлашиб, кўп бўлди базм тузмадик,  
Лайли бўлиб, Мажнун бўлиб бир-бировга кўз сузмадик,  
Муҳаббатдан ҳали жоним, базинҳор кўнгил узмадик,  
То ўлгунча биримиз, деган аҳду вафони бузмадик,  
Ёнди васлингизни истаб юрак-бағир, қачон борин,  
Гал деб айтасиз-қўясиз, айтинг ахир қачон борин?

Бенаф ўтмоқда умримиз, чоп-чоп билан, ташвиш билан,  
Жоним, муҳаббатдан йироқ меҳнат билан, минг иш билан,  
Аслинда ишқу севгининг даҳли йўқ ҳатто қиш билан,  
Ҳижронларда ўтказмайлик бағримизни ёқиш билан,  
Дилбар, сизни истаб юрак-бағрим ёниқ, қачон борин,  
Гал деб айтасиз-қўясиз, айтинг аниқ, қачон борин?

Етаклаб гуллар фаслини баҳор келди сепин ёйиб,  
Арғумчоғин узун ташлаб турналар ўтдилар қойиб,  
Қўйдингизми, ё, париваш, берган ваъдалардан тойиб,  
Не бор ўзи бу оламда муҳаббатдан ҳам ажойиб,  
Дилдор, сизни истаб юрак-бағрим ёниқ, қачон борин,  
Гал деб айтасиз-қўясиз, айтинг аниқ, қачон борин?

Дарёдек дошқин истагим: сизни кўрар кун бормикан,  
Лаълингизми соғинтирган, олмамикан ё нормикан?  
Оғушларда жон бермака ҳамма менингдек зормикан,  
Бундай бахту саодатга Ошиқ Эркин ҳам ёрмикан?  
Жоним, сизни истаб юрак-бағрим ёниқ, қачон борин,  
Гал деб айтасиз-қўясиз, айтинг аниқ, қачон борин?

02.03.99



## ХУДО КЎРСАТМАСИН

Рўзигорингда қаро кунни Худо кўрсатмасин,  
Нолалар айлаб чиқар тунни Худо кўрсатмасин.

Ўтмас эрса-да, агар ҳар бир кунинг Наврўз бўлиб,  
Бир умр ғамгин, жигархунни Худо кўрсатмасин.

Аҳли доно ғамга малҳамни муҳаббатдан топар,  
Ишқ аро диллари маҳзунни Худо кўрсатмасин.

Ҳар нафас, ҳар дам санокли чархи бибунёд аро,  
“Оҳ”га тўлган нолаву унни Худо кўрсатмасин.

Бошимиз узра фалак бўлгай мудом ферузаранг,  
То қиёмат тийра мажнунни Худо кўрсатмасин.

Телбариб, дину диёнатдан чиқиб, эл тинчини  
Ўйламай бузгувчи мажнунни Худо кўрсатмасин.

Ошиқ Эркин, не гўзал даврон эрур давронимиз,  
Бундайин элда қора кунни Худо кўрсатмасин.

03.03.99



---

## ОТАЖОННИ КЎРГАН БОРМИ?

Беш йилдирким, топа олмасдан гарангман,  
Йўқотган кунимдан буён хангу мангман,  
Юрар бўлдим ҳолдан ҳам кетиб аранг ман,  
Қадрдоним Отажонни кўрган борми?

Миллатимнинг фахри, жону дили эрди,  
Тўю базм, давраларнинг гули эрди,  
Қўш соҳилнинг хушовоз булбули эрди,  
Булбулнавоз Отажонни кўрган борми?

На узоқдан, на яқиндан келар саси,  
“Борман!” дея эшитилмас овозаси,  
Кетганидан буён ёпиқ дарвозаси,  
Қадрдоним Отажонни кўрган борми?

Ёлғиз ўзи базми жамшид этмас эди,  
Сафар кетса асло торсиз кетмас эди,  
Қайтар муддат бир ҳафтага етмас эди,  
Булбуловоз Отажонни кўрган борми?

Соғиниб қолдилар қоши камонлар ҳам,  
Яхшилар ҳам, кўролмаган ёмонлар ҳам,  
Хувуллади ҳатто боғлар, чаманлар ҳам,  
Қадрдоним Отажонни кўрган борми?

Нағмасоз элимнинг эрди энг кераги,  
Тошқин эрди Жайхун дарёдай юраги,  
На Тўрткўл, на Эллиқдан чиқар дараги,  
Буюк ҳофиз Отажонни кўрган борми?

Чор тарафдан дўстлар тўпланиб, сўйиб кўй,  
Бугун унинг диёринда катта бир тўй,  
Наҳотки ўз тўйинда ҳам кўрсатмас бўй,  
Айтинг ахир, Отажонни кўрган борми?

Жўшқин эди – мисоли бир дали дарё,  
Йўл тополмай дарбадар юрганмикан ё?  
Соғинди-ку уни тамомий Осиё,  
Меҳрибон дўст Отажонни кўрган борми?

Куйиб эшик қаранар ҳамон лайли ёри,  
Куйиб кул бўлди Индира, Инғизори,  
Қаён кетди, йўқ эрди-ку қўлда тори,  
Торсиз кетган Отажонни кўрган борми?

Дўстлар даврасига бериб зеб, орони,  
Ким хониш айлайди энди “Суворо”ни,  
Қорақалпоқ, Хоразмнинг эрди жони,  
Қадрдонлар, Отажонни кўрган борми?

Қашқа, Сурхон унинг ҳам маскани эрди,  
Не-не жонон қўшигин эшитсам, дерди,  
Наҳот уни Оллоҳ оз муддатга берди.  
Эл ҳамдарди Отажонни кўрган борми?

Мухлисларин ташлаб, қаён кетган ўзи,  
Тилсимдек ҳеч ерда кўринмайди изи,  
Тўрт республиканинг суюк халқ ҳофизи,  
Буюк – Отажонни кўрган борми?

Оққин эрди – кам эмасди Аму, Сирдан,  
Қумга сингган каби ғойиб бўлди бирдан,  
Нола янграр бугун шоҳона қасрдан,  
Азизларим, Отажонни кўрган борми?

Тарк этиб жон, бир умрга қолиб сўздан,  
Наҳот ёлғиз ном қолдириб кетди ўздан,  
Кетган жойи шунчалар ўзоқми кўздан,  
Оғайнилар, Отажонни кўрган борми?

Ёниқ эрди — жисми-жони порлаган нур,  
Йигит бўлса ҳамки йўқ эрди ундай хур,  
Қилмади бориға хўйим ҳам шукр,  
Отажон Худойшукурни кўрган борми?

Бўлар эрди яйраб, юракдан дея: “Жон  
Воҳадаги ҳар уйда суюкли меҳмон, .  
Йўқ эрди очунда ундай комил инсон  
Иймон бойи — Отажонни кўрган боғ

Содда эрди, дили пок — биллуур мисо.  
Тозалик ҳам покизаликнинг тимсоли,  
Одамийлик бобинда тенгсиз ва олий,  
Садоқатли Отажонни кўрган борми?

Кўплар каби тўйга пул деб бормайдиган  
Кеча-кундуз қўшиқ айтиб ҳормайдиган.  
Мискинлардан ҳатто чақа олмайдиган  
Мисли ҳотам — Отажонни кўрган борми

Кўп етимлар, есирлар бошин силаган,  
Не-не шоҳу не-не султонлар сийлаган,  
Элу юртга фақат яхшилик тилаган  
Соҳиби шон Отажонни кўрган борми?

Кўп эрса-да рўзгоримда каму кўстим,  
Давлатсиз демади, бўлди қалин дўстим,  
Ўттиз бир йил улфат бўлиб, бирга ўсдим,  
Жонажон дўст — Отажонни кўрган борми?

Саноғи йўқ эрди дўсту ёрларин ҳам,  
Кўрар эрди топганин юрт бирла баҳам,  
Кам эрди ундайин сахий, ундай ҳотам,  
Олиҳиммат Отажонни кўрган борми?

Кўлинда тор — экранларда кўринса гар,  
Бўлар эрди милён-милён дил мунаввар,  
Кувонарди топишгандай бебаҳо зар,  
Кўшиқ пири — Отажонни кўрган борми?

Ҳожихон, Шерозий унга тан беришган,  
Санъат чаманида бир дам дур теришган,  
Комилжондек юксак довруғга эришган  
Марди майдон Отажонни кўрган борми?

Қаллибек Камолдан олган илҳом, мадад,  
Баҳра олган Қосим оғадан беадад,  
Йўлдош Қурбоновга бўлган мисли фарзанд  
Эл дилбанди Отажонни кўрган борми?

Темур Камоловнинг ҳам чин қадрони,  
Аминбой Ҳамроевичнинг жонажони,  
Неъматилла Худойбергановнинг жони,  
Жон малҳами – Отажонни кўрган борми?

Улфат эрди Мамбетсоли ҳам Иноят,  
Бахтиёр Султоновни ҳам севган ғоят,  
Арши аълодан келган нури ҳидоят –  
Хандон чеҳра – Отажонни кўрган борми?

Хоразмда Маркс, Ҳожи Давлат, Фани,  
Дўст тутинган Гурланда Амин оғани,  
Устоз деган Йўлдош тақирни – тоғани,  
Воҳа фаҳри Отажонни кўрган борми?

Хоразмда яна бир дўсти қадрдон,  
Шеър мулкининг пири, ҳам соҳиби иймон,  
Йўқотиб юрипти бугун Омон Матжон –  
Санъат шоҳи Отажонни кўрган борми?

Уйларининг тўридан доим жой берган,  
Шундай яхши улфатни қўлдан бой берган,  
Йўқотиб юрипти Йўлдош Худойберган,  
Яхши улфат – Отажонни кўрган борми?

Унинг турган-битгани бир ҳикмат эди,  
Ҳусин Раҳмонов билан ҳам жиқмат эди,  
Ким хотинбоз деса уни – туҳмат эди,  
Исо нафас Отажонни кўрган борми?

Бошланса гар қўшиқда айтишув “жанг”и,  
Тенгдошлар ичра ҳам топилмасди данги,  
Дуд фалакка чиқар эрди ширин “ханг”и,  
Шаҳди баланд Отажонни кўрган борми?

Нафасинда Масиҳнинг дами бор эрди,  
Санъат қаҳқашонинда ул бир нор эрди,  
Ўзи дунё – дунёлар унга тор эрди,  
Ҳаётбахш кон – Отажонни кўрган борми?

Кўнгилларин маҳоратда айлагач шод,  
Тан беришган унга Ортиқ, Бобомурод,  
Асримизда юлдуз бўлиб қолдирган от  
Ширинзабон Отажонни кўрган борми?

Беш-ўн куйлак кўп кийган Рўзмат ҳофиз ҳам,  
Қуллуқ бажолаб айлаб, деган “Мусаллам!”,  
Ана шундай машҳур зот – доврўғи олам  
Хушхон булбул – Отажонни кўрган борми?

Ватанга хизматни олий бурч деб билган,  
Эл марака-тўйинда югурган-елган,  
Дастрўмол олсам ҳам “ювамиз” деб келган  
Танти Хайём – Отажонни кўрган борми?

Қай бирини айтай – бир-бир санаб бўлмас,  
Қуруқ рақам бирла зинҳор кўнгил тўлмас,  
Боқийликка дахлдор – ҳеч қачон ўлмас  
Мангу ҳаёт – Отажонни кўрган борми?

Ором нима, ҳордиқ нима – билмайдиган,  
Уч-тўрт кунлаб кўзга уйқу илмайдиган,  
“Чарчадим” деб умринда ноз қилмайдиган  
Асл ҳофиз Отажонни кўрган борми?

Ўтар дундан маҳоратсиз-да, моҳир-да,  
Шоҳу гадо, таҳоратсиз-да, соҳир-да,  
Оғир дардга гирифтор бўлган охирда  
Мискин қудрат – Отажонни кўрган борми?

Юзларим йўлинда соргайиб-сўлди-ей,  
Бағрим фарёдларга, гуссага тўлди-ей,  
Ошиқ Эркиннинг юраги қон бўлди-ей,  
Буюк денгиз Отажонни кўрган борми?

Тўтиनावоз Отажонни кўрган борми?  
Булбуловоз Отажонни кўрган борми?

19.07.99



---

## БИР БЎСА ХУМОРИНДА

Офтоб макон тутибдур дилдорни рухсоринда,  
Бўйлар бор мушки анбар зулфининг ҳар торинда,  
Васлин соғиниб тоқат қолмади бу зоринда,  
Дуо ёзилганми ё маҳвашни туморинда,  
Ўтмоқда ёниб умрим бир бўса хуморинда.

Куйдим дебон ишқингда неча арзи ҳол этдим,  
Неча келиб ҳушимга, неча ўзимдан кетдим,  
Бу дунёда шуни деб куйдим, ўлмака етдим,  
Дуо ёзилганми ё маҳвашни туморинда,  
Ўтмоқда ёниб умрим бир бўса хуморинда.

Беш кунлик бу очунда жононасиз гадо жон,  
Айлар эдим ҳар битта бўсасига фидо жон,  
Кўрсатса такаллумлар қилмас эди нидо жон,  
Дуо битилганми ё маҳвашни туморинда,  
Ўтмоқда ёниб умрим бир бўса хуморинда.

Бир бора лабин бермоқ мушкулмикан шунчалар,  
Куйдирмаса на бўлгай пайкар мани бунчалар,  
Ушалмайин муродим, қўнглим ҳазин ун чалар,  
Не бад дуо ёзилган маҳвашни туморинда,  
Ўтмоқда ёниб умрим бир бўса хуморинда.

Ўптирган била бир бор тушмас осмон узилиб,  
Оширмоқда илҳомим шаҳло кўзлар сузилиб,  
Бағри чок Ошиқ Эркин адо бўлди эзилиб,  
На ҳикмат бор, худойим, лайлимни туморинда,  
Ёниб ўтмоқда умрим бир бўса хуморинда.

30.07.99



## СОҲИБЖАМОЛ ҚИЗ ЭКАНСИЗ

Бунчалар ҳам соҳибжамол қиз экансиз,  
Тушларимда қийнаб юрган сиз экансиз.

Жон олгувчи лабларингиз роҳатижон,  
Ёноқлари бамисли қирмиз экансиз.

Қуралай кўзингиз чўлпоннинг худ ўзи,  
Юракларни ёритган юлдуз экансиз.

Парвоздаги қалдирғочми, ҳилолми ул,  
Қошларингиз қоп-қора кундуз экансиз.

Бадахшон лаъли ҳам сиздан олар нисбат,  
Ҳам қамар, ҳам қуёшчеҳра юз экансиз.

Шаҳлолиги галат Лайло, Шириннинг ҳам,  
Сиз гоят бошқача шаҳло кўз экансиз.

Сизни топиб ўзинда йўқ Ошиқ Эркин,  
Тушларимда қийнаб юрган сиз экансиз.

*31.07.99*



---

## ЕТСА ГАР ПАРВАРДИГОРИМДАН МАДАД

Ишингиз бўлгай ривож сизнинг мудом,  
Етса гар Парвардигоримдан мадад.  
Ҳам ушалгай барча орзу бирла ком,  
Етса гар Парвардигоримдан мадад.

Парвоз айлаб бошингиз узра ҳумо,  
Бағри бут, хандон яшарсиз доимо,  
Қолмайин ҳар дам ушалгай муддао  
Етса гар Парвардигоримдан мадад.

Яшнагай ферузаранг осмонингиз,  
Бир умр бўлгай омонда жонингиз,  
Ҳам бутундир ризқингиз, ҳам нонингиз,  
Етса гар Парвардигоримдан мадад.

Қалта дастинг ҳам дароз бўлгай сенинг,  
Нур тарар бахтимни йўли ҳам менинг,  
Ярқираб, иқболи кулгай ҳамманинг,  
Етса гар Парвардигоримдан мадад.

Ҳеч бир инсоннинг кўзи нам бўлмагай,  
Қадди-басти, бўйни ҳеч ҳам бўлмагай,  
Хонадонинда унинг ғам бўлмагай,  
Етса гар Парвардигоримдан мадад.

Барчага айлар ўғил-қизлар ато,  
Ҳам берар давлатни доим бехато,  
Бўлмагай ҳеч кимсанинг қадди дуто,  
Етса гар Парвардигоримдан мадад.

Сайр этар кўкларда у беболу пар,  
Ҳам этар мақсуди бўлса сийму зар,  
Яшнаиб йўлин, мудом гуллар безар,  
Етса гар Парвардигоримдан мадад.

Ҳар кузак тўлиб-тошар хирмонингиз,  
Давралар файзи бўлар ширмонингиз,  
Қолмагай очунда ҳеч армонингиз,  
Етса гар Парвардигоримдан мадад.

Ошиқ Эркинга бу даврон хуш ёқиб,  
Чаккага юргай мудом гуллар тақиб,  
Унга ҳам келгай саодатлар оқиб,  
Етса гар Парвардигоримдан мадад.

31.07.99



---



## ДАРМОН БЎЛАЙЛИК

Кўрсатиб матонат, кўрсатиб ҳиммат,  
Кўрсатиб жасорат, кўрсатиб қудрат,  
Бор саховатпеша, бор аҳли уммат,  
Миллатга меҳримиз ато қилайлик,  
Халқимиз дардига дармон бўлайлик.

Ватан яғонадур ҳам дурдонадур,  
Мустақил Ватанда дил қувонадур,  
Ватан буюк Каъба, Ватан – Онадур,  
Ундан бизнинг қарзимиз кўп – тўлайлик,  
Халқимиз дардига дармон бўлайлик.

Меҳнат деса аямайдур жонини,  
Заҳмат чекиб оширадур шонини,  
Ноз-неъматга безар дастурхонини,  
Аввал бисёр этиб турфа қулайлик,  
Халқимиз дардига дармон бўлайлик.

Сочгай йўлимизга Оллоҳим зиё,  
Қўллаб элни авлиёю анбиё,  
Қилиб тупроғимиз кўзга тўтиё,  
Юракларни юракларга улайлик,  
Халқимиз дардига дармон бўлайлик.

Яратганга шукр, қулди бахтимиз,  
Мустақилдур абад тожу тахтимиз,  
Хур яшашдир бизнинг аҳду шахдимиз  
Озод элда бирга ўйнаб-қулайлик,  
Халқимиз дардига дармон бўлайлик

Эртамиз яна ҳам гулгун, чароғон,  
Юртбошимиз элга содиқ чароғбон,  
Ошиқ Эркин айлар шаънингиз достон,  
Хур Ватанда даври даврон сурайлик,  
Халқимиз дардига дармон бўлайлик.

01.08.99



---

## ҲАМ ОЗОДУ ҲАМ ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

Донғи бирла айламакка ифтихор,  
Саодату бахт-иқболи барқарор,  
Азиз номи мангуликка дахлдор,  
Биздан ой каби озод Ватан қолсин,  
Ҳам гуллаган, ҳам обод Ватан қолсин.

Не-не қутлуғ кошоналар яратган,  
Олам аро довруғу шон таратган,  
Дунёларни жамолига қаратган,  
Авлодларга эли шод Ватан қолсин,  
Халқи хуррам, дили шод Ватан қолсин.

Инсонлари бир-бирига бериб даст,  
Дилларин айлаган дилларга пайваст,  
Йигитлари паҳлавон ҳам забардаст,  
Жононлари паризод Ватан қолсин,  
Ёғлони мисли Фарҳод Ватан қолсин.

Барча элат, миллатин боши осмон,  
Ҳотам каби, турган-битгани иймон,  
Тоғу тахти кўркам ҳам дориломон,  
Халқи хуррам, дили шод Ватан қолсин,  
Адолатдан эли шод Ватан қолсин.

Фарзандлари ақлу ҳаётда якто,  
Ватанга ҳаётин айлаган ато,  
Адолатга амал қилган бехато,  
Биздан авлодларга ҳур Ватан қолсин,  
Матонат, қудратда зўр Ватан қолсин.

Ён қўшнию қондошларга садқа жон,  
Барча қавму қардошларга садқа жон,  
Дўсту ёру сафдошларга садқа жон,  
Авлодларга эли шод Ватан қолсин,  
Халқи хуррам, дили шод Ватан қолсин.

Кўкка етган овозаси ҳам саси,  
Туркистондур бамисоли “Хамса” си,  
Истиқлолу мустақиллик меваси,  
Ҳам озоду ҳам обод Ватан қолсин,  
Гулдек гўзал ва дилшод Ватан қолсин.

Бўлгай, Ошиқ Эркин, элим саломат,  
Парвардигор севган соҳибкаромат,  
Юртбошимиз изҳор айлаган ҳикмат:  
Авлодларга хур, озод Ватан қолсин,  
Мисли жаннат ҳам обод Ватан қолсин.

04.08.99





## ИШҚ ҰЙНАШИБ

Айладим айши камол дилдор ила ишқ ўйнашиб,  
Лаъли рангин, кўзлари хуммор ила ишқ ўйнашиб.

Яйрадим булбул каби гулгун чаманзор ичра мен,  
Қадди гул андому, гул рафтор ила ишқ ўйнашиб.

Айладим бир тўхтамай то тонггача изҳори дил,  
Лаблари бол, оташин гуфтор ила ишқ ўйнашиб.

Чин муҳаббат васфида ўйнаб-кулиб роз айладик,  
Ухламай, оқшомлари бедор ила ишқ ўйнашиб.

Қолдириб очунда ном, мастона ўтмоқ яхшидур,  
Лабзи ширин, лаъли шаккарбор ила ишқ ўйнашиб.

Қолмади, эй Ошиқ Эркин, зарра армонинг сенинг,  
Бир умр не-не гўзал рафтор ила ишқ ўйнашиб.

05.08.99



---

## ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Юзланиб шон, истиқдолга эришган юрт,  
Хуррият бирла мардона кўришган юрт,  
Бахти кулиб, енгилгина керишган юрт,  
Эрк йўлида омадлари келишган юрт,  
Етмоқдадир камолотга бўйинг сани,  
Қутлуғ бўлсин саккиз ёшар тўйинг сани.

Одим отиб дадил нузли эрта томон,  
Саккиз йилда ошдик саккиз буюк доvon,  
Асрий орзу, истакларга етиб омон,  
Кўрмаган ўзбегим бундай эркин-замон,  
Камолотга етди, юртим, бўйинг сани,  
Қутлуғ бўлсин саккиз ёшар тўйинг сани.

Юксак тутиб адолатнинг байроғини,  
Обод айладик Ватаннинг ҳар ёғини,  
Буркаб турфа гулларга сўлу соғини,  
Қайта ёқдик боболарнинг чароғини,  
Камолотга етди, юртим, бўйинг сани,  
Қутлуғ бўлсин саккиз ёшар тўйинг сани.

Омон бўлсин, халқим, ҳумо қўнган бошин,  
Баҳраманддур саодатдан кекса-ёшинг,  
Ошиқ Эркин, беминнатдур энди ошинг,  
Саноксиздур бугун очунда қардошинг.  
Камолга етмоқда яйраб бўйинг сани,  
Қутлуғ бўлсин эрк аталган тўйинг сани.

07.08.99



## МУҲАББАТДАН ҚОЛГАН КУНИМ

Хандон улаб кунни тунга, яйрашга келдим очунга,  
Ёр севишни кўймагайман айланса-да қаддим нунга.  
Гар танимни тарк этса жон, “ишқ” деб чиқар сўнгги уним,  
Ошиқ Эркин ўлди денглар муҳаббатдан қолган куним.

Ишқ неъматдур тўйиб бўлмас, бу ҳикматни ким ҳам билмас,  
Соғ тану соғлом юракда муҳаббат гуллари сўлмас.  
Гар танимни тарк этса жон, ишқ деб чиқар сўнгги уним,  
Ошиқ Эркин ўлди денглар мен севишдан қолган куним.

Оламни севги асрагай, одамни севги асрагай,  
Ёр учун ўзни бахш этган хотамни севги асрагай.  
Гар танимни тарк этса жон ишқ деб чиқар сўнгги уним,  
Ошиқ Эркин ўлди денглар мен севишдан қолган куним.

Ишқ бор учун гўзал очун, ҳаёт бор севги бор учун,  
Дилдан севишганлар билар муҳаббатнинг малҳам кучин.  
Гар танимни тарк этса жон ишқ деб чиқар сўнгги уним,  
Ошиқ Эркин ўлди денглар муҳаббатдан қолган куним.

Одам Атодан қолган ишқ, дилда наволар чолган ишқ,  
Не-не шўрлик ошиқларни не-не кўйларга солган ишқ.  
Гар танимни тарк этса жон ёр деб чиқар сўнгги уним,  
Ошиқ Эркин ўлди денглар мен севишдан қолган куним.

18.08.99





## МАҲВАШ, ҲАЙРАТГА СОЛАР

Маҳваш, ҳайратга солар тулгун жамолинг ҳаммани,  
Хипча белу сарви бўй, чехраи олинг ҳаммани.

Боқса ким лол айлагай хуш жилваи нозинг сенинг,  
Айлагай бехонумон қадди камолинг ҳаммани.

Офати жон мунча ҳам, бир-бир учиб мафтун этар  
Икки қалдирғоч каби қоши ҳилолинг ҳаммани.

Қўйса гар лаълингга лаб беҳушлар этмай қўймагай,  
Лабда болинг ҳаммани, ширин зулолинг ҳаммани.

Жилмайиб ўртар ёмон, девонавор боққан ҳамон,  
Қоп-қора кишмиш мисол чаккангда холинг ҳаммани.

Қомати шамшод сенингдек сендан ўзга кимда бор,  
Айлагай онгдан жудо гулгун висолинг ҳаммани.

Тушса кўзлар ногаҳон, оҳанрабодек тортадур  
Дилрабо, сиймин тани сутдай ҳалолинг ҳаммани.

Ошиқ Эркиннинг ҳушин мангуга олган маҳвашим,  
Кўрса бас, шайдо этар қадди камолинг ҳаммани.

28.08.99



---



## КҮНГЛИМ ҚҮЙМИН БОРЁТИР

Бир боқиб жамолингга, гул чехраи олингга,  
Лабда кумуш холингга гўззим дўймин борётир,  
Холиннан бўса ол деб кўнглим қўймин борётир.

Ёқиб қадди камолинг, қалдирғоч қўш ҳилолинг,  
Асал лаъли зулолинг — гўззим дўймин борётир,  
Лаълиннан бўса ол деб кўнглим қўймин борётир.

Етиб Оллоҳга оҳим, қилди табассум моҳим,  
Узолмасман нигоҳим — гўззим дўймин борётир,  
Гўззиннан бўса ол деб кўнглим қўймин борётир.

Лабзи ширин, хушгуфтор, хушқомат, сара дилдор,  
Тилларининг боли бор — гўззим дўймин борётир,  
Тилиннан бўса ол деб кўнглим қўймин борётир.

Сийми тани ҳалолим, қўйдинг олиб хаёлим,  
Нозиккина ниҳолим — гўззим дўймин борётир,  
Гўззиннан бўса ол деб кўнглим қўймин борётир.

Олиб хушлар зориннан, нур тарар рухсориннан,  
Маҳвашни қўш нориннан гўззим дўймин борётир,  
Нориннан бўса ол деб кўнглим қўймин борётир.

Мунча гўзал сийнаси, ўсма билан ҳинаси,  
Бўлса ҳамки гинаси — гўззим дўймин борётир,  
Сийнадан бўса ол деб кўнглим қўймин борётир.

Ошиқ Эркин, куйсам ҳам, шўхлигимни қўйсам ҳам,  
Дийдорига дўйсам ҳам гўззим дўймин борётир,  
Ёрни бағринга ол деб кўнглим қўймин борётир.

29.08.99



## БИР ҰПСАМ САҚОҚИНГДАН

Оғанға найлар армон бир ұпсам сақоқингдан,  
Асал лаби лағылингдан, қирмизранг ёноқингдан.

Кўзларинг сени шахло, кўзларинг сени қиймоч,  
Дарёдек тошар кўнглим кўз тушса қароқингдан.

Писта даҳондур оғзинг, тишларинг сени маржон,  
Оғзингга қўйсам оғзим, бол оқар дўдоқингдан.

Битиб сабр ила тоқат, жунбушда мудом қоним,  
Эркам, хабар олиб тур тоқатлари тоқингдан.

Пайқат келиб меҳрингни ғам тунида зорингга,  
Токайгача чекай оҳ ҳажрингдан, фироқингдан.

Ўртаб йигит жонимни, қилмаюрсан писанда,  
Бир бўса тилар бўлсам қор ёғар қопоқингдан.

Арши аълога етгай боши Ошиқ Эркиннинг,  
Оғанға найлар армон бир ұпсам ёноқингдан.

04.09.99





## УНУТМАЙДИ ЭЛЛАР СЕНИ

Чингизнинг додини берган паҳлавоним,  
Шерюрак, машҳури жаҳон қаҳрамоним,  
Сенинг умри боқий шухратинг, шонингни  
Осмон қадар улугламоқда давроним.  
Миллатимнинг ифтихори дерлар сени,  
Жалолиддин, унутмайди эллар сени.

Қувончимсан, фаҳримсан, тенги йўқ мардсан,  
Амулардан сакраб ўтган жавонмардсан,  
Ёғийларга жавлон уриб қирон солган  
Баҳодирлар ичра сен танҳосан – фардсан.  
Ўзбегимнинг қаҳрамони дерлар сени,  
Жалолиддин, унутмайди эллар сени.

Жасоратинг ёддан чиқармас авлодим,  
Мангуга йўлдошдир ёдинг билан ёдим,  
Ўлмас руҳинг мадад бериб бугун бизга,  
Эрк йўлидан отмоқдамиз дадил одим.  
Халқимизнинг ифтихори дерлар сени,  
Мангуберди, унутмайди эллар сени.

Ёвга қарши бирлашмоқ керак, деган сен,  
Элу юртнинг гамин ҳам энг кўп еган сен,  
Мўғулларнинг кучларин чил-парчин этиб,  
Оврупони сақлаган ҳам сен экансен.  
Миллат фаҳри, ифтихори дерлар сени,  
Мангуберди, унутмайди эллар сени.

Қад ростламоқдадир юртингда ҳайкалинг,  
Воҳа обод, обод даланг, ҳар пайкалинг.  
Ҳар тараф хиёбон, турарлар бўй тараб

Алвон гуллар пойингни ўпиб, чайқалиб.  
Саркардам дер миллионлаб эрлар сени,  
Жалолиддин, унутмайди эллар сени.

Қойил сенинг қудратингга жумла-жаҳон,  
Шому Ироқ, ҳам гуржи, ҳам озарбойжон.  
Саккиз аср бўлибдирким, олам аро  
Хоразмшоҳ деган номинг тилда дoston.  
Арслонимиз дерлар ҳатто шерлар сени,  
Жалолиддин, унутмайди эллар сени.

Сени элга берган Оллоҳимга раҳмат,  
Волиданга – Ойчечак моҳимга раҳмат,  
Ошиқ Эркин, бобом руҳин шод айлаган  
Меҳрибон юртбошим ҳам шоҳимга раҳмат.  
Унутмайди ҳур авлодим, эллар сени,  
Жалолиддин Мангуберди дерлар сени.

*09.09.99*





## МАНГУБЕРДИ ХИТОБИ

Мўр-малаҳдай бостириб ёв кирганда элимга,  
Афсонавий бир қудрат бахш этди Ҳақ дилимга,  
Зўр матонат, зўр куч энди билагимга, белимга,  
Ҳимоянгга кўкрагимни қалқон қилдим, Хоразм.

Босқинчи-да кела берди юртни талаб, бостириб,  
Тирик жонни айлаб қатл, дорлаб қуриб, осдириб,  
Ўтрорда жанг қилди черик шердай мардона туриб,  
Шухратинг сақлашга ўзни қоплон қилдим, Хоразм.

Даҳшат ичра қолди отам — ёвдан кўрқди, чекинди,  
Билмам, Борса Келмасгами, Оролгами бекинди,  
Хоразмшоҳ рутбасин у мен ўғлига юкинди,  
Чингизхонни шаштим бирла ҳайрон қилдим, Хоразм.

Тенгсиз эди кучда душман, қудратда кўп зиёда,  
Қилган эрди орзу Чингиз хон бўлмоқни дунёда,  
Ёғийларга солдим қирон гоҳи от, гоҳ пиёда,  
Қайга чодир тикса ганим — вайрон қилдим, Хоразм.

Керак эрди бизга мадад — ёрдам сўраб сурдим от,  
Бирлашайлик дедим, дўстлар, бўлингиз дедим қанот,  
Кўп куч енгар дедим ёвни, қўшмадилар бош, ҳайҳот,  
Истиқлолинг учун ўзни қурбон қилдим, Хоразм.

Гоҳ чекиндим, гоҳ дарғазаб бордим ёвнинг устига,  
Гоҳ зарб едим, гоҳ ўзим ҳам сомон тикдим пўстига,  
Ҳиёнат қилган ҳам бўлди ўз юртига, дўстига,  
Тақдирингдан гоҳ гирён, гоҳ афгон қилдим, Хоразм.

Гоҳ тўрт тараф қочди ёғий, зарбимга бермайин дош,  
Оқиздим Чингиз ўғлин кўзларидан қонли ёш,  
Киндик қоним тўкилган шу заминдан олдим бардош,  
Ёвни чўлу биёбонда сарсон қилдим, Хоразм.

Кубро бобомдан ўргандим Ватан севиш ғоясин,  
Буюк мақсад қилдим мен ҳам юртимнинг ҳимоясин,  
Диёримга туширмасман дедим олчоқ соясин,  
Душманга қарши қудратни чандон қилдим, Хоразм.

Ўлсам ўлдим, ёв қўлига тирик бир жон бермадим,  
Бир қарич ерим ҳам ёвга асло осон бермадим, -  
Тўзон ичра қолдирдим, лек нурли осмон бермадим,  
Ҳар қадамда мўғул кўксин нишон қилдим, Хоразм.

Ўғлим – Жамолим юрагин ёриб олишганда ҳам,  
Намойишлар айлаб дилга ғусса солишганда ҳам,  
Кучдан толган диёримда ғолиб қолишганда ҳам,  
Эркинг учун хонумоним эҳсон қилдим, Хоразм.

Чарчаб, толиб чиққанимда бир жанг-жадалдан ногоҳ,  
Ит эмган бир курд насабим, наслимдан бўлмай огоҳ,  
Қурбон қилди мени қўйдек, гафлат ичра қолдим, оҳ,  
Лекин шаънингни мангуга дoston қилдим, Хоразм.

Саккиз юз йил кечибдир вақт, тирилик келдим қайта,  
Юртим, истиқлолингга минг раҳматлар айта-айта,  
Мангулигим шоир Ошиқ Эркининг қўшмиш байта,  
Эрк нурунг бирла чеҳрамни хандон қилдим, Хоразм.

11.09.99





## СЕНДАЙ САНАМНИ

Қолишмайсан асло қуёшдан, ойдан,  
Сахийсан Хизрдан, Ҳотами Тойдан,  
Шириндир зулолинг асалдан, майдан,  
Минг ўргулай сени берган худойдан.  
Яйратдинг бахш этиб ором танамни,  
Кўрган эмас очун сендай санамни.

Сойга ўхшатаман кулгуларингни,  
Бебаҳо маржонга инжуларингни,  
Мингларга андоза улгуларингни,  
Кўнглимни забт этган дилжўларингни.  
Яйратдинг бахш этиб илҳом танамни,  
Кўрган эмас очун сендай санамни.

Эркам, ғунчамиён сенинг белларинг,  
Асалдан ҳам ширин-шакар тилларинг,  
Меҳру муҳаббатга тўла дилларинг,  
Анбарафшон шамолларинг, елларинг.  
Яйратдинг бахш этиб роҳат танамни,  
Жаҳон кўрган эмас сендай санамни.

Беш кетаман қоши ҳилолларингга,  
Қаймоқ каби чехраи олларингга,  
Юзинг кўрки — ул қаро холларингга,  
Шарбат тўла лабларда болларингга.  
Яйратдинг бахш этиб ором танамни  
Жаҳон кўрган эмас сендай санамни

Ғолибсан — то дилда шахдинг бор экан,  
Бебаҳо давлатинг — нақдинг бор экан,  
Қувон, Ошиқ Эркин, бахтинг бор экан,  
Вафо тўла тожу тахтинг бор экан.  
Айладинг чароғон кулба хонамни,  
Ҳақ бахш этди менга сендай санамни.

*14.09.99*



---

## ТУШЛАРИМДА КҮРИБ ЮРГАН

Учрашиб осмона етди бугун бошим,  
Қай томондан чиқди жилмайиб қуёшим,  
Сигмай борар қувончимга ичу тошим,  
Орзу этиб, кўпдан кутган қаламқошим.  
Тушларимда кўриб юрган сиз экансиз,  
Сочларни қирқ ўриб юрган қиз экансиз.

Интизор эрдим мен сизнинг йўлингизга,  
Гуллар сочиб, эркам, ўнгу сўлингизга,  
Бахш этмоққа розидурман на ҳаётим,  
Маҳвашгинам, ўзимни ҳам қўлингизга.  
Тушларимда кўриб юрган сиз экансиз,  
Сочларни қирқ ўриб юрган қиз экансиз.

Қирқ кокил ҳам тўпиқ ўпар — қулоч-қулоч,  
Кўрмаганман ҳеч кимда бундай узун соч.  
Нигоҳингиз ханжар бўлиб ботар дилга,  
Жон олгувчи кўзларингиз сизни қиймоч.  
Сочларни қирқ ўриб юрган қиз экансиз,  
Тушларимга кириб юрган сиз экансиз.

Энди сизни дилгинамга нақш этаман,  
Меҳри-муҳаббатим мисли Вахш этаман.  
Ошиқ Эркин сўзларидан қайтган эмас,  
Сизга абад ўзгинамни бахш этаман.  
Тушларимда кўриб юрган сиз экансиз,  
Сочларни қирқ ўриб юрган қиз экансиз.

14.09.99



## ЖОНОНАМАН, ДЕГАН КИМ?

Оға, сизга бир умр жононаман, деган ким?  
Бўйингизга то маҳшар парвонаман, деган ким?

Қаддингизга жон фидо, қилманг мен зорни адо,  
Сизни ҳар кўрганимда қувонаман, деган ким?

Кўрсам ўзга ёнида – севги хиёбонида,  
Тўлганиб рашк ўтида, сўзонаман, деган ким?

Ҳар кун тушларимдасиз, хаёл-хушларимдасиз,  
Васлингизга етолмай, ҳайронаман, деган ким?

Ширин жоним сизники, хонумоним сизники,  
Сизга абадул меҳри рахшонаман, деган ким?

Сиз борсиз – менга не ғам, сизсиз дилдаги оғам,  
Анбарбўй гулингизман – райҳонаман, деган ким?

Қайтма энди сўзингдан, қора қошу кўзингдан,  
Ошиқ Эркинга абад жононаман, деган ким?

14.09.99





## АСРАГИЛ УММАТИНГНИ

Дариф тутмай, худойим, ҳимматингни,  
Асра бағри тошлардан умматингни.

Мош қилиб оч нонқўрларнинг кўзларин,  
Кўрсатиб уларга куч-қудратингни.

Ланг айлагил душманларнинг пойини,  
Ёғдириб бошига сел, офатингни.

Динни ниқоб этган ноинсофларга  
Беҳисоб эт ғазаб ҳам нафратингни.

Хиёнат аҳлига сочмагил асло  
Зиёларин хуршиди талъатингни.

Ваҳҳобий содиқмас ҳеч бир миллатга,  
Серб қилгил шуларга даҳшатингни.

Улар инсон эмас, юрган бир ваҳший,  
Улар ёлғон олар тилга отингни.

Сотқин — муртад, ёғийдан таълим олган,  
Сен муртадга раво кўр ваҳшатингни.

Уларга айлама зинҳор мурувват,  
Парвардигор, кўрсатгил санъатингни.

Ошиқ Эркин ёниб илтижо айлар,  
Асра бағри тошлардан умматингни.

16.09.99



## ДИЙДОРИНГ СЕНИ ОЙДЕК

Кўнглимга ларза солган дийдоринг сени ойдек,  
Лаълингни боли, эркам, новвот қўшилган чойдек.

Юрмоқдаман сени мен топганимдан буёна  
Муҳаббатнинг шаҳринда гўё минг қўйли бойдек.

Жонбахш табассумингга бахшида ширин жоним,  
Кулгуларинг гўёки шўх жилгаю шўх сойдек.

Бағримга босмоқ истаб мастона талпинурман,  
Сезмоқдаман ўзимни гижинглаб турган тойдек.

Юз йилда келар сендек сарви санам очунга,  
Хуш олар лабинг боли гўё юз йилги майдек.

Ошиқ Эркин қалбини, маҳваш, фаровон этдинг,  
Юраккинамни мангу макон этган ҳумойдек.

*18.09.99*





## КҮНГЛИМДАГИ ГУЛ СЕН ЭДИНГ

Кўнглимдаги гул сен эдинг, сочлари сунбул сен эдинг,  
Икки юракни бир қилиб сайратган булбул сен эдинг.

Эрдинг ўзинг, қоши камон, юракдаги сарви равон,  
Яратганнинг амри билан боқди кулиб менга дар

Бебаҳодур бугун дунё, ҳар гули кўзга тўтиё,  
Тўймасман ҳусни олинга дамда боқиб қиё-қиё.

Кечиб ҳаётинг роҳатда, хуррамликда, фароғатда,  
Эй, менинг сийминбаданам, танҳодурсан малоҳатда.

Қатъий қилиб аҳдимни мен, айлаб мурод тахтимни мен  
Янглишмадим юлдузим деб, сендан топдим бахтимни ме

Ошиқ Эркин шод сен билан, ишқи ҳам обод сен билан,  
Фаровондур умри унинг, тенгсиз паризод, сен билан.

Кўнглимдаги гул сен эдинг, сочлари сунбул сен эдинг,  
Икки юракни бир қилиб сайратган булбул сен эдинг.

18.09.99





## СИЗ БОР УЧУН

Кечмоқдадур умрим менинг нури қаҳкашон ичра,  
Сиз бор учун, азизим, бу мулки жаҳон ичра.

Ардоқдадур ҳаётим нури дурахшон ичра,  
Бир малҳами жондурсиз жисмимдаги жон ичра.

Келдим дуч ганимларга одимда бўстон ичра,  
Кулф урмиш гул тикансиз қайси гулистон ичра.

Оллоҳга ташаккурлар, кечар умрим шон ичра,  
Сиз бор учун, азизим, бу мулки жаҳон ичра.

Кечмоқда умр шодон нур ичра, раҳшон ичра,  
Садоқат деб аталган тенгсиз армуғон ичра.

Ўтмоқда, Ошиқ Эркин, умрим нурафшон ичра,  
Ардоқли муҳаббатда, жоним, дурафшон ичра.

18.09.99





## ИШҚИНГ ИЛА МАСТМА

Ишқинг ила мастман, эй ёри қадрдон,  
Лаълинг сени жонбахш, ғамзанг офатижон.

Булбулдек беозор, эркам, менинг кўнглим,  
Айламагил асло кўнглимни мени қон.

То гулзор аро юз очдинг, эй паризод,  
Яйраб кўрай унда қадингни хиромон.

Гулдай файзиёб эт лутфу карамингни,  
Марҳаматингни ҳам айлагил фаровон.

Пинҳон сенинг ишқинг кўнглимнинг ичинда,  
Қилгил бад назардан ишқим сен-да пинҳон.

Тўймас, Ошиқ Эркин, хуснингга, маликам,  
Лутфинг сени ширин, бўсанг роҳатижон.

20.09.99





## КЎНГЛИМ

Тушди менинг моҳлар моҳига кўнглим,  
Патофат аҳлининг шоҳига кўнглим.

Голмай васлига жон чекди фарёд,  
Чидай билмади, оҳ, оҳига кўнглим.

Йўлимда чоҳ қазган экан рақиблар,  
Чап берди рақиблар чоҳига кўнглим.

Бебаҳо бир севги кўнглимдаги мулк,  
Учмади давроннинг жоҳига кўнглим.

Садқа ишқ йўлига жону жаҳоним,  
Содиқдир муҳаббат роҳига кўнглим.

Ошиқ Эркин, ризодурман умрдан,  
Тушди гўзалларнинг шоҳига кўнглим.

20.09.99





## МУМТОЗ ЭТАЙ

Арзи ҳолимни сенга оғоз этай,  
Дилдаги ишқим баёнин роз этай.

Севги бирла кўнглимизни яшнатиб,  
Бир умрга, севгилим, мумтоз этай.

Қолдириб ҳайратлар ичра ҳаммани  
Тўтию булбулларга ҳамроз этай.

Лайлию Ширинни хизматда қўйиб,  
Ҳуру филмонлар каби эъзоз этай.

Ҳар кеча тонглар қадар ором олиб,  
Базминг ичра хуш наволар соз этай.

Тилга тушган мен-да бир “лазги”чиман,  
Чарх уриб тегрангда, хоҳла, боз этай.

Кўргазурман кўп меҳр, бир бор десанг:  
“Ошиқ Эркинга ситамни оз этай”.

*01.10.99*





## ЎЛДИРИБ ДИНЖОҚМИСАН

Ҳаддан оширдинг ситамни, ўлдириб динжоқмисан,  
Ҳасратингда бўлғонимча бўлдириб динжоқмисан.

Яшнаган бир гул эдим ҳайрона ишқ бўстонида,  
Тарк этиб мастона меҳринг, сўлдириб динжоқмисан.

Ишқ-муҳаббат шавқига тўймай туриб, кўнглим уйин  
Ҳам алам, ҳам ғуссаларга тўлдириб динжоқмисан.

Қийнабон ҳажринг ўтида, ўз-ўзимга Лайлидек  
Сочларим торини бир-бир юлдириб динжоқмисан.

Ақлу ҳушимдан мени айлаб қўйиб бегоналар,  
Кўча-қўйларда саросар қулдириб динжоқмисан.

Ўзи беш кунлик бу очун, эркам, фурсатдан бурун  
Ўтларингда бўлганимча бўлдириб динжоқмисан.

Васлингга етказмайин, ғамларни ҳаддан ошириб,  
Ошиқ Эркинни, муҳаббат, ўлдириб динжоқмисан?

02.10.99



---



## ЭНДИ МЕНДАН ҚУТУЛМАЙСИЗ

Қаердан ҳам тушди кўзим, чарақлаб чиққан юлдузим,  
Балки кўндингиз бахт бўлиб ёлғиз бошимга, кундузим.  
Ошиқ Эркин одим мени, сизда энди ёдим мени.  
Энди сизга битта шартим: ўзгага қўл тутқазмайсиз,  
Хўп денг, асло ютқазмайсиз, хоразмча десам агар  
Бикам, зинҳор утулмайсиз, энди мендан қутулмайсиз.

Сочларингизга бойланай, кўнглингиз ичра жойланай,  
Жоним, сизни йўлиқтирган худойдан минг бор айланай.  
Ошиқ Эркин одим мени, сизда энди ёдим мени.  
Энди сизга битта шартим: ўзгага қўл тутқазмайсиз,  
Хўп денг, асло ютқазмайсиз, хоразмча десам агар  
Бикам, зинҳор утулмайсиз, энди мендан қутулмайсиз.

Сой бўйида турган эдим, сизни тушда кўрган эдим,  
Шундан буён ишқингизда, эркам, ёниб юрган эдим.  
Ошиқ Эркин одим мени, сизда энди ёдим мени.  
Энди сизга битта шартим: ўзгага қўл тутқазмайсиз,  
Хўп денг, асло ютқазмайсиз, хоразмча десам агар  
Бикам, зинҳор утулмайсиз, энди мендан қутулмайсиз.

Ардоқли дилдорим бўлинг, менинг эрка ёрим бўлинг,  
Садоқатли муҳаббатда ҳам номус, ҳам орим бўлинг.  
Ошиқ Эркин одим мени, сизда энди ёдим мени.  
Энди сизга битта шартим: ўзгага қўл тутқазмайсиз,  
Хўп денг, асло ютқазмайсиз, хоразмча десам агар  
Бикам, зинҳор утулмайсиз, энди мендан қутулмайсиз.

02.10.99



## КҮНГИЛ БЕРМАНГ МАЛАККА

Хуснига учиб асло берманг кўнгил малакка,  
Аҳли малоҳатлардан етар озор юракка.

Вафодан узоқдурлар ҳурлар, малаксиймолар,  
Соҳиби хусн борки, ўтлар солар фалакка.

Олис юргил, биродар, ишқда дилраболардан,  
Муҳаббатда қучиб шон, етай десанг тилакка.

Тиллою жавоҳирга ўлгудай ўч гўзаллар,  
Кўп кўрдим — хусн аҳли тўймас тилло зиракка.

Элга аён азалдан: жавоҳирга ҳирс кўйган  
Ўйланмай кўяр бошин ҳар қандайин билакка.

Вафо бирла гўзалдир меҳр ҳам, муҳаббат ҳам,  
Кимки узоқ вафодан — осон тушар етакка.

Гар ишқда ҳасратлашмоқ истаса ким, йўлиқсин  
Шоир Ошиқ Эркиндек ишқда жони ҳалакка.

4.10.99





## СЕН БИРЛА ҚИЛСАМ САЙРОН

Эркам, мендан олдинг жон, бериб бир коса айрон,  
Жону жаҳоним энди бўйингга сени қурбон,  
Бебаҳо малақдурсан, нур сочиб турган жоно,  
Сен бирла қилсам, жайрон, гулгун чаманда сайрон,  
Бўлиб диллари вайрон, ағёрлар қолар ҳайрон.

Андоза олса арзир сендан кўкда тўлин ой,  
Бахтим кулиб мисли ой, бошимга қўнган ҳумой,  
Ҳам ибо, ҳам ҳаёга, жаннат каби кўркка бой,  
Сен бирла қилсам, жонон, гулгун чаманда сайрон,  
Зор қараб изимиздан, ағёрлар қолар ҳайрон.

Сенинг каби дилбар йўқ бевафо бу дунёда,  
Бахтимга менинг бўлсин умринг сени зиёда,  
Санамлар хонидурсан тамомий Осиёда,  
Сен бирла қилсам, жоно, гулгун чаманда сайрон,  
Бўлиб диллари вайрон, ағёрлар қолар ҳайрон.

Бир умрга қўлларинг бер манго, гулираёно,  
Сен бирла Ошиқ Эркин умри бўлар сермаёно,  
Наққошларингга дерман, маҳвашо, минг тасанно,  
Сен бирла қилсам, жайрон, гулгун чаманда сайрон,  
Рашк ўтинда тўлғаниб, ағёрлар қолар ҳайрон.

10.10.99





## ОҒЗИМГА ТЎЛАР ШАРБАТ

Не сир бу, не синоат, маҳвашо, бу не ҳикмат:  
Лаълингни нўш этарда оғзимга тўлар шарбат.

Ҳар гал бир ўпганимда қирмиз лабларинг, эркам,  
Бахш этар янги илҳом, бахш этар кучу рағбат.

Дунё ғаму ҳасратин даф этармиз диллардан,  
Лабларни қўйиб лабга, ўпсак навбатма-навбат.

Тўтиёдур кўзимга бўса олар чоғ дунё,  
Бўлғайму муҳаббатда бундан ҳам гўзал ҳайрат.

Ширинликда, нигорим, қилиб бўлмағай асло  
Бўсаларинг шавқини қанду асалга нисбат.

Бир бўса хумор этсам лаблардан, Ошиқ Эркин,  
Белу билакларимда тошар мавж уриб ғайрат.

17.10.99





## КҮНГИЛ НАВОДАН ҚОЛМАСИН

Бахти кулган замонимда, дориломон давронимда,  
Гулларга кон маконимда юраклар куйлаб толмасин,  
Шундай навобахш диёрда ҳеч ким наводан қолмасин.

Зор талпиниб ҳурриятга, етдик орзу, ҳур ниётга,  
Қўл бердик абадиятга — нечун дил наво чалмасин,  
Иқболи кулган юртимда юраклар куйлаб толмасин.

Боқий менинг садоқатим, диёримга муҳаббатим,  
Зиёда иззат-ҳурматим, юртим тўй бериб ҳормасин,  
Довруғи дoston элимда ҳеч ким наводан қолмасин.

Жоним фидо шул Ватанга, тупроғи зар, гул Ватанга,  
Адолатли, ҳур Ватанга душман бад назар солмасин,  
Шундай оромижон элда булбуллар куйлаб толмасин.

Кўз тегмасин жамолига, кўркам қадду камолига,  
Етдик лаззатли болига, мадҳин куйлаб дил толмасин,  
Ҳур элимда, Ошиқ Эркин, ҳеч ким наводан қолмасин.

24.10.99





## ИБИ-ИБИ

Муҳаббат ёшина етиб, иби-иби,  
Лол этди ёр шайдо этиб, иби-иби.

Париман деб осмондадур димоғлари,  
Юлдуз санар ўздан кетиб, иби-иби.

Мафтун этар дурғон сойи жамолига,  
Кўчамиздан кунда ўтиб, иби-иби.

Сой бўйинда хаёл сулар дил берганим,  
Ё бошқани ҳайрон кутиб, иби-иби.

Кўкларда ул наҳот ўзга севгисининг  
Риштасини маҳкам тутиб, иби-иби.

Юрмоқдадур нозик-ниҳол илинжида  
Ошиқ Эркин хунлар ютиб, иби-иби.

25.10.99





## БИР КЕЧА

Бўлса гар дилдора меҳмон бир кеча,  
Бўлғай эрди бошим осмон бир кеча.

Айласа тутмай дариг меҳрини бахш,  
Кўрғазиб лутф ила эҳсон бир кеча.

Тушмас эрди ерга осмон узилиб,  
Олса кўнглим шўху хандон бир кеча.

Кўймас эрди бир умр оғушидан  
Бўлса оғушимда ҳайрон бир кеча.

Шаънини дoston этарман, айласам  
Севги боғин бирга сайрон бир кеча.

Айлағайман ёлбориб изҳори ишқ,  
Айлабон меҳримни чандон бир кеча.

Минг кечамас, Ошиқ Эркин, бир кеча,  
Қилса бас кўнглимни осмон бир кеча.

1.11.99





## ҲАЙРАТЛАНАР

Ҳусни олинга, париваш, боқса ким ҳайратланар,  
Тўлганиб ишқинг ўтида ўртанар, ғайратланар.

Тушса кўз қадди камолинг қийнагай ҳар кимни ҳам,  
Ҳам кечиб ўздин, висол орзусида лаззатланар.

Сенга меҳри кетса ким, яйраб хаёлот кўкида  
Шавқ олар лаълингдин-у меҳринг билан рағбатланар.

Ким чекинмас эрса гар меҳру вафодан бир умр,  
Аҳли ишқ ичра билинг, ул бир умр ҳурматланар.

Ҳам сенинг ширин тилу донолигингни билса ким,  
Васлингга етсам дея борган сари шиддатланар.

Ошиқ Эркиннинг сенга ишқи тамоман ўзгача,  
Завқ олиб ҳуснингдин ул то жони бор – роҳатланар.

2.11.99





## ЯХШИ-ДА

Сарви санам, бўйинга садқа бўлай, яхши-да,  
Гулдек ранги-рўйинга садқа бўлай, яхши-да.

Товон ўпар сочларинг риштасидур жонимни,  
Ҳар зулфу ҳар мўйинга садқа бўлай, яхши-да.

Ширин-ширин хаёллар гар сурсанг мани ўйлаб,  
Ширин санинг ўйинга садқа бўлай, яхши-да.

Таралар мушки анбар гулгун баданларингдан,  
Анбар сенинг бўйинга садқа бўлай, яхши-да.

Қилма булут юзингни изҳор этар чоғ ишқим,  
Маҳвашо, тунд хўйинга садқа бўлай, яхши-да.

Васлингни, Ошиқ Эркин, ўлгудайин хумори,  
Шамшод сенинг бўйинга садқа бўлай, яхши-да.

2.11.99





## ҲАЙРОНИНГ ҶЗИМ БЎЛСАМ

Маҳваш, садоқатингдан ҳайронинг ўзим бўлсам,  
Жонимни қилиб садқа, султонинг ўзим бўлсам.

Ишқимни қилиб изҳор, тонглам отгунча ҳар шом  
Кўнглингдаги энг азиз меҳмонинг ўзим бўлсам.

Бахш айласам борлигим бир умр сенингман деб,  
Ҳам содиқ қадрдонинг, ҳам жонинг ўзим бўлсам.

Меҳру муҳаббатингдан рўёбга чиқса комим,  
Ишқ ичра бахтиёринг, комронинг ўзим бўлсам.

Нурафшон бўлса дейман ишқимдан сенинг кўнглинг,  
Йўлчи юлдузинг — меҳри рахшонинг ўзим бўлсам.

Сени деб шоду хандон хизматга боғладим бел,  
Маҳшаргача хуршиди тобонинг ўзим бўлсам.

Ошиқ Эркинга, жоним, малҳами жондур ишқинг,  
Ҳам жонинг ўзим бўлсам, султонинг ўзим бўлсам.

2.11.99





## ЎЛДИРДИНГИЗ

Дилдор, мени шайдо этиб ўлдирдингиз,  
Кўнглимда ишқ пайдо этиб ўлдирдингиз.

Шундан буён юрак-бағрим вайрон менинг,  
Сиз уни сувайдо этиб ўлдирдингиз.

Сигмай борар ишқ шаҳрина андуҳларим,  
Сиз уни ҳувайдо этиб ўлдирдингиз.

Меҳрингизни дариф тутиб, дири ёқиб,  
Ишқингизда адо этиб ўлдирдингиз.

Эркам, мени, ҳойнаҳой, бир дуо бирла  
Жодулаб, бир бало этиб ўлдирдингиз.

Ошиқ Эркинни сиз муҳаббат дардина  
Ўлгунча мубтало этиб ўлдирдингиз.

7.11.99



---

## ЯЙРАТИБ ЮРИБМАН ИШҚ БИРЛА ҶЗНИ

Бир умр юракдан кетмас муҳаббат,  
Мени ўлгунча тарк этмас муҳаббат,  
Бевафолар қўлин тутмас муҳаббат,  
То бор ҳаёт — ёлғиз ўтмас муҳаббат.  
Париваш юзларга тошлабон кўзни,  
Яйратиб юрибман ишқ бирла ўзни.

Жононлар бор экан — қаримас севги,  
Юз ёшда ҳам дилдан аримас севги,  
Жўшқин юраклардан наримас севги,  
Ошиқларни айлар мудом маст севги.  
Пари-пайкарларга тошлабон кўзни,  
Овутиб юрибман ишқ бирла ўзни.

Тортмаса ҳаёлинг, сочлари сунбул,  
Кўнгил тўла севги деганинг бир пул,  
Ким бўлса ҳаётда ишқ бирла машғул,  
Сайрар юрагингда чарх уриб булбул.  
Париваш қизларга тошлабон кўзни,  
Яйратиб юрибман ишқ бирла ўзни.

Севги бирла гўзал умринг, ҳаётинг,  
Ишқ бирла янграгай кўшиқ, баётинг,  
Муҳаббатдур, Ошиқ Эркин, қанотинг,  
Муҳаббатни куйлаб, машҳурдир отинг.  
Жононларга яйраб тошлабон кўзни,  
Ёшартиб юрибман ишқ бирла ўзни.



## ИШҚИМДА МЕНИ ГАРД ЙЎҚ.

Ишғол этиб юракни, ақлимни қилган ҳайрон,  
Ишқимда мени гард йўқ, ҳуснингда сени нуқсон.

Шайдойи қулингдурман лаълингга меҳри тушган,  
Айла бу ғарибингга ул лаъли лабинг эҳсон.

Сен бир малаксиймосан, мен эрса интизоринг,  
Чин дилдан севишганга асло ярашмас ҳижрон.

Кўрган эмас, дилором, ман-ман деган ошиқ ҳам  
Севги шаҳринда сендек икки ёноғи рахшон.

Кўксим тўла ишқ мени ёлғиз сенга аталган,  
Сен бор учун фараҳбахш, гўзал бу даври даврон.

Таъзимда Ошиқ Эркин кўрқда сенга тенг йўқ деб,  
Жоно, тилим кесилсин сўзимда бўлса ёлғон.

12.11.99





## ЛАЪЛИ АСАЛИМ, ҚАНДИМ

Бахтим, фароғатимдир, нури ҳидоятимдир.  
Кўрқда бағоятимдир лаъли асалим, қандим,  
Ул менинг шакархандим.

Осмондаги юлдузим, анҳорларда қундузим,  
Қуралай, қора кўзим лаъли шарбатим, қандим,  
Ул менинг шакархандим.

Бўйни тўла дур-маржон, бўйига бўлай қурбон,  
Хандон кулиб олар жон, шарбатим, асал, қандим,  
Ул лаъли шакархандим.

Қаҳқаҳаси шалола, қошлари ёй, ҳилола,  
Кўксимда битган лола, шарбатим, асал, қандим,  
Ул лаъли шакархандим.

Минг қизга баробардур, алвон гул — санобардур,  
Ҳурлардан ҳам лобардур меҳри дилимга бандим,  
Ул лаъли шакархандим.

Гўзалликда бебаҳо, кўрки — одоб ва ҳаё,  
Ҳурилиқо, махлиқо лаъли болим, гулқандим,  
Ул менинг шакархандим.

Куйлаб қўшиқ, назмда, Ошиқ Эркин таъзимда,  
Машҳурдир Хоразмда менинг асалим, қандим,  
Ул лаъли шакархандим.

15.11.99



## ЭЙ ҚОРАҚОШ, ҚУНДУЗ СОЧ

Эй қорақош, қуруз соч, сочларинг қулоч-қулоч,  
Оғанг келди, бағринг оч, юрақүй, сайр этали,  
Меҳрга зор дилларни булбулдек сайратали.

Соғиниб ҳар шом, ҳар рӯз, йўлингда тўрт эрди кўз,  
Лутфи новвот, ширин сўз, юрақүй, сайр этали,  
Бир-биримизга яйраб юракни хайр этали.

Бўлиб тоқатимиз тоқ, бир-бирга эдик муштоқ,  
Токай юрамиз бундоқ, юрақүй, сайр этали,  
Ишқа ташна дилларни булбулдек сайратали.

Жоним, олам ҳеч маҳал бўлмаган бундай гўзал,  
Борми сендан ҳам асал, юрақүй, сайр этали,  
Ишқ тўла юракларни булбулдек сайратали.

Сўнмас фасл муҳаббат, дийдор, васл муҳаббат,  
Қандай асл муҳаббат, юрақүй, сайр этали,  
Муштоқдур Ошиқ Эркин, дилларни яйратали.

16.11.99





## БИЛАР

Ёр қадрин ёр дебон, девона бўлганлар билар,  
Ақлу ҳушдан айрилиб, бегона бўлганлар билар.

Бебаҳо неъматдур ишқ, доми унинг роҳатижон,  
Роҳатини яйрабон ҳайрона бўлганлар билар.

Ёрнинг жабри асал, озорлари – жон малҳами,  
Шавқини дилдор ила ҳамхона бўлганлар билар.

Айласа маҳваш ситам, айлаш керак сабру чидам,  
Тоғ каби ғам завқини ғамхона бўлганлар билар.

Бўлса-да ёр ғамзасоз, ардоқлидур бошда мудом,  
Бундайин ардоқни ҳам жонона бўлганлар билар.

Дўстларим, меҳру вафо тахти Сулаймон эрканин  
Ишқ-муҳаббат мулкида дурдона бўлганлар билар.

Бул ҳаёт жаннат эрур, оташин ишқ – меваси,  
Ошиқ Эркиндек буни афсона бўлганлар билар.

18.11.99





## ГАЛ, ГАЛАҚҮЙ

Оғагинангни дилбари, тўтитакаллум бир пари,  
Қадди-бўйинг кўрсин аканг, гал, галақўй, галай бари,  
Воҳай, шу қизни нозиннан, кўз ўйнатар пардозиннан.

Оғагинангни ҳулқари, жонгинамни сийминтари,  
Озорларинг бош устина, гал, галақўй, галай бари.  
Воҳай, шу қизни сасиннан, жон олувчи жилвасиннан.

Оғагинанги гавҳари ишқ оламин сийму зари,  
Галай, бағрима босайин, гал, галақўй, галай бари.  
Воҳай, шу қизни бўйиннан, жаннатий ранги-рўйиннан.  
Ўзим санинг дардинг олай, гал, галақўй, галай, галай.

Оламни кўзга қилма тор, оғагинанг йўлинга зор,  
Очун сенингдек кўрмаган тўтитакаллум сара ёр.  
Саннан аканг, дардинг олай, гал, галақўй, галай, галай.

Ошиқ Эркиннинг дилбари, тўтитакаллум бир пари,  
Қадди-бўйингни бир кўрай, гал, галақўй, галай бари.  
Воҳай, шу қизни нозиннан, ақлимни олган бозиннан,  
Оғасини Мажнун этган ёниб турган пардозиннан.

Тахёларни шанггирдатиб, ўзни ҳар ён ланггирдатиб,  
Гал, галақўй, галай бари, Ошиқ Эркиннинг пайкари.  
Ишқ оламин сийминтари, гал, галақўй, галай бари.  
Тўтитакаллум эй пари, гал, галақўй, галай бари.

20.11.99

---

## ЎТСАМ АГАР ИШҚ ҲИНАШИБ

Бахтиёрдур ҳар киши ўтса агар ишқ ўйнашиб,  
Ишқа ўч бу дун аро шому саҳар ишқ ўйнашиб.

Аҳли ошиқ ўйламас бул ишни не кечгай сўнги,  
Ҳар тараф жавлон этар боғлаб камар, ишқ ўйнашиб.

Бевафо ўткинчидан ишқ ўйнашиб ўтмоқ керак,  
Топмасанг бас чарх уриб бир дардисар ишқ ўйнашиб.

Байтулаҳзон бу шаҳарда топмагай шону шараф,  
Юрса ким гар кўча-кўйда дарбадар ишқ ўйнашиб.

Кимда-ким меҳру вафо тахтин агар қилмас писанд,  
Оқибат бўлгай, билинг, зеру забар ишқ ўйнашиб.

Бил, Сулаймон тахтига етганлигинг бахтинг кулиб,  
Маҳлиқойинг лаълидан ичсанг шакар ишқ ўйнашиб.

Этмаса тарк бир умр дилни муҳаббат ёлқини,  
Не гўзал иқбол эрур топсанг самар ишқ ўйнашиб.

Элу юртга бахш этиб аввал меҳр поклик билан,  
Хуррам айланг умрингиз имкон қадар ишқ ўйнашиб.

Дилга олмаслик учун серғалва дунё ҳасратин,  
Яйрамоқ лозим юракдан ҳар сафар ишқ ўйнашиб.

Ошиқ Эркиндан сўранг, жонон муҳаббат шавқин, ул  
Ишқ-муҳаббат пиридур шому саҳар ишқ ўйнашиб.

19.11.99



## ОСМОН ЭТИБ БОШГИНАМНИ

Осмон этиб бошгинамни, асра омон ёшгинамни,  
Инсоф бериб юмшат ўзинг юрак-бағри тошгинамни.

Етайин деб жамолига, гулдек қадди камолига,  
Тикиб қўйганман йўлига ўлгунимча бошгинамни. .

Гурлаб ёниб ишқ ўтинда кулга дўнди жисму таним,  
Душманнинг ҳам раҳми келар кўрса ичу тошгинамни.

Тўлганиб гулхан ичинда ортиб борар меҳрим чунон,  
Куйган сойи жондин сўйиб нозли қаламқошгинамни.

Кимга бориб дод айлайин, бўлди адо сабрим мени,  
Қилмоқ бўлурми бунчалар имтиҳон бардошгинамни.

Меҳру мурувват кўрсатиб мен ғарибга раҳм айласин,  
Инсоф бер қўнглига ўзинг, худойим, сирдошгинамни.

Ошиқ Эркин илтижосин даргоҳингда айлаб қабул,  
Осмон этиб бошгинамни, асра омон ёшгинамни.

19.11.99





## ИШОНМАЙМАН

Жоним, сизни вафоли ёр бўларсиз деб,  
Кўнглимдаги ошиғи зор бўларсиз деб,  
Қатордаги суюкли нор бўларсиз деб  
Ишонмайман, ишонмайман, ишонмайман.

Чин севгидан нишона йўқ сўзингизда,  
Ёлғон-ёшиқ шундоқ аён кўзингизда,  
Айёрликнинг акси бисёр юзингизда,  
Сизга асло ишонмайман, ишонмайман.

Сезмоқдаман, ёрингиз бор — яширяпсиз,  
Алдаш билан баҳонгизни оширяпсиз,  
Ваъдаларни қоплаб бериб шоширяпсиз,  
Бу гапларга ишонмайман, ишонмайман.

Ўлдим-қолдим деган гапларингиз ёлғон,  
Соя бўлманг изимда, қўйинг, оғажон,  
Яхши йигит, ўлсам ҳам сизга ҳеч қачон  
Ишонмайман, ишонмайман, ишонмайман.

Муҳаббатга доғ туширмоқ катта гуноҳ,  
Алданган неча қиз-жувон бунга гувоҳ,  
Беҳудага қилиб юрманг ёлғон оҳ-воҳ,  
Севгингизга ишонмайман, ишонмайман.

Ҳеч ким ишонмайди қуруқ оҳ-воҳларга,  
Мен-ку асло илинмайман тузоқларга,  
Садоқатда донғим кетар узоқларга,  
Сизга эса ишонмайман, ишонмайман.

Авраманг, чалғитманг, қўйинг, ишонмайман.  
Бошимни оғритманг, қўйинг, ишонмайман,  
Ишонмайман, ишонмайман, ишонмайман,  
Авряпсиз, сизга асло ишонмайман,  
Ишонмайман, ишонмайман, ишонмайман.

19.11.99





## ГАЛСА ГАЛАР БИР ГАЛАР

Дунёга сендек гўзал галса галар бир галар,  
Таърифи шеъру газал галса галар бир галар.

Оламда санго данг йўқ, ўхшашинг ҳам топилмас,  
Лаблари лаълу асал галса галар бир галар.

Айлаб кушод, севгилим, меҳр бирла мушкулим,  
То маҳшар қилгувчи ҳал галса галар бир галар.

Дилбар қайда санингдек, менг кўрмадим менгингдек,  
Бахтим йўлида машъал галса галар бир галар.

Йўлингда сани зорман, сунбул сочлара борман,  
Кокиллари мусалсал галса галар бир галар.

То ангақда жони бор сени дер Ошиқ Эркин,  
Дунёга сан каби лаъл галса галар бир галар.

3.12.99



---

## МАНГО НА БЎЛАВАРДИ?

Кўриб сени дилором, тарк этди дилни ором,  
Хуснинга айладинг ром, манго на бўлаварди.

Шундан буён ақлим лол, бошгинамда минг хаёл,  
Қийнаб қўйди бир савол: манго на бўлаварди.

Тинмай айланар бошим, оташдур ичу тошим,  
Бир жойга бориб ёшим манго на бўлаварди.

Ҳаловат тилар кўнглим, ҳам роҳат тилар кўнглим,  
Фароғат тилар кўнглим, манго на бўлаварди.

Минг офарин наслига, гулгун баҳор фаслинга,  
Зор талпиниб васлинга манго на бўлаварди.

Найларман энди гизлаб, юрибман сани излаб,  
Душимда сани “сиз”лаб манго на бўлаварди.

Жавлон уриб тинмайин, севишимни қўймайин,  
Дийдоринга дўймайин манго на бўлаварди.

Оҳ уриб ўқтин-ўқтин, дамда олар оғир тин,  
Шайдойи Ошиқ Эркин, санго на бўлаварди.

Кўриб сени дилором, тарк этди дилни ором,  
Хуснинга айладинг ром, манго на бўлаварди.

4.12.99



## БИРАМ РОҲАТ, БИРАМ РОҲАТ

Айладим чарх уриб шодон, бўлиб ҳар уйда бир меҳмон,  
Диёрим бағрини сайрон, бирам роҳат, бирам роҳат.

Чиройи мисли дур, маржон, истиқлолдан масрур ҳар жон,  
Дастурхонлар тўла ширнон, бирам роҳат, бирам роҳат.

Нур қўйнида яйрар пойтахт, адолат тарар тожу тахт,  
Кўрмаган элим бундай бахт, бирам роҳат, бирам роҳат.

Хушҳаво Сирнинг бўйлари, авжинда ҳар кун тўйлари,  
Эрка хизматдур ўйлари, бирам роҳат, бирам роҳат.

Гулистон, Жиззах, Самарқанд, ким борса баҳам кўрар қанд.  
Ҳамма бир-бирга жигарбанд, бирам роҳат, бирам роҳат.

Жаннат қўйнинда Навоий, ҳар чўпи дардга давойи,  
Зиё сочар ҳатто ойи, бирам роҳат, бирам роҳат.

Минг шаҳар бор, ким билмагай, Бухорога тенг келмагай,  
Аҳли меҳмондўст — ўлмагай, бирам роҳат, бирам роҳат.

Жанубда Сурхону Қашқа, дўстга хизматда бир бошқа,  
Меҳмонин кўтаргай бошга, бирам роҳат, бирам роҳат.

Жон дўстидир қорақалпоқ, бағри тоза, кўнгли оппоқ,  
Ҳуррият боис хушчақчақ, бирам роҳат, бирам роҳат.

Жайхун оғушинда азим, ҳар кун қилиб тўю базм,  
Мисли жаннатдур Хоразм, бирам роҳат, бирам роҳат.

Сайроналар қилиб мастман, бағрин кезмоқни қўймасман,  
Чиройига ҳеч тўймасман, бирам роҳат, бирам роҳат.

Ошиқ Эркин, ҳур давроним, истиқдолга фидо жоним,  
Қучоғинг, Ўзбекистоним, бирам роҳат, бирам роҳат.

7.12.99





## БЎЛМАСА

Найлайин боғ сайрини ёнимда дилдор бўлмаса,  
Турфа гулдин ҳам гўзал, нозикбадан ёр бўлмаса.

Бўлмаса ёнингда ёр орому шавқ қайдин бўлур,  
Бермас ҳаз сайру чаман қошингда гулнор бўлмаса.

Қайдин ҳам берсин ҳаловот инжа гул гулшан аро,  
Боғга бергувчи ҳусн сарви гулузор бўлмаса.

Қанча сайр этган билан кетмас ахир дилдан ғубор,  
Дўстгинам, ёнингда бир лаъли беғубор бўлмаса.

Бўлса боғ деворсиз, бул боғни ким ҳам боғ дегай,  
Мевасин ўғри урар боғингда девор бўлмаса.

Ошиқ Эрқин, бевафо севгини сен севги дема,  
Жоним шу деб дил берганинг сенга гирифтор бўлмаса.

17.12.99





---

## МАСТОНА СЕВСАМ ҲАМКИ...

Мастона севсам ҳамки оғзимдан келиб қонлар,  
На ўлган-қотганимга парво қилар жононлар.

Менингдек неча бирни хор этган муҳаббат бу,  
Топилмас ишқда кўнгул бергувчи мусулмонлар.

Ҳажринда чекарман оҳ, кўкларга қилиб нола,  
Бахтимни шўрлигидан дамда қолиб ҳайронлар.

Айладим кўзларимга тўтиё босган изин,  
Чангларин қилиб ҳатто сурмаи сулаймонлар.

Ўтиб бормоқда бефайз аини муҳаббат ёши,  
Қилмадик иккимиз бир осмонларда сайронлар.

Дилларни бирга қўшмоқ қонуни яратганнинг,  
Наҳот ахир соғинмас жайронини жайронлар.

Жиндайн мурувват қил меҳринг бахш этиб дилга,  
Ишқинг тўла юракда тош қотмасин армонлар.

Мавж урмоқда Амудек Ошиқ Эркин юраги,  
Йил яхши келиб кузда тошган каби хирмонлар.

22.12.99





## МАНИ ИШҚИМ

Найлай, ногаҳон тушди бир ёра мани ишқим,  
Дилдора мани ишқим,  
Тушдинг севги домига, на чора манинг ишқим,  
Бечора мани ишқим.

Бир бора нигоҳ ташлаб васлини қули бўлдим,  
Васлини қули бўлдим,  
Энди ишқи йўлинда оввора мани ишқим,  
Фаввора мани ишқим.

Юз очди чаман менга, тушгач кўзим ул менгга,  
Шайдоси эрур энди,  
Минг бора мани ишқим, ул нора мани ишқим,  
Гулнора мани ишқим.

Билмамки, бу ҳайратми, ё нозли муҳаббатми,  
Боғланди дилим маҳкам,  
Чил тора мани ишқим, ҳушёра мани ишқим,  
Хуштора мани ишқим.

Бошдан бари ҳуш учди, боқдию ёмон тушди  
Гулнора мани ишқим, дилпора мани ишқим,  
Минг пора мани ишқим.

Қувон, Ошиқ Эркин сан, ён,ён Ошиқ Эркин, сан,  
Тушди кеча бир оташ  
Рухсора мани ишқим, рафтора мани ишқим,  
Бечора мани ишқим.

22.10.2000

---

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Яйрагай жон бўлса ошиқнинг агар дилдори ёш,  
Ёш эса ёр ҳар юракда бор ҳавас бирла қарош,  
Қайда ҳам бўлмас ахир дуру жавоҳирлар талош,  
Зарра-зарра жисмим ўрнатди гамингдин, эй қуёш,  
Ваҳки, сендин бўлмади меҳру вафо бир зарра фош.

Нозанинсан мунча ҳам, нозикбадансан сар-басар,  
Сувратинг, жоним фидо, гар қайси бир наққош ясар,  
Дурсан эй, бошдин-оёқ ҳар ким сочар йўлингга зар,  
Ҳар неча қилсам вафо, сендин вафодин йўқ асар,  
Тош экин бағрингму ёхуд боғладинг бағрингга тош?

Не бало қайрилма қош бу, лаъли лаб, сержилва юз,  
Гулгун ёноқ, заррин сақоқ, ширин дудоқ, ҳам оҳу кўз,  
Эрмас одам наслидин ҳуснингга гар ким топса сўз,  
Кўз ёшим дурри яtimi қўйдилар йўлингда юз,  
Ваҳки, раҳминг йўқ оёқ остинда кўриб мунча бош.

Кипригинг лашкарлари тортишди саф ўлдиргали,  
Ваҳ, тутиб бир чеккадин кўксимни чок-чок тилгали,  
Шаҳд этиб ютдим юрак, келдим вафойинг билгали,  
Гар кенгаш бошлар кўнгул сайдини қурбон қилгали,  
Қошларинг ёси недур келтурдилар бир ерга бош?

Танлагонинг, Ошиқ Эркин, зарра ҳам қилмас раҳм,  
Не ажаб гар Арши аълога бориб етса оҳим,  
Не кетибдур ҳолатимни маҳвашо қилса фаҳм,  
Эй Навоий, жонга ул кўздин не етгай ғайри заҳм,  
Ўқу ё олдинда қўймиш хосса ул мужгону қош.

09.02.99



## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

То, париваш, айладинг кўксинг уза норингни банд,  
Завқ ила шавқига қилдинг дийдасин ёрингни банд,  
Менга васлинг эт нисор, қил жисмима борингни банд,  
Парда бирла қилмағил хуршид рухсорингни банд,  
Ғар десангким айлайн бу зарраи зорингни банд.

Хаста руҳим қилди шод мастона ишқ фасли баҳор,  
Гул жамолинг партави қилди дайрни лолазор,  
Жоно, гулзорингда сайр қилмоқни қилдим ихтиёр,  
Истабон кўрмак жамолинг тун-кун ўлмиш беқарор,  
Э пари, мажнун кўнгулга қилма дийдорингни банд.

Қучғали қаддинг сени — минг розиман — тинмай чопай,  
Кел, мурувват қилғил, эй, жонимни жонингга сопай,  
Келса базмингга рақиб, содиқ итинг янглиғ қопай,  
Сўз эшитиб лабларингдин тоза-тоза жон топай,  
Қилма, жонон, нуқтадан лаъли шакарборингни банд.

Бевафо бўлса агарким ишқда ким ҳам шон қучар,  
Чин муҳаббат офатидур қанча кўп бўлса учар,  
Ёлғиз Оллоҳнинг ўзи бизга кафан гулдан бичар,  
Кўзларингким раҳм қилмай дам-бадам қоним ичар,  
Айла бир тадбир ила бу икки хунхорингни банд.

Танти бағримда мени мастонавор, кел, ўйна-қул,  
Ўйларингга, лайливаш, яйраб сочарман турфа гул,  
Айладинг ҳурмат бажолаб, васлингга мен зорни қул,  
Ишқ куйига чу кирдинг, эмди қилма, э кўнгул,  
Ўзинга бу куй аро номус ила орингни банд.

Кел, насиҳат айлайин, қочгил меҳрда оладин,  
Юр мудом ишқда узоқ ағёр, муғомбир, воладин,  
Яхшига берсанг кўнгул кўзни тиярсан жоладин,  
Йўқ вафо бу боғ аро бир гулда, қилғил ноладин  
Булбули шайдо онинг шавқида минқорингни банд.

Тўхтамай чопгай базмингни эшитса аҳли ишқ,  
Инжа роҳатларга жазмингни эшитса аҳли ишқ,  
Ошиқ Эркин, ишқда азмингни эшитса аҳли ишқ,  
Огаҳий, дилсўз назмингни эшитса аҳли ишқ,  
Бўйнига таъвиздек айларлар ашъорингни банд.

30.07.99





## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Тошди меҳрим, гулбадан, қадди камолингни кўриб,  
Яшнаган ишқ боғида ошуфта ҳолингни кўриб,  
Икки қалдирғоч мисол қоши ҳилолингни кўриб,  
Жоним ўртанди сенинг ўтлуғ жамолингни кўриб,  
Кўнглим ичра тушди ўт рухсори олингни кўриб.

Энди васлингни тилаб ҳад билмагай ўртанмаким,  
Топмагай энди шифо аҳволима ҳеч бир ҳаким,  
Бўлмагай қадди сенингдек боғ аро гул экса ким,  
Исою Марьям не тонг сендин хижолат чексаким,  
Жон топар беморлар ширин зулолингни кўриб.

Бор экан – минг офарин, ишқ мулкида сендек қуёш,  
Не бало офати жонсан, не бало қайрилма қош,  
Қувнамас ким, дилбари бўлса агар ўн етти ёш,  
Жилва қилсанг бўстон ичра қўяр олдингда бош,  
Ажз ила сарви сиҳи наврас ниҳолингни кўриб.

Бир кўриб хуснингни ўт кетгай жунун дунёсига,  
Келгани ошиқни дуч тошқин кўнгул дарёсига,  
Ҳам муҳаббатли жаҳон зеболарин зебосига,  
Киргуси ҳуру пари девоналиғ саҳросига,  
Ишвау нозингнию, гунча далолингни кўриб.

Беш кетиб, кўксингга гуллар тоқмаса эрмас ажаб,  
Беҳуш айлаб жисму жонин ёқмаса эрмас ажаб,  
Ишқталаб қалбида чақмоқ чоқмаса эрмас ажаб,  
Шаккаристон сори тўти боқмаса эрмас ажаб,  
Шаҳддек лаълинг уза жонбахш болингни кўриб.

Термулиб гулгун жамолингга боқишган чоғлар,  
Ранг олур гулчеҳра чехрангдан чаманлар, боғлар,  
Лола гуллардин безанмиш ҳатто сўлу соғлар,  
Бўлди кўнглимда аён ишқинг ўтидан доғлар,  
Лола янглиғ юзда анбарбўй холингни кўриб.

Пора кўнглимни бериб, қолдим муҳаббат домида,  
Борму эрди ҳуш олувчи дори ё ишқ жомиди,  
Қилди ақлимдан жудо айни баҳор айёмида,  
Тоза жон топгимдурур беморлиғ ҳангомида,  
Ичсам илгингдин қадаҳ базми висолингни кўриб.

Қолмади бу хаста мухлисингда онг, э пири дайр,  
Кулмангиз урсам агар ҳар ёна бонг, э пири дайр,  
Кўрдиму маҳвашни бўлдим онго-тонг, э пири дайр,  
Жамлик этсам дайр куйида не тонг, э пири дайр,  
Соғинурман жоми Жам сингон сафолингни кўриб.

Ошиқ Эркин севги боғин лозазор айлар сенга,  
Воз кечиб ҳам хонумондан, йўқни бор айлар сенга,  
Қаҳратон қишларни ҳам фасли баҳор айлар сенга,  
Огаҳий жону жаҳон нақдин нисор айлар сенга,  
Руҳафзо лаълингу зебо жамолингни кўриб.

30.07.99





## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

Эй аҳли таъб, маҳвашни сиз чеҳраи олини кўринг  
Ҳам шаҳду шаккар тиллари, лабларда болни кўри  
Кўрку хаёлини кўринг, ишқда иболини кўринг,  
Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини кўринг,  
Меҳри жамоли устида икки ҳилолини кўринг.

Тўтитакаллум васфида ким сўз очар бўлса магар,  
Кам дер ул очун аро бундай фараҳбахш жилвагар,  
Қалдирғочдек икки ҳилол, икки мор каби зулфиза  
Икки ҳилолни кўриб, қонмаса меҳрингиз агар,  
Сафҳаи орази уза нуқтаи холини кўринг.

Кўрмай қолиб ҳуснин онинг армонда қолмас эрсанг  
Мажнун мисоли ўртаниб, гавғолар солмас эрсангиз,  
Юзда қаро холина кўз солмоқдин толмас эрсангиз,  
Нуқтаи холини кўриб, сабр эта олмас эрсангиз,  
Ҳусну жамоли боғида қадди ниҳолини кўринг.

Қадди ниҳоли жонингиз албатта қилгай беқарор,  
Солса нигоҳин унга ким, бўлгай аниқ мажнуншиор,  
Ҳам кўча-куйда оҳ уриб, кезар масту девонавор,  
Қадди ниҳолини кўриб, кўнглингиз этмаса қарор,  
Жон кўзи бирла боқибон лаъли зулолини кўринг.

Қийғоч қараш бирла қилар дилбар менинг ҳолим хароб,  
Жабрин унут айлай десам асло мадад бермас шароб,  
Аҳли саломат кўрмаган бундай ҳузурбахш лаълиноб,  
Лаъли зулолини кўриб, жонингиз этса изтироб  
Чораи ҳолингиз учун шаҳди мақолини кўринг.

Малҳами дил бўлолмагай ёр ила қийлу қолингиз,  
Роҳатидур жонларингиз лаъли лаби мазолингиз,  
Тишлари дур, мисоли хур, икки ёноғи олингиз,  
Шаҳди мақолини кўриб, топмаса чора ҳолингиз,  
Нуқтага лаб очар чоғу ғанжу далолини кўринг.

Нозу карашмадин агар топмаса завқу шавқ кўнгул,  
Оғуш ичра бағрингизга кетсин сингиб эрка сингил,  
Ором ила олур нафас Ошиқ Эркин енгил-енгил,  
Ғанжу далолини кўриб, истасангиз муроди дил,  
Оғаҳийдек қучиб белин, айши камолини кўринг.

31.07.99



---

## ОГАҲИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Бўлди маҳваш, найлайн хуммор мендин ўзгага,  
Зинҳор кўрсатмас эди дийдор мендин ўзгага,  
Тарк этиб ишқ, бермас ул озор мендин ўзгага,  
Ваҳки, айлаб лутфу эҳсон ёр мендин ўзгага,  
Айламас зулму ситам изҳор мендин ўзгага.

Шавқини бирга суриб ҳар дам муҳаббат фаслининг,  
Яхши деб бўлган эдим парвонаси мен наслининг,  
Қайдан ҳам бўлдим фидоси беқарор навраслининг,  
Заҳри ҳажрини берур ҳар дам менга, васлининг  
Нўшини инъом этар бисёр мендин ўзгага.

Пойига қилдим ҳисор неча гўзал гулдастани,  
Ёндиму қатлим учун ё ўзга ишқинда тани,  
Мендин афзал билдиму ағёр бир ақли бастанни,  
Куймасин кўнглим наянглиғким, қавиб ман хастани,  
Сухбатига йўл берур дилдор мендин ўзгага.

Бахтиёр эрдик туну кун бирга суҳбатлар қуриб,  
Дилрабо оғуш ичинда даври-давронлар суриб,  
Борму тахтли бўлгани аввалги ёрдин юз буриб,  
Булбул осо нолам эрмас тонгки хори ҳажр уруб,  
Жавр қилмас ул чаман рухсор мендин ўзгага.

Кам келар оламга, ростни, маҳвашимдек маҳлиқо,  
Ундайин дилдор учун қилсам савоб жонни фидо,  
Кўҳна бу очунда ким кўрган санамлардан вафо,  
Ваҳки, мендин ёрни бегона айлаб, ошино  
Айлади чархи ситам кирдор мендин ўзгага.

Куймагай ким ҳам нигори ўзгага қилса карам,  
Бемехр ёрни жафоси айлагай кўзларни нам,  
Айлагай даф ғамни дилдан заҳри қотил – жоми Жам,  
Олди жонимни ғами фурқат карам айлаб бу дам.  
Берма, соқий, май бурун зинҳор мендин ўзгага.

Топмас энди дардима ҳаргиз даво ҳеч бир ҳаким,  
Ошиқ Эркин, бесамар бул ҳақда сўз юргизмаким,  
Бўлган эрди ёрига, айт, токи маҳшар эга ким,  
Огаҳий, гар йиғласам тун-кун ажаб йўқ, негаким,  
Менга жавру лутф айлар ёр мендин ўзгага.

*17.10.99*





## ОГАҲИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Кўрсатиб, кўрсатмайин гоҳо тишинг,  
Эрта-кеч кулмақдир устимдан ишинг,  
Ўртамоққа йўқми ўзга бир кишинг,  
Солди ўт кўнглимга ўғрин боқишинг  
Олди жонимни қараб қош қоқишинг.

Демагил, маҳваш, мени ори йўқим,  
Ишқ-муҳаббатдан бўлак кори йўқим,  
Камтарин қулдан бўлак ёри йўқим,  
Қолмағай қулдан бўлак бору йўқим,  
Гар бу эрса ишва ўтин ёқишинг.

Ярқ этар боқсанг агар қалбимда нур,  
Жисму жоним чулғагай завқу сурур,  
Муддао асли менга сендек сулур,  
То абад йўқдир халосим, гар будур  
Бўйнима ишқинг камандин тоқишинг.

Ҳоли жонимни, гулим, айлаб фаҳм,  
Не бўлар мен хастага қилсанг раҳм,  
Заррача кўнглингни юмшатмас оҳим,  
Тийғи мужгонинг етурди жонга заҳм,  
Дуржи лабдин қони малҳам ёқишинг.

Ошиғингга мунчалар қилма жабр,  
Хуш ажаб мева эрур ишда сабр,  
Бўлса дардинг, кел, қулоғимга гапир,  
Хирмани умрим куяр андоғки абр,  
Гар бу эрса қаҳр барқин чоқишинг.

Лутф қилиб агёрга кўп, мен зорга оз,  
Ўйламайсан айламакни сарфароз,  
Айлагай, ё Раб, сенинг умринг дароз,  
Жавринг айёмин дегунг ошиққа ёз,  
Гар будур ёзинг, нечук оё қишинг.

Ҳасратинг бирла кечиб ёзу қишим,  
Менга кўнгил бергучи йўқ бир кишим,  
Қолмайин бормоқдадир ақлу ҳушим,  
Ғам чекарда битмади ёлғуз ишим,  
Дўстлар, ушбу ишимга боқишинг.

Сарвиқаддур маҳвашим, ёдур қоши,  
Ҳусни боис Арши аълода боши,  
Лаҳза-лаҳза оғритар отган тоши,  
Ер юзин тўфон олур, э кўз ёши,  
Тинмайин бир дам бу эрса оқишинг.

Ошиқ Эркин, иш сенга оний эмас,  
Оқил эрмас, ким малак жони эмас,  
Маҳвашинг ҳам севгинга монёъ эмас,  
Юз назарга ўзга бир қонёъ эмас,  
Огаҳийга басдурур бир боқишинг.

17.11.99



---



## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Яширдинг юз, магар уёлдинг, э шўх,  
Бериб зеб, бунчалар бўёлдинг, э шўх,  
Кўнгулда ишқ рубобин чалдинг, э шўх,  
Қилиб бир жилва ақлим олдинг, э шўх  
Дилу жонимга яғмо солдинг, э шўх.

Малоҳатда андозасан кўпларга,  
Муштоқдурман меҳринг сени хўпларга,  
Орзумандсан лаълу жавҳар тўпларга,  
Не тонг султонлиғ этсанг хўбларга,  
Ки яқсар ҳусн мулкин олдинг, э шўх.

Боқса ким гар ҳолин ёмон этарсан,  
Қиймоч қараб кўз қиёлаб ўтарсан,  
Вафо бирла саодатга етарсан,  
Бориб Юсуф жаҳондин, ўрниға сан  
Бу кун кўси хилофат чолдинг, э шўх.

Ким ўшал севганинг, айтгил очигин,  
Жило бериб тикдинг кимнинг сочиғин,  
Дурга қиёс қилдим гулларинг чигин,  
Итик қилдинг чу нозу ғамза тиғин,  
Халойиқ қонлариға қолдинг, э шўх.

Тани зорим ёққан оташин рухсор,  
Хато қилдимми ё ишқ қилиб изҳор,  
Айлаб қўйдинг йўлларингда ғамгусор,  
На ўхшолди сенга ҳусн ичра бир ёр,  
На сан бир ёрга ўхшолдинг, э шўх.

Сени деб бир неча озурдажондур,  
Демай озурдажон, ҳам бағри қондур,  
Иши то эрта-кеч оху фигондур.  
Юзингда лутф осори аёнду,  
Магар жавр айламақдин толдинг, э шўх.

Кўринмас охири “оҳи” — “воҳи”нинг,  
Ошиқ Эркин каби ишқда сахийнинг  
Йўқдир нафи кўкдан тушган ваҳийнинг,  
Аён бир жилва айлаб Огаҳийнинг  
Бошига не балолар солдинг, э шўх.

10.12.99





## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Неча мажнун дилоромим кўриб, бошини қошибдур,  
Тушиб ҳайратни домиға, уриб фарёд, чўлошибдур,  
Олиб ҳуш, қилган ҳар жилва жамолиға ярошибдур,  
Бу оқшом маҳвашим рухсори ой бирла талошибдур,  
Эмас анжум, фалак аҳли очиб кўзлар қарошибдур.

Куяр ҳар кимки боқса дилбарим дийдори ўтидин,  
Тарарда нур қамар монанд анинг анвори ўтидин,  
Тузалмас ёнса гар кимса бировнинг ёри ўтидин,  
Бир учқундир қуёш ул маҳлиқо рухсори ўтидин.  
Шафақ эрмас, фалак домониға ул ўт тутошибдур.

Малоҳатда нигорим шуҳрати Чину Ажам кетмиш,  
Бунингдек тенги йўқ хилқат базинҳор кўрмаган ўтмиш,  
Сулувликда анинг шаъни яна минг йил қадар етмиш,  
Дема тун зулмати хуршид рухсорин ниҳон этмиш,  
Ул ойнинг ишқи савдоси онинг бошидан ошибдур.

Садоқатда улуғ айлаб, вафо бирлан безаб ишқин,  
Ҳаёт машшотаси гулгун этибдур дилбарим кўшқин,  
Худовандо, манинг умрим унинг умри билан кўшқин,  
Фалак меҳри булутдин юзга чекмиш пардаи мушқин,  
Магар боқиб қуёшим юзига кўзи қамошибдур.

Мурувватлар етиб ҳар дам муборак саждағоҳимдин,  
Боқиб ҳайрон, айирмас ул нигоҳини нигоҳимдин,  
Ярашгай олса андоза неча Лайлолар моҳимдин,  
Юзида чимидур ҳар сори тушган совуқ оҳимдин,  
Бу сарсар бирла, йўқ эрса ғазаб дарёси тошибдур.

Кириб очун аро ким муҳаббат гулларин термас,  
Муҳаббатсиз эса кимки, билингким, йигитмас, эрмас;  
Садоқатдан йироқларга пари-пайкар кўнгил бермас,  
Сочи савдосида гар етмасам лаълига тонг эрмас,  
Ки бу зулмат ичида неча Искандар адошибдур.

Фидосиман гуландомим, рақиб, қочгил, йўлим тўсма,  
Терак бўл, майли олдимда, шитоб ўсгил ва ё ўсма,  
Ҳасад бирла икки дилнинг муҳаббат риштасин кесма,  
Юзига суртибон ғоза, чекибдур қошиға вўсма,  
Бу зинатлар онга, ваҳ, не бало асру ярошибдур.

Агар келтирса бир пайғом нигоримнинг отидин ким,  
Олиб орому завқу шавқ, қаро холу хатидин ким,  
Бахтиёр топса гар ишқда саодат ғайратидин ким,  
Кўнгул, бўл воқиф ул пайваста қошлар ҳайъатидинким,  
Иков бир-бирга қатлингда этиб бошлар кенгошибдур.

Азал парвоси йўқ тўқнинг мудом оч ким ва ё тўқ ким,  
Базинҳор ишқи йўқ билмас ўти йўқ ким ва ё чўқ ким,  
Аёнду, Ошиқ Эркин, сўзидан маҳзун киму шўх ким,  
Неча кўп деса ҳазён Огаҳий ҳар кеча, тонг йўқким,  
Ул ой савдоси фикри бирла онинг ақли чошибдур.

12.12.99





## ОГАҲИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Тарки ишқ этса агар бу мўсафид сарни нетай,  
Чарх уриб яйрашга келдим, бол ила парни нетай,  
Лола васли бас менга, тиллою гавҳарни нетай,  
Кўрмасам меҳри жамолин, моҳи анварни нетай,  
Сўрмасам лаъли зулолин, оби кавсарни нетай.

Ишқ-муҳаббат боғида мастона ўйнаб-кулмасам,  
Қилманг айб бегона ёрни гар назарга илмасам,  
Ошиқ эрмасман рақиб бағрин саросар тиламасам,  
Қаддининг раъно ниҳолин гар тамоша қилмасам,  
Боғ аро наззорайи сарви санавбарни нетай.

Маҳвашимнинг яйрамоққа иштиёқи бўлмаса,  
Менга васли бўсаю, асло фироқи бўлмаса,  
Бергани кўнгли абад ҳам меҳри боқий бўлмаса,  
Ул гул андомим агар мажлисда соқий бўлмаса,  
Лаългун саҳбонию, гулранг соғарни нетай.

Дилбарим кўрки ила очунда якто эрмаса,  
Ҳам садоқат гулларин мен бирла бир-бир термаса,  
Айларам жонимни бахш қадду димоғин кермаса,  
Ҳар нафас ширин каломи жонга роҳат бермаса,  
Базм аро қанду наботу шаҳду шаккарни нетай.

Истарам бўлса гулим шоҳона давралар гули,  
Сернаво ишқ кишварин ҳам тўтию ҳам булбули,  
Майлига гар бўлса насли Чин, Ажам ё Бокули,  
Бўлмаса гар жилвагар рухсори узра кокули,  
Гул уза бўлгон паришон сунбули тарни нетай.

Отса дейман ўзни бағримга мени кўрган чоғи,  
Менгзаса жаннатга дейман гулшанин сўлу соғи,  
Десалар бул гўшани ризвону Фирдавсул боғи,  
Бермаса бошимга зинат остони тупроғи,  
Афсари Доронию, тожи Искандарни нетай.

Базми Жамшидим сари гулгун ёниб ёр ўтмаса,  
Хаста кўнглимни мени лаълин бериб овутмаса,  
Мажлисимни ногаҳон “оҳ”лар уриб совутмаса  
Тийра шомимни висоли субҳидин ёрутмаса,  
Моҳи анварни на айлай, меҳри ховарни нетай.

Бўлмаса офтоб базми айш асбобиға чарх,  
Унда лаълиноб базми айш асбобиға чарх,  
Ёрдин жавру итоб базми айш асбобиға чарх,  
Бўлмаса аҳбоб базми айш асбобиға чарх,  
Кисада маҳбус бўлган сим ила зарни нетай.

Менга ҳам ёзғитдурур оғушда яйраб ўтмаким,  
Дилраболар даврасинда бори меҳрим тўкмаким,  
Ошиқ Эркин, бир умр қизларга хизмат этмаким,  
Огаҳий, гар боқмаса хўблар сари, айб этмаким,  
Базм аро чун йўқдир ул ой, ўзга дилбарни нетай.

13.12.99



---

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Юракдан этганинг бахш, дилбарим, жонингга салламно,  
Дейиб “Жон!” ҳар қадамда ҳушим олғонингга салламно,  
Бериб кўнглингни ҳам кўнглимда қолғонингга салламно,  
Олур ҳар лаҳза юз жон, чашми фаттонингга салламно,  
Тўкар ҳар дамда минг қон тиғи мужгонингга салламно.

Бейикларда учур қушлар, билурлар болу пар қадрин,  
Кўли гул, уста заргарлар билурлар симу зар қадрин,  
Туну кун йўлида нолон қуёш билгай қамар қадрин,  
Жаҳон бозорида синдурди ёқуту гуҳар қадрин,  
Дурафшон нуқта бирла лаъли хандонингга салламно.

Санго дил бердимү кўнглимда ёнди, жоно, юз минг шам,  
Хаёлимда сенинг васлинг менга далда берар ҳар дам,  
Муҳаббатда садоқатли сенингдек дилдор камдан-кам,  
Асир айлаб камандиға паришон кўнглим этди жамъ,  
Мусалсал ҳалқай зулфи паришонингга салламно.

Сенинг бирла кириб келди, париваш, шира кулбамға,  
Ширин нон, инжа ноз-неъмат, тўкинлик, зира кулбамға,  
Кириб келди нурафшонлик қоронғу, хира кулбамға,  
Юзингдин заррача партав етишгач, тийра кулбамға,  
Ёрутди ҳажр шомин, меҳр рахшонингга салламно.

Фалакларни ёрутқон гул жамолингдин ҳамма ҳайрон,  
Таратмоқда ажиб нурлар диёр бўйлаб, ана, рахшон,  
Қилурлар кўргани қаддинг товуслар боғ аро сайрон,  
Сиҳи қадларни қумри янглиғ этди ишқида нолон,  
Назокат боғида сарви хиромонингга салламно.

Базинҳор кўрмасам дейман, парирўйим, заволингни,  
Муддао кунда юз кўрмоқ гўзал чехраи олингни,  
Хаётман то хумор этгум асал лабдаги болингни,  
Агар кўрса эди Юсуф малоҳатлиғ жамолингни,  
Дер эрди сидқ ила рухсори тобонингға салламно.

Муҳаббат ёшига етган ўзига яхши ёр сайлар,  
Кўнгулга ул муносибни гоҳо йиллаб кугар, пойлар,  
Ахир манзилға етсам деб оқар сувлар, оқар сойлар,  
Лабинг ширин такаллумдин ўликни тиргизиб, айлар  
Суханвар тўти осо шаккаристонингға салламно.

Азал инжа юракларга ёқар албат бири мингдин,  
Олар ҳуш ишқ деган жоду, инон, ҳатто Юсуфингдин,  
Паризодим, сенинг дилкаш дуолар келди қутбингдин,  
Чу ихсон нақдини сочдинг жаҳонға ганжи лутфингдин,  
Бори халқ ўлди банданг, нақди ихсонингға салламно.

Муродимдур ўзим битсам тарона шаънинга оид,  
Авж бир пардада куйлаб эрканингни барчадин зоид,  
Такаллумда, гулим, йўқдур сенга тенг келгучи воҳид,  
Риёу ужб бирла бир сурук жаҳлини, э зоҳид  
Мўтиёу мухлис этдинг, макру достонингға салламно.

Кўнгул ким берса ақлу ҳуш олиб ҳар лаҳзаю ҳар он,  
Сулаймон таҳтида гарчи суарсан давр ила даврон,  
Унутма, беш кеча-кундузлик очунга ҳамма меҳмон,  
Уриб дам гойиб сирридин ҳам эткунг даъвийи имон,  
Бу янглиғ куфр бирла турган имонингға салламно

Қўлинг дард кўрмасин, чал, Ошиқ Эркин, ишқ навосини,  
Уриб бонг қилғали келдим чин ошиқлик даъвосини,  
Унинг ҳам олгани ростдур буюкларнинг дуосини,  
Чекарсан, Оғаҳий, тун-қун ул ой жавру жафосини,  
Бу қоттиғ меҳнат ичра чиқмагон жонингға салламно.

14–15.12.99

---

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Неча айлаб аввали лабларни ҳайрон икки лаб,  
Бермаин лаб қилдилар бағрим мени қон икки лаб,  
Беҳисоб шукрим бугун — дардимга дармон икки лаб,  
Базм аро чун очти сўз айтарға жонон икки лаб,  
Бердилар бир дамда ўлғон жисмима жон икки лаб.

Кўргазиб меҳру вафо кўнглимни равшан айлади,  
Тийра бўлғон бағрим ул бамисли равзан айлади,  
Яйратиб жисм ила жоним байтул-аҳзан айлади,  
Равзаи ризвон киби мажлисни гулшан айлади,  
Айлабон ул гул нечунким ғунча хандон икки лаб.

Садқадур энди менинг жоним ўшал дилдорға,  
Ўхшади лутфи била мастона меҳри борға,  
Ўлғудай даркор эди бундай карам мен зорға,  
Жонфизолиқ шевасин қилди намоён икки лаб.

Офарин, минг бора қуллуқ ҳаргиз ўзгани демас,  
Меҳри бисёр деб манго бечора кўнглим ғам емас,  
Бундайин дилдорага етмоқ айлар ҳар ким ҳам ҳавас,  
Ишқ тийғидан агар юз қатла ўлсам ғам эмас,  
Ким анга бордур Масиҳу оби ҳайвон икки лаб.

Неча қилдинг имтиҳон эрмас ажаб ул шўҳға,  
Ишқида куйсанг равон эрмас ажаб ул шўҳға,  
Чекканинг оху фиғон эрмас ажаб ул шўҳға,  
Жон бўлур кўздин ниҳон эрмас ажаб ул шўҳға,  
Гар латофатдин кўзимга бўлса пинҳон икки лаб.

Бердию сўз, лабларин ул қошлари ё бермади,  
Шунчалар мушкулмиди, айлаб муаммо бермади,  
Этди-ю нозин фузун, қилди таманно, бермади,  
Ваъда айлаб икки лаб бир бўса, аммо бермади,  
Гўйиё ул ваъдадин бўлди пушаймон икки лаб.

Қатлима айлаб жафо неча ситам юргузмади,  
Кўйида қон ютдириб, ғам узра ғам кўргузмади,  
Гоҳ кетиб ўздин неча ағёр сари кўз сузмади,  
То кўзи ўлтурмагунча лаблари тиргузмади,  
Ваҳки, комимни эмасдур бермак осон икки лаб.

Қилмагай раҳм ҳолима гар чор тараф урсам-да бонг,  
Қайдан ҳам кўнгли шикаста маҳзунингда қолсин онг,  
Шартми қилмоқ, маҳвашим, мендай ғарибни онго-тонг,  
Лабларин гар бўса қилғоч тоза жон топсам не тонг,  
Ким эрурлар хаста жон дардиға дармон икки лаб.

Ўртаниб лаблари ҳажринда неча дедим анга,  
Э пари, бағрингни оч, зулмингни бас қилгин манга,  
Ошиқ Эркинни йўлингда, жоно, қолдирма чанга,  
Огаҳий, умри абад топсанг тонг эрмаским, санга  
Ул Масиҳ икки лаби ҳар дам берур жон икки лаб.

16.12.99



---

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Севмагил, қўй, шуҳратинг, шонинг керакмасму сенга,  
Дур каби покиза виждонинг керакмасму сенга,  
Қилма тийра, байтул аҳзонинг керакмасму сенга,  
Ошиқ ўлдинг, э кўнгул, жонинг керакмасму сенга,  
Ўтга кирдинг, жисми урёнинг керакмасму сенга.

Ўтар эрса дилни ишқ бу йўлда ўйлаб қўй қадам,  
Дилраболарни кўриб албат чарақлар қалбадам,  
Аҳли нозлар севгида ҳеч кимга қилганмас карам,  
Истабон ул юз тамошосини кўздин дам-бадам  
Қон тўкарсан, чашми гирёнинг керакмасму сенга.

Ўсма бирла боз қора айлаб қошининг қорасин,  
Дамда кўргузгай ситам, битказмагай дил ярасин,  
Аҳли ошиқ топмагай дардга давонинг чорасин,  
Ҳар дам эткунг орзу кофир кўзи наззорасин,  
Қил ҳазратким нақди иймонинг керакмасму сенга.

Кўрқса ким паррандадин экмас тариф, э шоҳи ҳусн,  
Айлама кўз ёшларим мисли ариф, э шоҳи ҳусн,  
Бўлгай ҳижрон дастидан юзлар сариф, э шоҳи ҳусн,  
Лутфинг этдинг хаста кўнглимдин дариф, э шоҳи ҳусн,  
Бу гадойи зору ҳайронинг керакмасму сенга.

Ҳуш оларсан ҳаммадан офтоб каби айлаб тулу,  
Кўрқитар ағёрларим тинмай солиб дилга гулу,  
Ўчмагай кўнгил ўти ҳар қанча сепган бирла су,  
Ўзгаларга илтифотинг айладинг маҳсус, бу  
Мустаҳиқи лутфу ихсонинг керакмасму сенга.

Жилва айлаб эшигимдин кўз қиёлаб ўтмадинг,  
Соғиниб бир неча кунким, кўз ўнгимдин кетмадинг,  
Хаста кўнглим, ўксима, армонга гарчи етмадинг,  
Сели ғамдин хонавайрон ўлдиму ёд этмадинг,  
Айтким, бу хонавайронинг керакмасму сенга.

Мунча ҳам нозик бадан, қайнаб оқар бир жилғасен,  
Кўп ширин лафзинг сени, олдингми бол ё тилға сен,  
Ошиқ Эркиннинг юрак-бағрини бир-бир тилғасен,  
Оғаҳий ҳолин кўриб дойим тағофил қилғасен,  
Шоири донойи давронинг керакмасму сенга.

19.12.99



---

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Маҳвашинг белин қучиб, жоду кўзи хунхорин ўп,  
Мушки анбар бўй таратган зулфининг ҳар торин ўп,  
Тўлғаниб пешонасин ўпган қўш аждар морин ўп,  
Э қўнгул, бўлса муяссар ёрнинг рухсорин ўп,  
Ҳам солиб бўйнига қўл лаъли шакар гуфторин ўп.

Ўтли оғуш зийнатидаур ўн саккиз ёшли келин,  
Дилрабо хусни ила мажнуншиор айлар элин,  
Ҳар неки ширин эса ул нозли дилдорга илин,  
Ғаҳ қучиб нозук белин, гоҳи шимиб ширин тилин,  
Ғаҳ қопоғин бўса қил, ғаҳ наргиси хумморин ўп.

Зил кетар ичдан рақиблар ногаҳон қолса кўриб,  
Чиқса гар боғ сайрига кокилларин қирқта ўриб,  
Ҳатто йўлатмай пашшани машшотаси турса кўриб,  
Ғаҳ юзига юз қўюб, гоҳи қапоғини сўриб,  
Ғаҳ лабига етқуриб лаб хатти анбарборин ўп.

Ой ёноғин бўса қил гоҳ ошкор, гоҳ гизлабон,  
Ўтли лаззат шавқидин гоҳ сенсираб, гоҳ сизлабон,  
Энди мушкулдир топиш бундай санамни излабон,  
Ғаҳ мушкин сочини сунбул масаллик ислабон,  
Гоҳ парчин зулфининг ҳар бир муанбар торин ўп.

Олма, кўз ташлаб ўтир боғ ила бўстон себиға,  
Ҳар бирин ларзонлиги тилларда дoston себиға,  
Неча бор қилғон менинг бошимни осмон себиға,  
Завқ ила гоҳи етур оғзинг занаҳдон себиға,  
Шавқ ила ғаҳ булбул осo. жабҳаси гулзорин ўп.

Арзигај бандаси бўлсанг маҳвашинг гул юзини,  
Гаплашганда жон олар булбули гўё сўзини,  
Ҳаз топарсан бирга нўш этсанг агар раз қизини,  
Гаҳ оёғига тушуб тупроқдек ўпгил изини,  
Гаҳ бошига эврулиб парвонадек дасторин ўп.

Тишлабон ўпмак била истар эсанг шўх кулгини,  
Шарқираб оққан шалола ундан олсин улғини,  
Тенг ўлар ёрга чаманнинг на товус, на сулгини,  
Гоҳ пири дайрнинг ўпкил муборак илгини,  
Гоҳ соқийнинг қўлида соғари саршорин ўп.

Дилраболар жон оларлар шўху шан таъзим қила  
Гар вафоли эрса ёр унга саломатлик тила,  
Ислабон қўлга олиб кокилларин бир-бир сила,  
Қилма ҳаргиз бас буларнинг бирини ўпмак била  
Гар сенга бўлса муяссар қайта-қайта борин ўп.

Мос эмасдур ул сенга ўлгунча содиқ эрмаса,  
Ошиқ Эркин фахр этиб очунда кўкрак кермаса,  
Соф вафо гавҳарларин сен бирла яйраб термаса,  
Огаҳий, гардун агар ушбу муродинг бермаса,  
Зор йиғлаб шоҳнинг даргоҳи лутф осорин ўп.

20.12.99



---



## ХОРАЗМНИНГ ХҲУР ҚИЗЛАРИ

Боқсанг — тамом, жон оладур, мажнун ҳолига соладур,  
Яхшига меҳрин бахш этиб, юракда яшаб қоладур.  
Хоразмнинг ҳур қизлари, бир-биридан зўр қизлари.

Очунда кам бундай қомат, қоматмас, қизил қиёмат,  
Садоқатли муҳаббатда ўз ёрига тилар омад  
Хоразмнинг ҳур қизлари, бир-биридан зўр қизлари.

Меҳр чарақлар юзинда, қуёш чарақлар кўзинда,  
Қирмизидур ёноқлари, ботмон бол бор ҳар сўзинда —  
Хоразмнинг ҳур қизлари, бир-биридан зўр қизлари.

Диллари муҳаббат кони, садоқатга садқа жони,  
Ҳаммаси ҳам жаҳондаги пари-пайкарларнинг хони —  
Хоразмнинг сур қизлари, ҳур қизлари, дур қизлари.

Бўлиб иқбол ҳамдамингиз, шод ўтгай ҳар бир дамнингиз,  
Дейман сизга чин юракдан: қутлуғ бўлсин байрамнингиз,  
Хоразмнинг зўр қизлари, ҳур қизлари, дур қизлари.

Сиз инжусиз, сиз маржонсиз, ишқ аҳлига меҳрибонсиз,  
Ғазалхон Ошиқ Эркиннинг жони ичиндаги жонсиз —  
Хоразмнинг ҳур қизлари, бир-биридан зўр қизлари.

05.03.99



---

## БАХТИНГ ЁТМАСИН, ХАЛҚИМ

Эркимиз олиб қўлга, чиқдик биз равон йўлга,  
Қурмоқдамиз хур давлат, боқмасдан ўнгу сўлга,  
Ишинг қайтмасин, халқим, бахтинг ётмасин, халқим,  
Мустақиллик қуёшинг асло ботмасин, халқим.

Арши аълога етгай, доврўғи жаҳон кетгай,  
Порлаб кўкда туғимиз, дилларни равшан этгай.  
Ишинг қайтмасин, халқим, бахтинг ётмасин, халқим,  
Мустақиллик қуёшинг асло ботмасин, халқим.

Олманг тилга отини, бадниятлар ёдини,  
Оллоҳнинг ўзи бергай ёмонларнинг додини.  
Ишинг қайтмасин, халқим, бахтинг ётмасин, халқим,  
Мустақиллик қуёшинг асло ботмасин, халқим.

Халқ хоинларин ҳар дам ўрни дўзах, жаҳаннам,  
Ташвишга ўрин йўқдир, бўлинг ҳамжиҳат, бардам,  
Ишинг қайтмасин, халқим, бахтинг ётмасин, халқим,  
Мустақиллик қуёшинг асло ботмасин, халқим.

Гулдек яшнаб савлати, буюк бўлар давлатим,  
Адолатнинг нуридан йўғрилар саодатим.  
Ишинг қайтмасин, халқим, бахтинг ётмасин, халқим,  
Мустақиллик қуёшинг асло ботмасин, халқим.

Ошиқ Эркин тилаб шон, бахш этадур сенга жон,  
Омон бўл бахтимизга, суюкли Ўзбекистон.  
Бахтинг ётмасин, халқим, ишинг қайтмасин, халқим,  
Мустақиллик қуёшинг асло ботмасин, халқим.

11.03.99



## БИР КҮРИБ БИЛДИМ

Бир күриб билдим – ажойиб ёр экан,  
Яхшилар айтганчалик дилдор экан.

Камдир очунда унингдек қадди рост,  
Ҳар икки кўкси етилган нор экан.

Айлларида сарғайиб-сўлмиш неча,  
Хони васлига неча шоҳ зор экан.

Қомати жонинг олар мўъжизадур,  
Сур деса сур, кўзлари хуммор экан.

Ҳақ уни сутга чайиб, бошдин-оёқ  
Дурмуши ҳалво, деганча бор экан.

Ошиқ Эркин, садқадур маҳвашга жон,  
Дугонаси айтганчалик дилдор экан.

21.03.99





## СЕВГИ ШУНДАЙ БИР ШИФОКИМ...

Бор учун гулгун бу оламнинг юзи қирмизлари,  
То яралмишки, муҳаббатнинг сузикдир кўзлари.

Аҳли ошиқлар учун кун бирла туннинг фарқи йўқ,  
Элни оқшом ухлатиб, сайрон қилурлар ўзлари.

Лутф қилмоқ ўрнига ишқ аҳлининг оқшомларин  
Шом фарқ қилгон учун туннинг қародур юзлари.

Ёрдин етган заҳм роҳат азал дардкашлара,  
Аччиқ эрса-да, ширин сарви санамлар сўзлари.

Севги шундай бир шифоким, дил учун ҳеч бўлмагон,  
Жонга малҳам аҳли нознинг қошлари кундузлари.

Ошиқ Эркиннинг пари суймакдин ўзга иши йўқ,  
Ишқ ила машғулдир ул ҳам кеча, ҳам кундузлари.

21.03.99





## ҚАЙДАН ТОПСА БҰЛАР

Ойдаи хуснинг на-да ойдан топса бўлар,  
Сенсиз роҳат на-да майдан топса бўлар,  
На шарқираб оққан сойдан топса бўлар,  
Сенингдек маҳвашни қайдан топса бўлар,  
Қайси макон, қайси жойдан топса бўлар.

<sup>\*</sup>  
Сен каби нозанин қаёнда бор экан,  
Садоқатли ёргами ул дилдор экан,  
Яхши ёрга мудом яхшилар зор экан,  
Сенингдек маҳвашни қайдан топса бўлар,  
Қайси макон, қайси жойдан топса бўлар.

Билдим боқиб — оҳуни ҳам лол этарсан,  
Ҳасратингда алиф қадни дол этарсан,  
Вафо бирла ошиқ умрин бол этарсан,  
Сенингдек дилбарни қайдан топса бўлар,  
Қайси макон, қайси жойдан топса бўлар.

Йўқдир сийратингча Шириннинг суврати,  
Сен яхшининг ёридурсан ҳам ҳазрати,  
Кўпдир Ошиқ Эркин кўнглининг ҳасрати,  
Сенингдек маҳвашни қайдан топса бўлар,  
Қайси макон, қайси жойдан топса бўлар.

27.03.99





## ҚУНДУЗ ҚАЙДА, СЕН ҚАЙДАСАН

Жамолингга тенг келмаган – юлдуз қайда, сен қайдасан,  
Офтоби нур сочсаямки, кундуз қайда, сен қайдасан.

Чаккангдаги бир холча йўқ уммонларни марвариди,  
Сен турганда нархи арзон кундуз қайда, сен қайдасан.

Ҳушинг олар лолазордек ой юзларинг олдур сенинг,  
Мангзатмака ранги синиқ қирмиз қайда, сен қайдасан.

Жисминг сенинг оламда бир, ҳуснинг сенинг оламда бир,  
Ҳур эрса ҳам ул дилбари Жирмиз қайда, сен қайдасан.

Олишмас ўзга миллатга асло Ошиқ Эркин сени,  
Юрагим, боврим эрса-да қирғиз қайда, сен қайдасан.

27.03.99





## СИРА ТОНГЛАР ОТМАСИН

Сарви санамларнинг Ойша-Фотмаси  
Келган оқшом сира тонглар отмасин.

Бахш айласин ошиғига меҳрини,  
Ўзга бирла жонни жона қотмасин.

Унинг каби чеҳраси ой йўқ менга,  
Ёлғон дебон ўй-хаёла ботмасин.

Ёр турганда ёстиғини қучоқлаб,  
Юрак-бағрин ерга бериб ётмасин.

Ором олиб мудом меҳру вафодан,  
Ҳижрон азобларин асло дотмасин.

Хотиржам айласин кўнглин ҳудойим,  
Агёр сари зинҳор одим отмасин.

Бир бевафо алдовларига учиб,  
Вафолини икки пула сотмасин.

Сўз берганда Ошиқ Эркинга ҳар гал,  
Келаман деб, келмай қолиб чотмасин.

30.03.99





## КЕЛДИ-Ю ЕТИБ ФАСЛИМ

Мастона муҳаббатга келди-ю етиб фаслим,  
Айлаб онго-тонг, қилдинг васлингга мени таслим.

Шундан буён нурафшон буткул жону жаҳоним,  
Жонимга меҳр нурин сочган Исо нафаслим.

Чархлар уриб ишқда сен орзуларингга етгил,  
Эй, менинг жоним олган ширин орзу-ҳаваслим.

Вафо бўстони ичра дурдай покизадурман,  
Шаффофдек аслзода билмоқ истасанг аслим.

Кўнглимдаги жавоҳир — оламда йўқ садоқат,  
Кимсага ишқда озор етказган эмас наслим.

Мастона куйлаганда тенг эмас сенга булбул,  
Эй, менинг тўтигуфтор, эй менинг тотли саслим.

Ишқингда Ошиқ Эркин, юрак-бағри адоман,  
Дуодаман етса деб ойдаи васлингга васлим.

07.04.99





## КИМ ИСТАМАС

Дилраболардан вафо ким истамас,  
Меҳр ила кайфу сафо ким истамас.

Бенаво бўлса кўнгил ёр ишқида,  
Кўнгилга савту наво ким истамас.

Бўлса носоз севги шаҳринда ҳаво,  
Яхши бир обу ҳаво ким истамас.

Ўргаса ҳижрон азоби сарбасар,  
Дилдаги дардга даво ким истамас.

Истамас сарви санам дилбарни ким,  
Мисли гул, қадди расо ким истамас.

Урса қулф доим муҳаббат боғлари,  
Ишқда кўзга тўтиё ким истамас.

Ошиқ Эркин, эрка ёр гулзоридан  
Эркалаб эсса сабо ким истамас.

08.04.99





## ЮРАГИМ

Сени кўрсам дук-дук урар юрагим,  
Юрагингдан мадад сўрар юрагим.

Юрагимга чўғ ташлаган париваш,  
Юрагингни аён кўрар юрагим.

Ёқиб қолди, жоним, кўнглинг кўнглима,  
Кўнглинг билан суҳбат қураб юрагим.

Юрагингдан, ҳушим олган эй гўзал,  
Меҳр-шафқат кутиб турар юрагим.

Юрагимни меҳринг сочиб қувонтир,  
Юрагингни нурга ўрар юрагим.

Таралар бир кўча узоқдан саси,  
Сени кўрсам дук-дук урар юрагим.

Йўқдир ёлғон Ошиқ Эркин лутфинда,  
Юрагингдан мадад сўрар юрагим.

09.04.99





## ИСТАСАНГ

Инжа роҳат – мен билан юр, истасанг,  
Ҳам фароғат – мен билан юр, истасанг.

Истасанг қилмоқни гашт, ишқ ўйнамоқ  
Айла одат – мен билан юр, истасанг.

Гар сенга даркор эса кўнглинг қадар  
Бахт-саодат – мен билан юр, истасанг.

Сен вафо отлиқ муҳаббат гавҳарин  
Эй малоҳат, мен билан юр, истасанг.

Маҳвашим, ишқда азиз жонингга сен  
Зўр ҳаловат – мен билан юр, истасанг.

Ошиқ Эркин бағри роҳат конидур,  
Эй сабоҳат, мен билан юр, истасанг.

14.04.99





## ЎТКИНЧИ БУ ОЧУНДА ЙЎҚ

Ўткунчи бу очунда йўқ, эй хусрави малоҳат,  
Иккимизнинг муҳаббата данг галажак муҳаббат.

Аҳли латофатга, лайлим, чиндан ҳам шоҳ эрурсан,  
Ҳатто шоҳлар кўрган эмас сенинг каби латофат.

Кўёшдурсан жисму жоним оловлатган беомон,  
Ё жонимга қасд айлаган офатижон бир офат.

Ҳуснингга ким солса назар қамашар кўзи бешак,  
Чулғаб олар ҳар кимнинг ҳам жисми-жонини ҳайрат.

Ёзғитдурсан илоҳийдан пешонам ярқиратган,  
Сенинг-ла олганим ҳар дам — ҳам роҳат, ҳам фароғат.

Кўрганлиги даргумондур, даргумондур, даргумон,  
Дунё бунёд бўлиб ошиқ бунинг каби ҳаловат.

Ошиқ Эркин юракдан дер: йўқ очунда, лайливаш,  
Иккимизнинг муҳаббата данг галажак муҳаббат.

14.04-99





## ЕТКАЗИБ СОНСИЗ СИТАМ

Етказиб сѳнсиз ситам бағримни, ёр, қон айладинг,  
Хунга тўлдирдинг ичимни, турфа ҳайрон айладинг.

Отмоқ истарсан ва лекин кўзларингнинг ўқи йўқ,  
Киприкинг ҳар торини қатлимга пайкон айладинг.

Айласанг севгимни тарк, аввал нечун бердинг кўнгул,  
Ишқ тўла кўнглим уйини хонавайрон айладинг.

Бевафолар базмини айлаб мурод учмас кўзим,  
Сайрон этиб сен дам-бадам кўнглим паришон айладинг.

Кулга айланмоқдаман ҳасратларингнинг ўтида,  
Қилмадинг раҳм, эй фалак, умримни пайҳон айладинг.

Ошиқ Эркин бундайин нола ярашмайдур сенга,  
Борму инсофинг, ўзинг ҳам неча жавлон айладинг.

19.04.99





## СЕВГИНГ СЕНИ УЙДИРМА

Кўзларингда ишқдан нишон кўринмас,  
Муҳаббатдан қатра, ишон, кўринмас,  
Узоқдасан вафо деган гавҳардан,  
Садоқатинг гарму жўшон кўринмас.  
Нозлар этиб, айлаб хиром суйдирма,  
Мен ғарибни йўлларингда куйдирма.  
Бечора юрагим сезиб юрипти –  
Севгинг сенинг юракданмас – уйдирма.

Ўзгачадир севган кўнгил ноласи,  
Дилдан севган – иштаҳадан қоласи.  
Лайлининг сочидай ҳар ён тўзмасми  
Кокилларинг пирпираб ҳар толаси.  
Нозлар этиб, айлаб хиром суйдирма,  
Мен ғарибни алдаб-сулдаб куйдирма.  
Бечора юрагим сезиб юрипти –  
Севгинг сенинг юракданмас – уйдирма.

Муҳаббат бошқадир, ҳавас бошқадир,  
Муҳаббатда ардоқлидир ёш кадр.  
Ишқ мулкинда бир умр, Ошиқ Эркин,  
Вафо аҳлин шоҳаншоҳи – бош кадр.  
Нозлар этиб, айлаб хиром суйдирма.  
Шаҳаншоҳинг ишқ йўлинда куйдирма,  
Кўнглим ҳар қадамда сезиб юрипти –  
Севгинг сенинг юракданмас – уйдирма.

26.04.99



## ҚАЙТМА АХИР СҮЗЛАРИНГДАН

Аввалда мени мардим деб, кўнглимни сизга бардим деб,  
Бағримни вайрон айладинг ўзгада энди дардим деб.  
Жоним, қора кўзларингдан, қайтма ахир сўзларингдан.

Қани манго вафоларинг, ваъда қилган сафоларинг,  
Алдоқчи дилдор экансан, жона тегди жафоларинг.  
Ман айланай кўзларингдан, қайтма ахир сўзларингдан.

Раҳмдиллик қилсанг нетар, меҳрибонман, билсанг нетар,  
Манго бахш этган ўзин деб, кўзларинга илсанг нетар,  
Сенинг қора кўзларингдан, қайтма ахир сўзларингдан.

Юзингдаги ханданг бўлай, то ўлгунча банданг бўлай,  
Жоним, бахтиёр қилмасам қаро ер билан данг бўлай.  
Сенинг оху кўзларингдан, қайтма ахир сўзларингдан.

Ҳадларингдан ошма мунча, қолдирма дилда тугунча,  
Бир яхшининг қадри бўлмас бир ёмона тушмагунча.  
Сенинг оху кўзларингдан, қайтма ахир сўзларингдан.

Эркам. Осмондасан, мастсан, Ошиқ Эркин деб чопмассан,  
Қалбимни тарк этган билан мендан яхшини топмассан.  
Нурлар тараб юзларингдан, гал бағрима, кўзларингдан.

Аввалда мени мардим деб, кўнглимни сизга бардим деб,  
Бағримни вайрон айладинг ўзгада энди дардим деб,  
Жоним, қора кўзларингдан, қайтма ахир сўзларингдан.

26.04.99



## НОЗАНИНЛАР, НОЗ ЭТИБ...

Нозанинлар, ноз этиб ишқ ўтида куйдирмангиз,  
Ихтиёримни олиб, беихтиёр суйдирмангиз.

Дилраболарга мудом ишқ аҳлида камдур ишонч,  
Кўп эрур — элга аён ёлғон-ёшиқ уйдирмангиз.

Яхшиларга қасдма-қасд юрган ғанимлар кўп ҳануз,  
Эрса ким кўнгли қаро — уйга қадам қўйдирмангиз.

Борму топган дун аро бадъфел ағёрдан хайр,  
Паст кетиб ўз ёрингизни жонидан тўйдирмангиз.

Гулгун ҳаёт гаштини сиз алмашмангиз мийно билан,  
Чин муҳаббат жомига доруйи хоб куйдирмангиз.

Ошиқ Эркиннинг мудом ишқ аҳлига меҳри баланд,  
Сизга кўнгил қўйганим дилдорима тўйдирмангиз.

01.05.99



---

## ҲАМШИРА САИДАҲОН САФОЕВА МОНОЛОГИ

Баён айлай десам дўстлар ўз таърифим:  
Сафоева Саида исми-шарифим.  
Тугилганман шаҳарнинг сал нарёғида,  
Сўлим гўша – Юқорибоғ қишлоғида.  
Сана – етмиш етти эрди – кулди очун:  
Июннинг ҳам ўн тўққизи эрди шул кун.  
Азизлар, пешонам қаймоқ каби оқман,  
Ўшал кун дунёга келган қизалоқман.  
Ота-онам оддий деҳқон – эл фарзанди,  
Шуларнинг мен жону дили, жигарбанди.  
Етти ёшимгача шод ўйнадим-ўсдим,  
Онгим ошган сари орта борди дўстим.  
Ўсган сарим бир ҳис уфурди димоққа:  
Саксон тўртда бел боғладим ўқимоққа.  
Ўн йил таълим олдим, олдим илму адаб,  
Ўн йил ҳикмат уйи бўлди менга мактаб.  
Етуклик аттестатини олгач қўлга,  
Бир ҳамшира бўлмоқ истаб чиқдим йўлга.  
Танладим ўлдириб юрагим “қурти”ни:  
Ургангдаги тиббиёт билим юртини.  
Тўқсон тўртдан токи тўқсон олти қадар  
Ўшал даргоҳ бўлди менга азиз падар,  
Кейин артиб пешонамдан маржон терни,  
Ишлаш учун маскан этдим диспансерни.  
Бўлса кимнинг юрак-қон томири хаста,  
Борис ака билан даволаб бирпасда,  
Ҳамшираман – туну кун бирга ишлаймиз –  
Бемор юракларга шифо бағишлаймиз.  
Гард юқтирмасдан силаган пешонамни –  
Султонова Зулфия дерлар онамни.  
Ул ҳам битта шифохонада ҳамшира,

Дили пок, икки қўли — ҳам гул, ҳам шира.  
Ҳам меҳмондўст, ҳам меҳрибон, ҳалол аёл.  
Гаплашсангиз ҳазатасиз — тиллари бол.  
Оғам — Хива агробизнес талабаси,  
Тез биткизар — яқин унинг ғалабаси.  
Ишлаётган бўлимга ким қўйса оёқ,  
Диагноз қўйиб берарман бир зумдаёқ.  
Фидо айлаб жон, югуриб-елиб чаққон,  
Даволашга ҳисса қўшарман бегумон.  
Ахир Истиқлолгадур бахшида жоним,  
Гуллаб-яшнасин, дейман Ўзбекистоним.  
Шифо улашарман, шимарилган билак,  
Қудратли Ватаним — соғлом бўлса юрак.

06.05.99





## ИСТАР КҮНГИЛ

Яшнатиб ишқ боғини, ҳар дам наво истар кўнгил,  
Жонга малҳам бир пари – бир дилрабо истар кўнгил.

Бахш этиб ором кўнгилга, ҳар тараф чарх урса ел,  
Жонга оромлар олиб, дардга даво истар кўнгил.

Айлаб аҳволим забун, ҳижрон ёмон эзди мени,  
Дилдан ҳасратлашмака бир маҳлиқо истар кўнгил.

Олса деб дардим мени тўтитакаллум бир гўзал,  
Хушxabар етказса деб боди сабо истар кўнгил.

Чиқмасам ўлгунча то оғушидан дилдорнинг,  
Мисли жаннат бағридан хушбўй ҳаво истар кўнгил.

Яйрабон ёр эркалаш ҳар қандайин дардга шифо,  
Ошиқ Эркин, севгидан дардга даво истар кўнгил.

13.05.99





## Ё, ҲАЗРАТИМ

Сенга бўлган, маҳвашо, ишқимни пинҳон асрадим,  
Босмайин бағримга бир, бошимдин ошди ҳасратим.

Зулфи торингга сенинг қолдим умрбод боғланиб,  
Кун-бакун бормоқдадир тобора ортиб ҳайратим.

Неча изҳор айладим кўнглим тўла меҳримни мен,  
Бесамар кетмоқдадир ҳар қанча қилган ғайратим.

Имтиҳонларму қилурсан беадоқ сабримни ё,  
Билмас эрсанг қўй билиб, эл ичра бисёр ҳурматим.

Беғубор ишқ йўлидан асло чекинмасман, санам,  
Тан аро тошқин ҳануз ҳам қудратим, ҳам журъатим.

Ошиқ Эркин аҳдига содиқ, муҳаббат ҳурмати,  
Бағри қаттиқ маҳваша етказ мени, ё Ҳазратим.

01.06.99





## ЖОНОНА ЁРДАН ҚҪЙМАСИН

Дўстларим, ҳеч кимни ҳам жонона ёрдан қўймасин,  
Қўймасин ўз дилбари, кўзи хумордан қўймасин.

Кўзга айланг тўтиё ардоқлабон ўз ёрингиз,  
Сийнаси боғи Эрам – олма-анордан қўймасин.

Бахт эрур қўйган эса сизга кўнгил мастонавор,  
Жон қадар мастона ул мастонавордан қўймасин.

Тож этинг бошга мудом поёни йўқ меҳри учун,  
Аҳли ошиқларни меҳри бешумордан қўймасин.

Бўлса гар дилдорингиз ҳам шўху ҳам чобуксувор,  
Қўймасин оромижон – чобуксувордан қўймасин.

Базми Жамшидлар тузиб маҳваш ила ўлгунча то,  
Ҳам кўриб роҳат баҳам, юз-юз отардан қўймасин:

Айласин ўйнаш-кулиш бирла мудом иқболга ёр,  
Ошиқ Эркин, Ҳақ сени ҳаргиз қатордан қўймасин

01.06.99



---



## СИЗНИ ОЛЛОҲИМ ЯРАТГАН

Ўтса ҳам жону кўнгиллардан ситам, озорингиз,  
Озори жон жононлар, минг яхши сизнинг борингиз.

Сизни Оллоҳим яратган бегубор бир ишқ учун,  
Бўлғай Оллоҳнинг ўзи меҳру вафода ёрингиз.

Тутсангиз сиз ҳам агар маҳкам садоқат баридан,  
Юрмагай сиздан йироқ, сизларинг ҳам дилдорингиз.

Соф муҳаббатдур, билинг, гулгун ҳаётнинг зийнати,  
Соф муҳаббатга вафо бўлсин мудом шиорингиз.

Ишқ саройин айлаб обод, роҳати жонлар бўлинг,  
Сақлангиз иймон каби покиза номус-орингиз.

Бахт ила иқболга ёр бўлмагингизга шубҳа йўқ,  
Бир умр бахш этсангиз ёрга кўнгилда борингиз.

Ошиқ Эркин пандин олган бўлмагай кам, чунки ул  
Севги шахрин яшнатиб, сафларда юрган норингиз.

02.06.99





## БАЛҚИБ, ОЙ КАБИ ЧИҚДИНГ

Бахш айласанг гар манго ёниб турган рухсоринг,  
Бўлғай, санам, умрбод Оллоҳим мададкоринг.

Беш кетди ақлу ҳушим гулгун малоҳатингга,  
Яйрабон бўла қолдим мангуга гирифторинг,

Балқиб, ой каби чиқдинг бахтимга, малаксиймо,  
Битмас роҳату шодлик бахш айлади дийдоринг.

Рухимда нурафшонлик пайдо айладинг, дилбар,  
Бул марҳамат ҳурмати, эркам, Ҳақ бўлсин ёринг.

Роҳат хумор этибсан ишқ деган чаман ичра,  
Одимни бошқа қуйгум тарқатмасам хуморинг.

Ошиқ Эркинга садқа борлигим, деганмишсан,  
Бошим сенинг, чин бўлса, дилдор, аҳду қароринг.

02.06.99





## ОЙ ДЕСА ОЙ, КУН ДЕСА КУН

Тиллога тенг гул юзлигим, асалим, ширин сўзлигим,  
Қуралай, қиймоч кўзлигим, ой деса ой, кун деса кун.

Роҳатда қандинг урмали, лаблари новвот, хурмоли,  
Қошу кўзлари сурмали, ой деса ой, кун деса кун.

Оламда оз бундай малак, гўё кўклаги камалак,  
Қоқиллари қирқ жамалак, ой деса ой, кун деса кун.

Киприги ўқ, қоши ҳилол, қуёш ёнокда қўш қора хол,  
Тишлари дур, тиллари бол, ой деса ой, кун деса кун.

Кулиб боққан манго омад, шамшод қаду сарвқомат,  
Жамоли қизил қиёмат, ой деса ой, кун деса кун.

Данги-души йўқ бир пари, ишқ оламин жилвагари,  
Ошиқ Эркиннинг дилбари ой деса ой, кун деса кун.

02.06.99





## БЎЛИБ ОШИНОСИ БИР БЕВАФОНИНГ

Бўлиб ошиноси бир бевафонинг,  
Илиндим домига жабру жафонинг.

Оху афгонларим тутди фалакни,  
Битмас ситамлари қоши қаронинг.

Фидойижон қилдим, билмади қадрим,  
Кўйида менингдек жони фидонинг.

Чекарман энди мен совуқ ун токай,  
Кўринмас охири аччиқ нидонинг.

Дарди бедавомен ишқ нобуд этган,  
Зарра бир чораси борму давонинг.

Эшитмас Худо ҳам наҳот нолишим,  
Бағри хун менингдек мотамсаронинг

Етарлар бошига зебо санамлар  
Ошиқ Эркин каби неча гадонинг.

04.06.99





## АГАР ЮРСАНГ

Муҳаббат деб аталган бу чаманда бормикан, эй-жон,  
Менингдек булбули нолон, сенингдек маҳваши жонон.

Агар юрсанг висолингдан тараб нурлар чаман ичра,  
Хиромон чайқалур гуллар сабо атрин тараб ҳар ён.

Топилмайдур ёқиб шам кеча-кундуз чор тараф чопсанг,  
Менингдек қаҳрабо юзлик, сенингдек чеҳраси хандон.

Вафо жавҳарларини ҳеч биридан топмади, гарчи  
Неча қўрди сенинг янглиғ гўзални давр ила даврон.

Гуҳардурсан бу оламга жамолидан жило сочган,  
Кишида бўлса гар иймон дея олмас буни ёлғон.

Гулим ҳар кимни ҳам кўз тушган они айлагай ҳайрон,  
Ҳар икки лаъл, ҳар икки қош, ики наргис — ики мужгон.

Тополмас ҳоки пойин кўзга суртгулик бу гардунда,  
Азизим, Ошиқ Эркиндек садоқат мулкида султон.

04.06.99



---

## САЙРОНГА КЕЛГАН ЖОНОН

Севгим чаманзорига сайронга келган жонон,  
Бу лутфу карам бирла бошимни қилдинг осмон,  
Хусну латофатингга минг бор шараф, минг бор шон,  
Яйради тани зорим — ҳам ичону ҳам дешон.  
Ишқинг ила лол этдинг, ёмон ўртадинг жоним,  
Ҳам оху, ҳам жайроним, муҳаббатдан ҳайроним.

Ҳайратдаман, парвариш, мардона ҳимматингга,  
Ўлтирмоқни ор этдинг ўралиб чимматингга,  
Беш кетдим сенинг шамшод қоматинг — сумматингга,  
Қарамас харидорман арзону қимматингга.  
Ишқинг ила лол этдинг, ёмон ўртадинг жоним,  
Ҳам оху, ҳам жайроним, оғушлардан ҳайроним.

Мендан бахтиёр йўқдир берсанг қўлинг қўлимга,  
Оллоҳимнинг ўзи гул сочар ўнгу сўлимга,  
Ҳам сутдайин оқ айлаб, нурлар тарар йўлимга,  
Лозим эрса сени деб тик борарман ўлимга,  
Ишқинг ила лол этдинг, ёмон ўртадинг жоним,  
Ҳам оху, ҳам жайроним, оғушлардан ҳайроним.

Ишқ боғига сайронинг муборак бўлсин, эркам,  
Ёр бўлсин саодатга, бахт-иқболга ҳар бир дам,  
Фамдан йироқ бўларсан, билмагай кўзларинг нам,  
Бир умр Ошиқ Эркин бирла бўлсанг ҳамқадам.  
Ишқинг ила лол этдинг, ёмон ўртадинг жоним,  
Ҳам оху, ҳам жайроним, муҳаббатдан ҳайроним.

04.06.99



## ДИЛБАР, СЕВГАНИМ СЕВГАН-

Дилбар, севганим севган сени жонимдан ортиқ,  
Иймон қадар юракдан, ҳам имконимдан ортиқ.

Сен кўк буржиндаги ой, жилвабахш меҳрдурсан.  
Борму сенингдек меҳри дурахшонимдан ортиқ.

Феруза осмонимнинг Зухроси ўзингдурсан,  
Ҳам танҳо ўзингдурсан хонумонимдан ортиқ.

Тунларимни ёритган қамардурсан, маликам,  
Қайда сенингдек шамъи шабистонимдан ортиқ.

Тарар хуш мушки анбар паришон сенинг зулфинг,  
Йўқ очун аро зулфи паришонимдан ортиқ.

Қилсам қиёс қуёшга, бул сифат ҳам ҳануз оз,  
Қайда, ким кўрган хуршиди раҳмонимдан ортиқ.

Инонмас, Ошиқ Эркин, мақтовларингга, маҳваш,  
Йўқ ўшал гумондорим – бадгумонимдан ортиқ.

05.06.99





## ЮЗЛАНУР

Бўлса меҳнаткаш киши — ҳар дам фароғат юзланур,  
Инжа роҳат юзланур, бахту саодат юзланур.

Яхшиликни қилса ким касб — икки дунёси гўзал,  
Доимо Ҳақдин унга нури ҳидоят юзланур.

Меҳрини бахш айлаган албат кўрар элдан меҳр,  
Яхшига умри қадар меҳри иноят юзланур.

Анжуман ичра қилинг сўзни асал, тилни ширин,  
Сизга ҳам булбулнавозлик, ҳам фасоҳат юзланур.

Яхшидур юрмоқ мудом аҳли надоматдан йироқ,  
Ки надомат аҳлидан ифво, надомат юзланур.

Ошиқ Эркин, қил мудом минбаъд ёмонлардан ҳазар  
Ким, ёмонлардан мудом элга қабоҳат юзланур.

09.06.99





## КУЛ БЎЛСА ҲАМ ЖОН

Муҳаббат деб қуйиб, кул бўлса ҳам жон,  
Ишқ таркин қилмоққа йўқ менда имкон.

Билинмас заррача васлинг йўлинда  
Қийнаса-да минг қўйга солиб ҳижрон.

Ўртамас дилдорин, ошиқ кишида  
Гар бўлса садоқат, гар бўлса виждон.

Яйрангиз беш кунлик бу чархи дунда,  
Барча бу очунга беш кунлик меҳмон.

Чидаш ёр жабрига мушкулми шунча,  
Борму дунда ситам бундан ҳам осон.

Алангламай ҳар ён, айшнингни сургил,  
Қайтиб келмас асло бу даври-даврон.

Ўлар дунё бу дунё, Ошиқ Эркин,  
Беш кунлик жабрига бўлмагил ҳайрон.

15.06.99





## БАХТИМГА ЎЗИНГ БОРСАН

Азизим, меҳрибонгинам, дуру жавоҳир, жонгинам,  
Ҳам хуршиди раҳшонгинам – бахтимга ўзинг борсан,  
Қанддек мазали ёрсан.

Ширин-шакарим, асалим, барча гўзалдан гўзалим,  
Қўшигим, куйим, ғазалим, бахтимга ўзинг борсан,  
Порлаб турган дилдорсан.

Офатижон эй малоҳат, муҳаббатинг сени роҳат,  
Ҳуру малаксан бағоят – бахтимга ўзинг борсан,  
Олма, анорсан, норсан.

Лаълинг сени шаҳду шакар, ҳусну жамолинг жилвагар,  
Қуёшсан, қошлари қамар, бахтимга ўзинг борсан,  
Ҳам сарвигул рухсорсан.

Сен бўлмасанг найлар эдим, кимни дилга жойлар эдим,  
Оҳу фиғон айлар эдим, бахтимга ўзинг борсан,  
Болсан, шакаргуфторсан.

Ошиқ Эркиндан хуш олон, то ҳаёт – кўнглинда қолон,  
Йўқдир сўзларинда ёлон – бахтимга ўзинг борсан,  
Мўччи, мазали ёрсан.  
Ёниб турган дилдорсан,  
Болсан, мазали ёрсан.

18.06.99





## ЮР, ЦАРИ

Юр пари, ўйнаб келамиз, анҳорни бўйлаб келамиз,  
Бир-биримизга ишқимиз йўл бўйи сўйлаб келамиз,  
Яйрашга етди фурсатинг, ишқ ўйноли, бер рухсатинг.

Ўтмасдан севги фаслимиз, оромлар олсин васлимиз,  
Биз ҳам ахир Одам Ато, Момо Ҳавонинг наслимиз,  
Бор бўлса жиндек фурсатинг, ўтказма, эркам, фурсатинг.

Йўқ заррача журмим мани, озори йўқ қумрим мани,  
Меҳру мурувват кўрғазиб, бахтиёр эт умрим мани.  
Ўйланмайин бер рухсатинг, ўтказма, эркам, фурсатинг.

Гар қўшмасак жонни жона, нечун келганмиз жаҳона,  
Ёмонми олсак баҳралар меҳримиздан қона-қона.  
Ўтказма, жоним, фурсатинг, тўйинг қилай, бер рухсатинг.

Ошиқ Эркиннинг ёри бўл, садоқатли дилдори бўл,  
Ғамхўри, номус-ори бўл, ҳам лаълишкарбори бўл,  
Етибдур, эркам, фурсатинг, ишқ ўйноли, бер рухсатинг.

18.06.99





## НАСИБ ЭТСА

Кулар бахтинг, яхши бир ёр насиб этса,  
Очиқ кўнгил, шакаргуфтор насиб этса.

Насиб этса гўзалдир яхшига яхши,  
Сахий дилга сахий дилдор насиб этса.

Очиқ бўлса юзи феруза осмондек,  
Очиқларга қуёшрухсор насиб этса.

Ўзинг асра, илоҳим, феъли бадлардан,  
Доноларга доно бир ёр насиб этса.

Садоқат риштасин белга камар қилган  
Садоқатга бўлар дучор насиб этса.

Вафоли бўлса ким — давлат насиб этсин,  
Туганмас давлати бир бор насиб этса.

Ташаккур, Ошиқ Эркин етди гавҳарга,  
Бўлар ул энди гавҳардор, насиб этса.

21.06.99





## ҲАҚДАН ЕТСА ИНОЯТ

Ҳақдан етса иноят,  
Бўларсан шод бағоят.

Адолат йўлин равшан  
Айлар нури ҳидоят.

Мушкулдир элнинг иши  
Гар бузилса адолат.

Қилма бузуқ феълларни,  
Ўзинг, соҳибкаромат!

Дунё азал кенгга кенг,  
Торга тордур ниҳоят.

Ҳаёт ҳикматидур бу,  
Келтирмадим ривоят.

Етар ҳамиша юртга  
Яхшилардан шарофат.

Ер бўларсан бошингга  
Ёгса ёлғон маломат.

Бўлса ёмонга бўлсин  
Надомат, минг надомат!

Азалдан элга яхши  
Қўлдан келур шарофат.

Кимки улуг — минг яшар.  
Кўпдир бунга шаҳодат.

Элим, юртим деганлар  
Бўлғай доим саломат.

Яхши бўл, яхшиларни  
Оллоҳ қилар ҳимоят.

Сахий бўл, Ошиқ Эркин,  
Бахтинг бўлар зиёдат.

*21.06.99*





## СОҲИБИ ШОН БЎЛАРСАН

Соҳиби шон бўларсан гар бўлса Тангри ёринг,  
Ожиз жисми жонингда тўлиб-тошар мадоринг,  
Бир зарра берса басдур ганжинани – давлатни,  
Тугамай кетар ҳатто илгингда – қўлда боринг.  
Соҳиби шон бўларсан гар бўлса Тангри ёринг.

Юлдузларни оларсан узатиб қўлинг бир-бир,  
Тенгрангдан ҳатто қишда хуш насим эса ғир-ғир,  
Титрамас танинг асло қаҳратонларда дир-дир,  
Рухланиб илоҳийдан, олдинда юрар норинг,  
Соҳиби шон бўларсан гар бўлса Худо ёринг.

Эл ичинда кун-бакун ошиб борар шуҳратинг,  
Ҳам иззат, ҳам ҳурматинг, ҳам мартаба, қудратинг,  
Шоҳона давраларда ардоқда бўлар отинг,  
Ижобат топар доим ҳар не азми-қароринг,  
Тахтингдур Арши аъло гар Тангри бўлса ёринг.

Оллоҳ назари тушган бир умрга кам бўлмас,  
Юзларинда нур ўйнар, дийдалари нам бўлмас,  
Унингдек, Ошиқ Эркин, бахтиёр одам бўлмас,  
Бек яшарсан, эл-улус асло эшитмас зоринг,  
Ўтарсан суриб даврон гар бўлса Тангри ёринг.

23.06.99





## ҚОШУ КЎЗИНГНИ ҲЙНАТИБ

Не кўйларга солиб кўйдинг, онгларимни олиб кўйдинг,  
Юрагимда қолиб кўйдинг қошу кўзингни ўйнатиб.

Кўз тушса бас — лол этасан, ҳам ошуфта ҳол этасан,  
Сеҳринг моло-мол этасан қошу кўзингни ўйнатиб.

Ишқинг тушдими ё менга, сарвқад, қоши ё, менга,  
Боқурсан маҳлиё менга қошу кўзингни ўйнатиб.

Кўнглимни тоширмақдасан, меҳримни оширмақдасан,  
Бир сирни яширмақдасан қошу кўзингни ўйнатиб.

Товусмисан, оҳумисан, сеҳргарми, жодумисан,  
Оққушмисан, оққувмисан қошу кўзингни ўйнатиб.

Ёшу қарига ёқасан, элинг барига ёқасан,  
Нозланиб, хумор боқасан қошу кўзингни ўйнатиб.

Хандон уриб, кулиб келдинг, бўйдоқлигим билиб келдинг,  
Юрагимга кириб келдинг қошу кўзингни ўйнатиб.

Жон оладур ханданг сени, Ошиқ Эркин банданг сени,  
Ақлу ҳушим олдинг мени қошу кўзингни ўйнатиб.

24.06.99





## ЧЕХРАНГ БОРИДА...

Йўқдир менга сен каби саодат,  
Чехранг борида қуёш не ҳожат?

Ахтарган ила дунда тополмас  
Лаълингга қиёс бўлгали шарбат.

Қилсам ўйлайн ол лабларингнинг  
Завқу шавқини асалга нисбат.

Ором топадур жонига бешак  
Ким қилса агар сен билан суҳбат.

Васлингдан умр бўйи олурман  
Шому саҳар илҳом ила рағбат.

Гийбатга йўлиққай Ошиқ Эркин,  
Маҳшаргача айлаб сени ҳурмат.

Йўқдир менга сени каби саодат,  
Чехранг борида қуёш не ҳожат!

25.06.99





## БОҒИМ МЕНИНГ ЧАМАН ГУЛ

Боғим менинг чаман гул,  
Ҳар шохида бир булбул.

Хонишларидан яйраб,  
Завқ олар эрка кўнгул.

Ҳайрон турфа нағмадан  
Ҳар йигит-қиз, ҳар сингил.

Сайрашганда булбуллар  
Хандон тўлиб-тошар дил.

Боғ ичра тўла пайкар —  
Гулруҳ, Ойгул, Моҳигул.

Турфа гулли боғимнинг  
Ҳар шохида бир булбул.

Тўладир, Ошиқ Эркин,  
Булбул куйига кўнгул.

28.06.99





## ГУЛБАДАНИМ

Гул юзли дилдорим маним,  
Фидо сенга жон ва таним.

Сенингдурман маҳшаргача,  
Жону таним, гулбаданам.

Ловуллаб, ўт бўлиб ёнар  
Ҳар кўрганимда баданам.

Сенсан кўзимнинг равшани,  
Ҳам гулшаним, ҳам чаманим.

Минглар ичидан танлаган  
Сен менинг шарафим, шаъним.

Садоқат — ишқим гултожи,  
Муҳаббат — дил берган фаним.

Сўнса меҳрим, Ошиқ Эркин,  
Минг бор яхшидур ўлганим.

29.06.99



---

## ЙИГЛАМА, ҚИЗ, ЙИГЛАМА

Севаман деб қўл бериб, ваъдаларни мўл бериб,  
Шаънингга юқтириб-бард, алдаб кетдими номард.  
Йиғлама, қиз, йиғлама, юрак-бағринг тиглама,  
Ғам емагил, бир куни уволинг тутар уни.

Беҳудага тўкма ёш, ситамга бергил бардош,  
Ўз бахтингни топарсан, синглим, омон бўлса бош.  
Йиғлама, қиз, йиғлама, юрак-бағринг тиглама,  
Ғам емагил, бир куни уволинг тутар уни.

Олдинда ҳали бахтинг, заррин тож ила тахтинг,  
Қўнглинг чўкмасин, синглим, қўйгил, синдирма шахдинг,  
Йиғлама, қиз, йиғлама, юрак-бағринг тиглама,  
Етиб келиб бир куни, уволинг тутар уни.

Алдоқчи-ю пастназар ваъда қилар сийму зар,  
Севгини ўйин билган номардлардан алҳазар.  
Йиғлама, қиз, йиғлама, юрак-бағринг тиглама,  
Етиб келар бир куни, уволинг тутар уни.

Ўйлар кайфу сафони, номард — кони жафонинг,  
Худойим, уйи куйсин алдоқчи, бевафонинг.  
Йиғлама, қиз, йиғлама, юрак-бағринг тиглама,  
Ғам емагил, бир куни уволинг тутар уни.

Сарвиқад, соҳибжамол, Ошиқ Эркин пандин ол,  
Ишон, ҳали олдинда сен мурод этган иқбөл.  
Йиғлама, қиз, йиғлама, юрак-бағринг тиглама,  
Ишон, синглим, бир куни уволинг тутар уни.

29.06.99



## ҒАНИМАТ БИЛ

Ўткинчи бу очунда одамни ғанимат бил,  
Одам билан мунаввар оламни ғанимат бил.

Оллоҳ муяссар этган ҳар бир нафас ғанимат,  
Бағринг тўлдириб олган ҳар дамни ғанимат бил.

Замин узра ғанимат қўйган одимларинг ҳам,  
Хандон отилган ҳар бир қадамни ғанимат бил.

Шабнамдек тиниқ бўлсин умринг ҳам, ҳаётинг ҳам,  
Заррин нур каби шаффоф шабнамни ғанимат бил.

Ҳар бир кунинг, биродар, ўтмас базм — тўй бўлиб,  
Шодликка тўлиб-тошган байрамни ғанимат бил.

Баъзиларга давлатни сийлаб берар табиат.  
Ҳам бахту саодатдан хуррамни ғанимат бил.

Баробардур, азизим, ўлим шоҳу гадога,  
Ҳимматда Хизр кўрган ҳотамни ғанимат бил.

Умри-кунинг гўзалдир мудом дўсту ёр бирла,  
Ҳар лаҳза улфати жон — ҳамдамни ғанимат бил.

Одам билан мунаввар чархи дун, Ошиқ Эркин,  
Оламнинг чароғбони — одамни ғанимат бил.

30.06.99



## ДИЙДОРИНГГА ЕТИШГАН КУН

Кулф урар кўнглимда баҳор,  
Юрак ҳам мисли лолазор,  
Шодликларимдур бешумор  
Дийдорингга етишган кун.

Уриб жавлонлар ҳар ёнга,  
Кўйиб чек доғи ҳижронга,  
Сигмасман еру осмонга  
Дийдорингга етишган кун.

Бағрим нурга тўлар бешак,  
Жоним, байрам бўлар бешак,  
Душман куйиб ўлар бешак  
Дийдорингга етишган кун.

Қирқ кечаю кундузгача,  
Тортиб ош элга ўзгача,  
Тарарман куй юлдузгача  
Дийдорингга етишган кун.

Шўх жаранглаб кўшиқ, назм,  
Кўкда қамар қилар таъзим,  
Бўлар ҳеч бўлмагон базм  
Дийдорингга етишган кун.

Ошиқ Эркин аямас жон,  
Тўлар ҳатто — йўқдир гумон,  
Каптар сутига дастурхон,  
Дийдорингга етишган кун.

30.06.99



## ХОРАЗМ МАШҲУР ДИЁР

Хоразм машҳур диёр, жаннатнинг бир бўлаги,  
Аҳли юртнинг қадимдан уриб турган юраги.

Хоразм машҳур ўлка, Туронзамин кераги,  
Тилло.узиги элнинг, ҳам марварид зираги.

Хоразм машҳур воҳа, ҳур Ватаним тираги,  
Битмас кучу қудратга тўлиб тошган билаги.

Хоразм суюк бир юрт, Аму унинг юраги,  
Беллашувларда ерга теккан эмас кураги,

Хоразм буюк бир эл, эзгуликдир тилаги,  
Ёқут қоши юзикнинг, жаннатнинг бир бўлаги.

Азизларим, Хоразм Ҳақнинг юрак сўзидир:  
Дийдаларга тўтиё жаннатнинг худ ўзидир.

Хоразм машҳур диёр, Туронзамин кераги,  
Хоразмийларнинг мангу уриб турган юраги.

Хоразм гулгун замин, беҳиштнинг бир парчаси,  
Янглишдим, Ошиқ Эркин, парчасимас — барчаси!

03.06.99





## ЭЙ, ХУРШИДИ ДАВРОНИМ

Бахшида сенга жоним, эй хуршиди давроним,  
Сен бирла кечса умрим, қолмас сира армоним,

Сенинг муҳаббатингдан топмоқда ривож ишқим,  
Ишқингни муҳаббатимдан бахтиёрим, комроним.

Севгимни меҳр бирла яшнатган қуёшдурсан,  
Ишқингни садқасидур меҳрим билан иймоним.

Юрмоқдаман то маҳшар айирма, раббано, деб  
Гулим, ёлғиз ўзингсан ҳам жоним, ҳам жононим.

Кўнглим сенинг, шакарлаб, қадди бўйингга муҳтож,  
Бағрингда ўтса дейман ҳар сония, ҳар оним.

Қулф урмоқда давроним, хуршиди талъатингдан  
Дер Ошиқ Эркин: “Соғ бўл, эй хуршиди давроним!”

01.07.99





## ШАЙДОЛИГИМДАН ОГОҲ... .

Хони васлингни борму мен каби мубталоси,  
Шайдолигимдан огоҳ буткул Урганч қалъаси.

Токай чарх урар Ҳақ, деб изларингда дарбадар  
Юрак-бағри кул бўлган бир мусулмон боласи.

Ҳижронинг ёмон эзди, маҳваш, кундузга монанд  
Сочларимнинг оқармай қолмади бир толаси.

Бевафолардан доим асраб юргил ўзингни,  
Аҳли ишқнинг ҳам ахир бор ичинда оласи.

Маҳкам тутгил илгидан садоқатнинг, вафонинг,  
Садоқатдан чекинган ёмон кунга қоласи.

Нигоримга: “Нодон қиз, сени чин дилдан фақат  
Ошиқ Эркин севар!” деб айтинг амма, холаси.

02.07.99





## СЕНДАН КЎРКАМ ДИЁР ЙЎҚ

Қучоқлари малҳами жон, дилрабо,  
Тўрт фасли ҳам жаннат каби хушҳаво,  
Куй, қўшиғи бирам дилбар, хушнаво,  
Азиз ўлкам, сендан кўркам диёр йўқ.

Сурур тўла юрагинда, кўзинда,  
Ҳақ каломи шоирларин сўзинда,  
Эл-юрт тўла серҳасрат ер юзинда,  
Азиз ўлкам, сендан кўркам диёр йўқ.

Сувинг гавҳар, бағринг обод, нур-зиё,  
Мева-мастонларинг шифобахш, даво,  
Тупроқлари дийдаларга тўтиё,  
Азиз ўлкам, сендан кўркам диёр йўқ.

Бағринг макон этган халқлар жонисан,  
Жонидан ҳам ширин, жонажонисан,  
Ҳурлик, адолатнинг битмас конисан,  
Азиз ўлкам, сендан кўркам диёр йўқ.

Осмонлари биллур каби бегубор,  
Ҳуснинг ила қилар диллар ифтихор,  
Эл-элоти саодатли, бахтиёр,  
Азиз ўлкам, сендан кўркам диёр йўқ.

Бормоқдадир ошиб шуҳратинг, шонинг,  
Кўз каби ардоқда ичон, дешонинг,  
Дўстлар, Ошиқ Эркинга ҳам ишонинг,  
Очунда ўлкамдан кўркам диёр йўқ.

06.07.99

---



## ШОҲИМГА ТАЪЗИМ

Шаънига муносиб дилкаш, дилрабо назм,  
Номи дилларда тарона, шуҳратли, азим,  
Саодатли эртамизга сололган разм  
Мурувватли, марҳаматли шоҳимга таъзим.

Истибдоднинг занжирларин мардона ечиб,  
Элу юрт бахтин ўйлаган оромдан кечиб,  
Унинг боис юрмоқдамиз кўкларда учиб,  
Марҳаматли, мурувватли шоҳимга таъзим.


Эркинликдан, саодатдан баҳраёб этган,  
Орзуларни, умидларни мустажоб этган,  
Элга меҳру адолатни беҳисоб этган  
Марҳаматли, мурувватли шоҳимга таъзим.

Дунё ичра дунёларга йўл очиб берган,  
Боболар қадрини тиклаб, дурларин терган,  
Қабоҳатга Темур каби кўкрагин керган  
Саодатли, саховатли шоҳимга таъзим.

Саккиз йилким, истиқлолдан баҳраманд ўзбек,  
Саккиз йилким, саодатдан шакарханд ўзбек,  
Энди кўкси токи маҳшар сарбаланд ўзбек,  
Адолатпарвар юртбошим — шоҳимга таъзим.

Ошиқ Эркин эл раҳматин айлади баён,  
Ислоҳ Карим азми бирла шон тараб ҳар ён,  
Юзлаб тилда номи дoston — ҳур Ўзбекистон,  
Бу шуҳрат, бу шонлар учун шоҳимга таъзим.

06.07.99



## ДАВЛАТИНГ БЎЛГАЙМУ КАМ

Дилрабо, лаълинг сени қанду новвот,  
Мисли жаннат кавсари — оби ҳаёт.

Давлатинг, сарви санам, бўлгайму кам  
Лабларингдан кунда бир берсанг закот.

Завқ олиб, парвоз этарман кўкда мен,  
Рухларимдан боғлабон яйраб қанот.

Сўзларинг шаҳду шакар, жонбахш сенин  
Тенг эмас шавқига “Ушшоқ”у “Баёт”.

Бахш этай жоним занахдонингга мен,  
Ҳам сенинг илгимдаги барча бисот.

Маҳваши лаълига етмай қолмагай,  
Бўлса гар тоғлар мисол кимда сабот.

Ошиқ Эркин интизор сенга, нигор,  
Тез бориб озурда жонни жонга қот.

07.07.99





## ҲАЙРОНА БЎЛМАГАН КИМ

Бир кўриб жамолингни, ҳайрона бўлмаган ким,  
Бўлиб лол, аҳлу хушдан бегона бўлмаган ким.

Чин муҳаббат домига тушса ким омон чиққай  
Бўлиб қул муҳаббатга, афсона бўлмаган ким.

Ишқ шарбагини ичган ширакайф бўлар албат,  
Нўш этиб лаъли лабдан, мастона бўлмаган ким

Айлаб қўяр муҳаббат кўча-кўйда дарбадар,  
Лаълини хумор айлаб, девона бўлмаган ким.

Чин ошиқ эрса Мажнун ҳолига тушар бешак,  
Гул юзли ёр ғаминда ғамхона бўлмаган ким.

Дуч келиб садоқатсиз дилдорга, ғанимлардин  
Ишқ тўла юрак-бағри вайрона бўлмаган ким.

Ўлгунча садоқатдан чекинма, Ошиқ Эркин,  
Дилдорга садоқатда дурдона бўлмаган ким.

07.07.99





## СЕВИБ ҚОЛДИМ

Жаҳон раъноларин пари-пайкар хони,  
Бир кўрдиму севиб қолдим Зулайҳони.

Туганмас баҳралар олдим жамолидан,  
Зиёларга тўлиб ишқимнинг осмони.

Учратмадим, бир сўз ила айтар бўлсам,  
Гул чеҳралар ичра бунингдек аълони.

Қувончларга тўлиб кетди ёниқ кўнглим,  
Бўлиб дилдор ёниқ кўнглимни райҳони.

Чиройда мангзатиб бўлар унга асло  
На Лайли, На Гулоро, на Дилорони.

Унингдек йўқ ҳаё бирла назокатда,  
Арзир маҳвашларнинг гар бўлса султони.

Ёмон кўз бирла ким унга боқар бўлса  
Ўшал он Ошиқ Эркиннинг чиқар жони.

09.07.99



---

## САН МАНИМ БҮЛ, САН МАНИМ!

Маним сийминбаданым, сан маним бүл, сан маним,  
Ишқимни бахш этганим, сан маним бүл, сан маним.

Маним бебаҳо дурим, ҳам сулуриим, ҳам суриим,  
Юракдаги суруриим, эй гулгун, кумуш таним,  
Сан маним бүл, сан маним.

Борлигим кўриб баҳам, сенингдурман ўзим ҳам,  
Ўзинг икки кўзим ҳам, нурга тўлдир баданым,  
Сан маним бүл, сан маним.

Меҳрингдан қониб ичай, бағримга олиб кучай,  
Кучмоққа оғушим шай, айлай кўксинг масканим,  
Сан маним бүл, сан маним.

Ўзим ҳам сенинг бўлай, сенинг бўлмасам ўлай,  
Бирликда ўйнаб-кулай, фаҳрим, гуруриим, шаъним,  
Сан маним бүл, сан маним.

Ишқингда жон фидоман, йўлларингда адоман,  
Қилмай энди нидо ман, нури дийдам, равшаним,  
Сан маним бүл, сан маним.

Ҳаётим, булбулимсан, хазон билмас гулимсан,  
Юрагимсан, дилимсан, вафога бой масканим,  
Сан маним бүл, сан маним.

Ошиқ Эркинни шод эт, мушкулларин кушод эт,  
Ғариб кўнглин обод эт, садоқат – севган фаним,  
Сан маним бүл, сан маним.

10.07.99

---

## НАДАГАН ГҮЗАЛСАН

Кўп эрса-да ишқда ёноқлари лаъл,  
Кўрмадим сен каби гўзал ҳеч маҳал,  
Хурлар муҳаббатда талашдур азал,  
Шаънингга ярашар қўшиқ, куй, ғазал,  
Надаган гўзалсан, гўзалсан, гўзал.

Қалдирғочга мангзар қайрилма қошинг,  
Синглим, қўтлуғ бўлсин муҳаббат ёшинг,  
Хушёқар юракка ўғрин қарошинг,  
Армуғондир сенга қўшиқ, куй, ғазал,  
Надаган гўзалсан, гўзалсан, гўзал.

Жоним олар кўзларингни қароси,  
Васлинга етмакни борми чораси,  
Адойингдур бир мусулмон боласи,  
Айла энди мушқулимни ўзинг ҳал,  
Надаган гўзалсан, гўзалсан, гўзал.

Сарви гулдек қадди-бўйингдан аканг,  
Барча ширин орзу-ўйингдан аканг,  
Беҳабар қолмасин тўйингдан аканг,  
Ёзарман жон дея табриклар ғазал,  
Надаган гўзалсан, гўзалсан, гўзал.

Бўлсанг-да, париваш, ардоғли кимга,  
Қўймайсан ҳоли-жоним, эркимга,  
Бир бўса берсанг бас Ошиқ Эркинга,  
Яхшига яхшилиқ муродим азал,  
Надаган гўзалсан, гўзалсан, гўзал.



## ДУШМАНГА ГАР АЙЛАНСА ДҮСТ

Чин рафиқдур беғараз хизматга гар шайланса дўст,  
Кутма зинҳор яхшилик душманга гар айланса дўст.

Дўсти содиқ бўлмагай дўст бўлса дастурхон учун,  
Айлагай ёнингни тарк дийдалари мойланса дўст.

Бўлса илгингда сенинг иймонини кўргил синаб,  
Кўрмагай бир пашшача мансабга гар сайланса дўст.

Юр узоқ ундан мудом ганжиналар этса мурод,  
Уз умид ҳатто Сулаймон тахтина жойланса дўст.

Тушса гар бошингга иш албатта кўрмасга олар,  
Чиққай одам сонидан ҳам кўзлари бойланса дўст.

Дўнса душманингга дўст бўлгай ашаддийдан баттар,  
Ошиқ Эркин, онгли юр душманга гар айланса дўст

12.07.99





## ЖОН ДЎСТИ БОШҚА

Мол дўсти бошқа-ю жон дўсти бошқа,  
Хон дўсти бошқа-ю нон дўсти бошқа.

Баъзилар дўст бўлар шуҳратинг учун,  
Холис дўст бошқа-ю шон дўсти бошқа.

Биров хоксор дўст хоксор дўстга,  
Фариб дўсти бошқа, хон дўсти бошқа.

Яхши-ёмон кунда ҳар кимсанинг ҳам  
Узоқ дўсти бошқа, ён дўсти бошқа.

То маҳшар қадарлик дўсти содиқнинг  
Содиқ дўсти бошқа, он дўсти бошқа.

Эҳсонга талпинган иймонсиз дўстдир,  
Иймон дўсти бошқа, нон дўсти бошқа.

Ошиқ Эркин, улуғ ҳикмат бул ҳикмат,  
Мол дўсти бошқа-ю жон дўсти бошқа.

12.07.99





## ТҮРТЛИКЛАР

Ёқимсиз нағмадан кўнгил сел бўлмас,  
Ҳаловатсиз эсан елдан ел бўлмас,  
Ўз юртини назар-писанд қилмаган  
Ўзга эл билан ҳам асло эл бўлмас.

\* \* \*

Ўзга эллик шахдам босиб қадамини,  
Роҳатда ўтказмоқ истар ҳар дамини.  
Тортмайди тап мартабалар илинжида,  
Одимда сотиб шу юртнинг одамини.

\* \* \*

Кимки бегоданур – бегоналик этар,  
Яхшилик айлаганнинг бошига етар.  
Ахир, бўри бўри-да, асло дўст бўлмас,  
Минг боқсанг-да ўз аслига тортиб кетар.

\* \* \*

Ўзга элда яшаб, бўлса-да лобар,  
Қони қонга қўшилмайди, биродар.  
Туғилган заминдан қўл силтаб кетган  
Ватанни ҳам сотган билан баробар.

\* \* \*

Она-юртни сотган – душмондан ёмон,  
Қолмас ундайлардан ҳеч ким ҳам омон.  
Бориб ўзга элни макон айлаган,  
Шу элни ҳам сотар бир кун бегумон.

Бировларга бериб давлат керагидан зиёда,  
Бировларни отли қилдинг, бировларни пиёда.  
Не бўларди ризқу зарни ҳаммага тенг улашсанг  
Адолатинг тутмай дариг беш кунлик бу дунёда.

\* \* \*

Берганларим ризқу рўзни тенг кўришсин деб баҳам,  
Тарози ҳам ижод қилдинг, Парвардигори олам,  
Яралмишки, адолатга хизмат қилмас бу матоҳ,  
Унда ғариб посангиси тош босмайди ўлса ҳам.

\* \* \*

Ерлар уриб депсиниб, айласа ҳамки минг дод,  
Тангри берган умрдан кўп яшамас одамзод.  
Шундай экан, тан бериб яша Худо амрига,  
Оз бўлса-да беш кунлик дунёнгни қилиб обод.

\* \* \*

Дилдорлар, аҳли ишқдан вафодек қочиб юрманг,  
Беюз, беҳаёларга ҳаргиз юз очиб юрманг,  
Беймон, бевафога шамъи рухсорингиздан  
Вафоли меҳр нурин базинҳор сочиб юрманг.

\* \* \*

Чувалчангни ем қилгандек балиқчилар,  
Нопок ўзга қўли бирла бад иш қилар.  
Ёмон учун қурбон қурт ҳам, калтабин ҳам,  
Бу не жумбоқ? Сириин фақат Худо билар.

\* \* \*

Юртга султон бўлишни нопоклар айлар ҳавас,  
Амалга интилгандан элга яхшилик чиқмас.  
Тожу тахт манглайига ёзилганники азал,  
Гар кимни севса Худо, тахт ҳам шўникидир, бас.

\* \* \*

Асли бойларда бисёр бойлик, бахтга эҳтиёж,  
Азал хону султонлик, кўшқу нақдга эҳтиёж.  
Камбағалининг бир умр бир тўйгани давлатдир,  
Қачон бўлган гаёйда тожу тахтга эҳтиёж.

\* \* \*

Хандон кулиб куёшдек гулгунёноқ рухсоринг,  
Яшнаб турган кўксингни безабдир икки норинг.  
Бахш айласанг ўзингни, Ошиқ Эркинга, жоним,  
Бўлгай ишқ-муҳаббатда то абад Тангри ёринг.

\* \* \*

Сенга, лайлим, билмадим — тенг борму йўқ,  
Ол ёноғингдагидек менг борму йўқ,  
Энг гўзал очунда сенсан мен учун,  
Сенга мендек юрак-бағри кенг борму йўқ.

\* \* \*

Аҳли жонондан вафо кўз тутса ким,  
Йўқ ҳуши, унга мадад бермас ҳаким.  
Бундайин жон жавҳарин ҳар кимсадан,  
Жинниликдур таъма айлаб юрмаким.

\* \* \*

Малаксиймо нозанин, нозлар этиб ўлдирдинг,  
Мен ғарибга меҳрингни озлар этиб ўлдирдинг,  
Ошиқ Эркинингни, айт, не гуноҳи бор эди,  
Базмингда ишваангиз бозлар этиб ўлдирдинг.

\* \* \*

Тез бориб, Ошиқ Эркин, жононга жонни топшир,  
Ҳам кўшиб кўнгил отлиқ зору ҳайронни топшир.  
Май бериб лабларидан тарқатсин ул хуморим,  
Бўйига садқа айлаб, руҳи равонни топшир.

\* \* \*

Эй қудратли, элга меҳри нўмойим,  
Кундузлари куёш, тунлари ойим.  
Туганмас қил ризқу насибамизни,  
Тарк этмагил диёримни, ҳумойим.

\* \* \*

Кўзларимга тўтиё синғон сафол,  
Бағри қон дарвеш у, ё чеҳраси ол.  
Бил, уни шўр қоплаган тупроқ эмас,  
Ўтган азизлар лойидан қорган қуллол.

\* \* \*

Аҳли дониш ичра бўлсанг-да даҳо,  
Ҳаққа етишмоқни айла муддао.  
Исми комил бўлиши мумкин, аммо  
Комил инсон бўлиш қийин мутлақо.

\* \* \*

Айладим жонимни бахш кокиллари сунбул учун,  
Қилманг айб булбул бўлиб чексам фиғон ул гул учун.  
Ишқ-муҳаббат боғидур алвон чечак унган чаман,  
Фунчалар очмиш юзин шул ишқибоз булбул учун.

\* \* \*

Қилмам тўтиё кўзга хоки пойин дилбарни,  
Хусусан, садоқатсиз, бемеҳр ситамгарни.  
Бевафо – хоки подур, кўзим эрса тўтиё,  
Қайси аҳмоқ тенг қилмиш тупроқ билан гавҳарни.

\* \* \*

Ишқ мени саргашта қилди, ҳасрато,  
Қилди вайрон, қилмади бир қаср ато.  
Ошиқ Эркин, кулбада қолсанг-да сен  
Завқу шавқни они маҳшар асра то.

\* \* \*

Комил инсондур саҳий бўлса киши,  
Бўлса унда эл ғамию ташвиши.  
Ундайин мардлар мудом иззатдадур,  
Олий ардоқда ўтар ёзу киши.

\* \* \*

Берсангиз кўнглимга таскин зора сиз,  
Чора шу қилганингиз мен зора сиз.  
Топмагай оромлар асло дил ўти,  
Гулшан ичра оташин наззорасиз.

\* \* \*

Мен-да бир дуөгўйингман, бахтинг ётмасин,  
Яхши ният, истакларим оғир ботмасин.  
Ошиқ Эркин васлинг тилаб келган куни  
Оқшом узоқ бўлиб, сира тонг отмасин.

\* \* \*

Ёдимдан чиқармам ёдингни сени,  
На ёдинг — муборак одингни сени.  
Кўксим қалқон қиларман, чиқса йўлга  
Кимки бермоқ бўлиб додингни сени.

\* \* \*

Кел, эй гулчеҳра юзлик маҳвашим, лаъли шакарборим,  
Сенинг рухсоринг ишқинда менинг сорғайди рухсорим.  
Тавалло айладим сонсиз менинг бўл деб умр бўйи,  
Наҳот етмас юрагингга ёниб қилган дил изҳорим.

\* \* \*

Муҳаббат сайдидурман, ўтли бир оғуш маконимдур,  
Ўлинча ёр ила бўлмоқ ҳаёти жовидонимдур.  
Ошиқ Эркинга то машҳар эурсан йўлчи юлдуз сен,  
Йўлингга гар керак бўлса мудомо садқа — жонимдур.

\* \* \*

Маҳвашимнинг мунчалар ҳам сур юзи,  
Кўзлари, ё Раб, худ оҳунинг ўзи.  
Жон олиб, кўнглимни ишғол этганин  
Бир худо, бир мен билурмен, бир — ўзи.

\* \* \*

Бўлса деб ёр мисли дур, мисли маржон,  
Эртаю кеч орзу этадир ҳар жон.  
Буткул хонумонидан кечар ошиқ,  
Лозим эрса бермоқ йўлида гар жон.

\* \* \*

Қирқ йилки, эй жону кўнгул, жононлар ўлди ҳамдаминг  
Оғушда олдинг хушнафас, роҳат-фароғат, ҳам даминг,  
Бахтлидурсан, Ошиқ Эркин, сен кириб чиққан чаман  
Бўлди ҳазор маъносида чўт қоқса ўну ҳамда минг.

\* \* \*

Ўртанма ёр, ёрим дея шу чол манинг,  
Маҳшар қадар дилдорим бўлиб қол манинг,  
Олма ёноқли маҳвашим, ўксинмагил,  
Бир юзи сан, бир юзи ман шу олманинг.

\* \* \*

Азизларим, ҳеч кимни ҳам жонона ёрдан қўймасин,  
Ҳазликда ўйнаб-қулишдан ҳамда қатордан қўймасин,  
Бизлардек кўпларни кўрган дунёдир бу, Ошиқ Эркин,  
Яна юз йил юз кўришиб, юз-юз отардан қўймасин.

\* \* \*

Яхшиям, сен борсан, муҳаббат,  
Сен борсанки, нурафшон олам.  
Сенинг сеҳринг, шарофатингдан  
Фароғатда яшайди одам.

\* \* \*

Бўлсин десангиз агар бошлар доим осмонда,  
Тошсин десангиз агар муҳаббат шавқи қонда,  
Қабул айлаб юракдан Ошиқ Эркин пандини  
Юрмак керак, азизлар, доим қаторда, сонда.

\* \* \*

Муҳаббат завқини қирмиз қондан чиқарма,  
Илоҳий бир қудратдир ул — қондан чиқарма,  
Худойим, Ошиқ Эркинни ўзинг асраб,  
Қатордан чиқарсанг чиқар, сондан чиқарма.

\* \* \*

Лайливашим, фироқингда чок ўлди, чок ўлди бағир,  
Мажнундирман шундан буён, шундан буён ҳолим оғир.  
Ошиқ Эркин аҳволига бир чора топ, изла даво,  
Меҳринг борида бағрини чок этиш шартмиди ахир.

\* \* \*

Гар ўзга бўлса ҳамки, париваш, фикру ройинг,  
Менинг ишқимдан ривож топмоқдадур чиройинг,  
Даркор эмас изламоқ ўзга илҳом парисин,  
Ошиқ Эркин, унингдек асло йўқ кўрка бойинг.

\* \* \*

Кўнглим кетди кўксингда яшнаб турган ул нора,  
Гул келсин кўзларига кўз тикса ким бул нора.  
Шул нор деб баланд дордан сакрашга розидурман,  
Ошиқ Эркин аҳдинда бир ёлғон йўқ, Гулнора.

\* \* \*

Камина тўтиёликка яралган жисми хокингман,  
Мурувват айла оғам деб, дили қон, кўкси чокингман  
Муяссар эт жамолингга, илоҳо, Ошиқ Эркинни,  
Муҳаббатни шиор этган ғариб бир ишқи покингман.

\* \* \*

Ёр, ўзингсан заррача нуқсони йўқ содиқ ҳабиб,  
Йўқ менинг дардим тушунгувчи ўзингдан зўр табиб.  
Бўлди бахш этганлигинг боис оташ меҳрингни сен  
Севгида шуҳрат таратмоқ Ошиқ Эркинга насиб.

\* \* \*

Жонимни сўрмагил, ёр, жоним ўзимга керак,  
Жисмимдаги руҳ ила қоним ўзимга керак.  
Менинг жон ила қоним олмоқдин муродинг не,  
Қону жоним ҳар лаҳза, ҳар оним ўзимга керак.

\* \* \*

Кўрмадим гўзал бир менг, гўзал, сенинг менгингча,  
Маҳбублар ичра энг зўр дилбарни ҳам, менингча.  
Ҳуру паризодларнинг, дунёлар кезиб кўрдим,  
Хусн ила латофатда ҳеч бири йўқ сенингча.

\* \* \*

Гўзалликда ҳеч санам ул дилхоҳимча йўқдир,  
Қалбимдаги париваш, яъни моҳимча йўқдир.  
Фарҳоду Мажнун ёр деб йиллаб чеккан нолалар,  
Ишқда менинг бир кеча чеккан оҳимча йўқдир.

\* \* \*

Айлаюр икки кўзим гулбоғи рухсорингда сайр,  
Олма тергандек мисоли сийнаи норингда сайр,  
Завқ оларман, Ошиқ Эркин, айласам ҳаддин зиёд,  
Лолазорингда сайр, ай, гулузқрингда сайр.

\* \* \*

Кел эй, айш асбобин зумда тах атаман,  
Ҳоҳлаганча кўнглингни хушвахт атаман,  
Ошиқ Эркинни сен, жоним, қуруқ дема,  
Сени ўзим ахатама, ахатаман.

\* \* \*

Ўлибман чархи дун ичра агар сен бегубор топсанг,  
Улуғликка муҳаббатда биронта бахтиёр топсанг,  
Гулим, албатта ўйнарсан отиб осмонга дўппингни,  
Дили пок Ошиқ Эркиндек жаҳонда яхши ёр топсанг.

\* \* \*

Севгисиз юрак — шамол хувлаб ётган гўшадир,  
Ишқда ағёр ваъдаси бари ёлғон — бўшадир,  
Ёр деса жаҳондан ҳам воз кечар Ошиқ Эркин,  
Ўлган-қотганин билмай, жўшса ўл даб жўшадир.

\* \* \*

*Йўлдош Худойбергеновга*

Воз кечарди Ҳотам номидан зинҳор,  
Сизнинг сахийликни гар кўрса бир бор.  
Мингларни лол этган улуг бу хислат,  
Бўлсин, дўстим, сизга маҳшар қадар ёр.

\* \* \*

Заррадурмиз, зарранинг ҳам, тўғриси, бир парчаси,  
Заррани ютмоқ учун доим очиқ Ҳақ дарчаси,  
Ишрат айла, майлига, минг йил Сулаймон тахтида,  
Кўз юмуб-очгунчалик бўлмас кетар чоғ барчаси.

\* \* \*

*Бир дўстимга*

Олмоқдасиз ўн минглаб ҳар ой ойликни, дўстим,  
Қайларда асраяпсиз шунча бойликни, дўстим.  
Ҳимматли деб юрардим, шаҳри Урганчга бориб  
Аминбойдан ўрганинг хотамтойликни, дўстим.

\* \* \*

Рақибнинг паймони тўлгани яхши,  
Алафдек қовжираб сўлгани яхши,  
Ёримга бевафо, деганмиш мени,  
Айбингни билгани ўлгани яхши.

\* \* \*

Бағрим бутун дейдиган бир кимса йўқ дунёда,  
Хамманинг ҳам тутуни бир-биридан зиёда.  
Бойнинг дарди бойлигини, дунёсини оширмоқ,  
Рози ҳатто ташимоққа Шомдан пойи пиёда.

\* \* \*

Бойлар бўлаберсам дер бўлган сойи бўлгунча,  
Кимнинг кўзи тўйибдир паймонаси тўлгунча.  
Молим етар, деганни, қани, кўрсатинг менга,  
Оёқларини ўпиб, тавоф этай ўлгунча.

\* \* \*

Истибодни маҳв этди улоқтирган тошингиз,  
Истиқлолга етишдик — дарё бўлиб тошингиз,  
Тарихларнинг қатида қолган қадриятларни  
Бахтдан энтиккан элга яйраб-яйраб тошингиз.

\* \* \*

Боқий эмас инсоннинг умри,  
Беш кунча йўқ юз яшаса ҳам.  
Берилган йил — Оллоҳнинг амри,  
Оллоҳ ҳукми — биз олган ҳар дам.

\* \* \*

Бордир ҳар кимнинг ўз дарди, армони,  
Бу — ҳикматга тўла ҳаёт фармони.  
Аммо йўқдир бу турмушда бировнинг  
Кўлларига қарагандан ёмони.

\* \* \*

Олма ёноқ узра ул кумуш менгинг  
Менингдур, менингдур, менингдур, менинг.  
Оламини лол этган жамолинг сенинг  
Менингдур, менингдур, менингдур, менинг.

\* \* \*

Дафтарни безар “алиф”,  
“Алиф” китобнинг нақши.  
Ҳаммадан ҳам шу қурғур  
Каллада бўлса яхши.

\* \* \*

Умр бу — паймони тўлмай қолган йўқ,  
Гул каби гуркираб, сўлмай қолган йўқ,  
Минг йил яшаса ҳам ўлмай қолган йўқ,  
Дўстлар, на ғанимат — дийдор ғанимат.

\* \* \*

Худовандо, ҳеч уйдан барака аримасин,  
Остонасига асло қайғу, ғам доримасин,  
Эгалари илойим минг яшаб қарисин-у,  
Ой сайин бир тўй бериб, хизматда ҳоримасин.

\* \* \*

— Туш экан, — деди у, — бир куни тушда  
Пора олмаганим кимдир кўрибди.  
Порани... билсангиз ахир, туш-туш-да,  
Тап тортмай ўнгида олиб юрибди.

\* \* \*

Ҳаётдан ҳамма тегишин олаяпти,  
Умр ўтиб, бошга қиров солаяпти.  
Орадан ташвиш-ла юз йил ўтса ҳам  
Кўз юмуб-очгунча бўлмай қолаяпти.

\* \* \*

Булбулнинг ватани гулгун чамандур,  
Йигитнинг орзуси учқур самандур.  
Тиконзорда сайрамагай булбуллар,  
Булбул азал чаманистон томондур.

\* \* \*

Роҳат-фароғатни улашган чоқда,  
Донолар бўлмаган асло саноқда,  
Дунё яралмишки, энг зўр луқмани  
Доимо нодонлар еб келишмоқда.

\* \* \*

Юракларга кўчирсам булбулларнинг навосин,  
Адо айлаганим шу қалбимнинг муддаосин.  
Мардона карам айлаб, ўзинг, қодир худойим,  
Ғазалхон шоирингнинг вожиб айла дуосин.

\* \* \*

Не турфа ранг муҳаббатсан,  
Минг навъ жаранг муҳаббатсан.  
Неки дил бор — ҳайрон этиб,  
Ўзи гаранг муҳаббатсан.

\* \* \*

Ошиқ Эркин деб нега тахаллус танлагансиз,  
Дея савол берибсиз, тошиб кетди танда жон.  
Дардимни ковламанг-да, қўйинг, қизиқ экансиз,  
Ахир, сизга бир умр ошиқман-ку, қизларжон

\* \* \*

Иқболингни табиат қилган бўлса зиёда,  
Нодон эрсанг-да номинг қолар экан дунёда.  
Ҳаёт — шатранж ўйини, унда зафар қозонгай  
Тадбиркорлиги билан фарздин бўлган пиёда.

\* \* \*

Қўшиқларим сенга бахш этганим билсанг эди,  
Хуснинг юрагимга нақш этганим билсанг эди.  
Кўнглим ичинда, дилбар, сендан ўзга санам йўқ,  
Меҳрим сенга мисли Вахш этганим билсанг эди.

\* \* \*

Маним жону жаҳоним холинга садқа бўлсин,  
Ёкут лабларингдаги болинга садқа бўлсин,  
Аъло сифатларингни бир-бир санаб нетарман,  
Умрим беқиёс ҳусну олинга садқа бўлсин.

\* \* \*

Кўкда юлдузни найлай, менга кўзинг кифоя,  
Қанду новотдан афзал асал сўзинг кифоя.  
Ҳар ким ўз ёри бирла саломат бўлсин ишқда,  
Ўзгага учмас кўзим, менга ўзинг кифоя.

\* \* \*

Соғлиқ қадрини билгил, соғлиққа не етибди,  
Билмаса қадрини ким — соғлиғи ҳам кетибди.  
Тер тўккил, Ошиқ Эркин, саломатлик истасанг  
Меҳнат сени шарафлаб, соғлиққа ёр этибди.

\* \* \*

Саломатлигинг боис шодликка ёр десинлар,  
Тани-жони соғ унинг, ҳам бахтиёр десинлар.  
Соғлиқ — хушчақчақликда яйраб юр, Ошиқ Эркин,  
Сенда ўн гўч йигитнинг қуввати бор, десинлар.

\* \* \*

Кўчамни тўлдириб ёр, ҳар ўтганинг бир байрам,  
Тўймай боқиб изингдан, яйрайман шоду хуррам.  
Бир кўрса минг қувониб, жаҳонга сифмас Эркин,  
Айт-чи, минг кўриб, бир бор қувоңармисан сен ҳам?

\* \* \*

Иккилик қилганни эл кечирмайди,  
Эл кечирса ҳамки, эр кечирмайди.  
Беозор кўзлардан қон бўлиб оққан  
Ёш қаърига олар — ер кечирмайди.

\* \* \*

Оҳиста рўмолини еча бир қоракўз,  
Ошуфта қилиб қўйди кеча бир қоракўз.  
Омон бўлсин, қора кўзлар, Ошиқ Эркин,  
Кўйингда хумор кезар неча бир қоракўз.

\* \* \*

Анҳорларнинг мавжига ўхшатдим юришингни,  
Бир кўриб нигоҳингни тошди томирда қоним.  
Ороланиб оғушда кўрсайдим туришингни,  
Дунёча фароғатдан яйрарди жисми жоним.

\* \* \*

Яхши ёр учун жонни фидо этсанг арзийди,  
Жондан ҳам кечиб, ҳатто нидо этсанг арзийди.  
Офтоб қадар улуғлаб садоқати, меҳрини,  
Булбулларга жўр бўлиб, наво этсанг арзийди.

\* \* \*

Ёрга бир кўшиқ битдим, бошқача бир кўшиқ бу,  
Севгимни кўшиб битдим, ҳар ҳарфи сочди ёғду.  
Қуёшларга айланди Ошиқ Эркин юраги,  
Дилбар наво яралди шаънингни мақтаб, оху.

\* \* \*

Кўнглим неча замонким, ишқингни мубталоси,  
Билмам, мубталоликнинг бўлғайми ҳеч адоси,  
Муҳаббатда мен шуни билдимки, Ошиқ Эркин,  
Мубтало юракларнинг минг йилгидур нидоси.

\* \* \*

Йўлинг унмас тезаро толса отинг,  
Ундайин қирчангини четга отинг.  
Минса ким бедов, билинг, манзил яқин,  
Яхши йўлдош-ла мудом чиққай отинг.

\* \* \*

Бўлса ёр ноз уйқуда — уётингиз,  
Эркаланг гар бўлса-да уётингиз.  
Завқлар олсин, шавқ-ла беозор ўпинг,  
Ошсангиз ҳад — йўқлиги уётингиз.

\* \* \*

Ҳаддидан эркаланиб гар ёр ошур,  
Нозанин ёрга бу ҳад хўп ёрашур.  
Ўпклатмас эркалик ошиқни ҳеч,  
Қилса ҳамки ўпка гоҳ — тез ёрашур.

\* \* \*

Менга ором ўгрин-ўгрин боқишинг,  
Термулиб гоҳ тан аро ўт ёқишинг.  
Маҳвашим, ёзинггадур садқа бу жон,  
Кўрмасам дейман кузак ва ё қишинг.

\* \* \*

Икки ниш чиққан билан саққол эмас,  
Бир новвот сотган билан баққол эмас.  
Чўққиси кўкларга бўй чўзган билан  
Неки тоғ бор — бариси Чотқол эмас.

\* \* \*

Аввал роса мақтадилар лол қолиб талантини,  
Бундай ноёб ижодкорни кўрмаганмиз дейишди.  
Улуғлашди давраларда чиқазишиб “қанди”ни,  
Ахир талтайтиришди-ю, сўнг бошини ейишди.

\* \* \*

Ҳаётнинг тўртта фасли бор: Баҳори — ишқ-муҳаббат,  
Умр ташвишига тўла фасли унинг олов Ёз.  
Кузагида алвон ҳислар сўниб борар бешафқат,  
Оқ шоҳидан либос кийган Қиши унинг унсиз роз.

\* \* \*

Ўз элингда ҳар бир йил оғир келса-да аъло,  
Ҳатто мушкул дамда ҳам топарсан дардга даво.  
Минг беҳишдан афзалдур, она-юрт, Ошиқ Эркин,  
Жудоликдаги кундан ёмони бўлмас асло.

\* \* \*

Йигитлик мавсуми, Баҳоринг, инсон,  
Қиронлигинг — Ёзинг, шонинг бегумон.  
Хазонрезгиликка юз тутганинг, — Куз,  
Оппоқ мўйсафидлик — Қишинг, альамон.

\* \* \*

Ошиқлар оромгоҳи тоза қалбдур азалдан,  
Сенинг-да оромгоҳинг тоза қалб бўлсин, синглим.  
Муҳаббатда ҳаётинг ширин бўлсин асалдан,  
Жаҳон шодлигин сенга тилаб турмоқда кўнглим.

\* \* \*

Мунча ҳам тез — йилдиримдек ўтмаса эди умр,  
Бўлса эди вақт жилови инсоннинг ўз қўлида.  
Бўлар эрди минг яшасак нур устига аъло нур,  
Жонлар нисор этар эдик бунёдкорлик йўлида.

\* \* \*

Менга ширин жон бахш этсун лаъли лабинг,  
Дардимга дармон бахш этсун лаъли лабинг.  
Лаъли лабинг бодасидан сармаст бўлай  
Ким, шаққаристон бахш этсун лаъли лабинг.

\* \* \*

Моҳитобонимга етказ, худойим,  
Ўзинг жононимга етказ, худойим,  
Ошиқ Эркин жони чиқмасдан бурун,  
Ўзинг ҳайронимга етказ, худойим.

\* \* \*

Ошиғи мубталолик забт этса дилингни гар,  
Ёшингга ҳам қарамай Мажнундан бадтар этар.  
Кўриб-ку юрган эдинг, бечора Ошиқ Эркин  
Ўзинг ҳам ёр ишқида бугун дали-дарбадар

\* \* \*

Уйланмаган эсанг агар, эй фарзанд,  
Бахтиёрман, дея лоф урма ҳарчанд.  
Оиладир, Эркин, бахт ошиёни,  
Умр йўлдошинг-ла сен саодатманд.

\* \* \*

Қалбингни порлатувчи зар нурли қуёш — севги,  
Ҳам минг шамли чароғу, ҳам дурли қуёш — севги.  
Садоқат ошиёнин олтин калитидур ул,  
Ошиқ Эркин, умрбод сурурли қуёш — севги.

\* \* \*

Доим ширин мева берар дўстнинг аччиқ таёғи,  
Мен тўқиган фалсафамас — бу ҳаётнинг сабоғи.  
Душман зоти қулиб келиб зарб берар, Ошиқ Эркин,  
Аччиқ сўзли рафиқ эрур одамийлик маёғи.

\* \* \*

Самимий, садоқатли дўстларга очиқ уйим,  
Шулар шаънига бўлсин энг яхши қўшиқ, куйим.  
Дўстлар бирла бир умр шодонман, Ошиқ Эркин,  
Кўринмас дўстларимсиз дароз бўлса-да бўйим.

\* \* \*

Майли; суймасин мени мен юракдан суйганим,  
Майли, хотира бўлсин йўлларида куйганим.  
Сўнгги нафасгача то унутмас Ошиқ Эркин,  
Ўша муҳаббат эрди ишқни дилдан туйганим.

\* \* \*

Жаҳонни сиздирган шу жажжи юрак,  
Сени сиздириши муқаррар, бешак.  
Жой бўлмаса сенга Эркин дилида,  
Оламни жойламоқ унга не керак?

\* \* \*

Хазон этиб дилимни фироққа кўмма, дилдор,  
Билгил, унда ардоқли ёлғизгина ўзинг бор.  
Фақат Ошиқ Эркинмас — ўзинг ҳам қийналурсан,  
Юрагимни ўйламай ўртамоқ бўлсанг зинҳор.

\* \* \*

Йўқ дилоромим менинг сендан бўлак,  
Орзу, ошомим менинг сендан бўлак.  
Ошиқ Эркин ой висолинг зоридур,  
Бўлмағай комим менинг сендан бўлак.

\* \* \*

Ташқарида қиш кезар, дилимда баҳор,  
Атрофга чойшабин ёйган оппоқ қор.  
Инжу ҳисларингдур бу, Ошиқ Эркин,  
Ишқинг осмонидан ёғилган ашъор.

\* \* \*

Дилим ташналигин қондиргил, эркам,  
Майли, ўт олдиргил танамни буткул.  
Жоним керак бўлса сўнгги дамда ҳам  
Битта бўсанг учун берардим, эй гул.

\* \* \*

Яхши хулқ, ширин роз, чиройли одат,  
Ҳам сахийқалб эсанг — сен олиҳиммат.  
Садоқат илан ҳам танилгил элга,  
Шунда келажакка бўлурсан ибрат.

\* \* \*

Йигит кўзидаги битта томчи ёш  
Олдида уқпардай енгил тоғу тош.  
У шундай зилдирки, оғирлигига  
Ҳар қандай устун ҳам беролмас бардош.

\* \* \*

Пуч можаролардан, жоним, мени тинч қўй,  
Жанжал, гавғолардан, жоним, мени тинч қўй.  
Ёқтирмайди бош оғриқни Ошиқ Эркин,  
Бундай савдолардан, жоним, мени тинч қўй.

\* \* \*

Шонга ёрдур меҳнат билан топган эр,  
Мард эсанг ҳалоллик ила кўкрак кер.  
Ошиқ Эркин, шунда сени элу юрт  
Кўк қадар улуглаб, асл инсон дер.

\* \* \*

Севгинг хираланган чироқ бўлмасин,  
Висолнинг ораси йироқ бўлмасин.  
Висолга чора бор, ҳижронга йўқдир,  
Айрилиқ охири фироқ бўлмасин.

\* \* \*

Саховат – жавҳардир, соҳиби ўзинг,  
Вафодорлик ила ёруғдир юзинг,  
Омон бўл, пахтакор, замин фарзанди,  
Доим нурафшонлик кўзлайди кўзинг.

\* \* \*

Гулистоннинг ўзи бир жаҳон, билсанг,  
Ҳар гулда бир дунё сир – ниҳон, билсанг.  
Табиатда тилсим кўп, Ошиқ Эркин,  
Бағрида ҳали кўп дур пинҳон, билсанг.

\* \* \*

Висол илинжида отдим кўп одим,  
Оқшомлар ҳам тарк этмадинг сен ёдим.  
Йўқдир Ошиқ Эркин дилинда, ишон,  
Васлингга етмоқдан бўлак муродим.

\* \* \*

Ҳаётнинг қадрига етиб яшагил,  
Элни ҳам миннатдор этиб яшагил.  
Тилда дoston бўлсин хайрли ишинг,  
Ўлмас сиймолардай кетиб яшагил.

\* \* \*

Бағри кенг юртим менинг, кенгликда осмон сенча йўқ,  
Зор эмасман ўзга боғга, ўзга бўстон сенча йўқ.  
Мен Ватандан айри тушган кимсадан кўрдим сўраб,  
Ошиқ Эркин онт ичиб дер: “Ўзга даврон сенча йўқ”.

\* \* \*

Бўлай дейман, эй дарёдил, наҳрингга муносиб,  
Фаввосинг бўлай тўлқинли баҳрингга муносиб.  
Меҳру садоқатим ила ҳур этмасам гар,  
Бўлай, майли, бир умр қаҳрингга муносиб.

\* \* \*

Севгисиз юракда жаҳд қайдан бўлсин,  
Жўшқинлик, ҳаяжон, шахд қайдан бўлсин.  
Муҳаббат – йўлчи юлдуз, Ошиқ Эркин,  
Шу юлдуз бўлмаса бахт қайдан бўлсин.

\* \* \*

Табиат ҳукмидур бу – сир очилмай қолмас, бил,  
То барҳаётдур инсон – ошкор этар бир кун тил.  
Лоқал садоқатли бир дўстингга айтиб кўр,  
Шу куниеқ дунёга ёйилмаса, мен кафил.

\* \* \*

Дунё азалий шундай – ардоқда пора отган,  
Дўст бўлмас элга ҳаром молу дунёга ботган.  
Хўжалардан етишган подшоларни ҳам кўрдик,  
Бус-бутун юрту халқин амал, тахт учун сотган.

\* \* \*

Ижобат айла, эй Ҳақ, илтижосин аҳли дардингни,  
Муҳаббат шаҳрини манзил-макон этган жўмардингни.  
Осон эрмас бу манзилда садоқат гулларин термоқ,  
Вафо бирла меҳрдан баҳраманд эт ҳар бир мардингни.

\* \* \*

Қалбимизда Ислом нури – буюк “Курьон”,  
Мунаввардур зиёсидан рўйи жаҳон.  
Бизга Иймон, Ватан меҳри – йўлчи юлдуз,  
Қутлуғ бўлсин, ватандошим, Ийди Курбон.

\* \* \*

Шоирлар ёр мақташни канда этмас, аён бу,  
Куйламоққа яна юз аср етмас, аён бу.  
Аёл зулфу киприку қошларин мадҳ этилмай  
Ҳаттоки бир тори ҳам қолиб кетмас, аён бу.

\* \* \*

Ошиқ Эркин ёр васфин канда қилмас ўлса ҳам,  
То ҳаёт бор — аёлни мадҳ этиб сурар қалам.  
Уларнинг зулфу киприк, қошларин ҳар торига  
Юзлаб қўшиқ, юзлаб шеър бахш этсанг ҳам шунча кам.

\* \* \*

Қадимдан то ҳануз шоир ёр мадҳ этган,  
Куйлай-куйлай на-да поёнига етган.  
Ўтганларда армон найласин, маҳвашнинг  
Ҳатто тирноғин ҳам дoston қилиб кетган.

\* \* \*

Дам-бадам ўйлаб сени, нодон бўларман дам-бадам,  
Дам-бадам ўздин кетиб, гулдек сўларман дам-бадам.  
Худ лимон эзган каби эзди ёмон ҳажринг мени,  
Дам-бадам юз тўлғаниб, ҳар дам ўларман дам-бадам.

\* \* \*

Бермаган бўлса ризқ — дастурхонни кенг очиб бўлмас,  
Пойи қадамларга асло сийму зар сочиб бўлмас.  
Униси ҳам, буниси ҳам ёзгитдур, Ошиқ Эркин,  
Тақдир — ёзгит деган асли, ёзгитдан қочиб бўлмас.

\* \* \*

Сенга ҳар дам ошар меҳрим меҳринг дарёдек тоширсанг,  
Улуғлаб яхшиликларни, ёмонларимни яширсанг,  
Қўйдаи ювош ошигингга қилсанг, жоним, ситамларни,  
Жафонинг ҳам қадри қолмас ситамни ҳаддан оширсанг.

\* \* \*

Ўтган шоир борки, қўлга қалам олган,  
Маҳвашлар сифатин мақтаб шеърга солган.  
Не ҳам дердик, Ошиқ Эркин, шундан буён  
Фақат жононларнинг ўзи бизга қолган.

\* \* \*

Ёр ҳажрида зимистон ёзу қишимиз,  
Ўшанда ҳам дилдор энг яқин кишимиз.  
Биз — бечора шоир халқин йўқ ҳаётда  
Жононларни мақташдан бошқа ишимиз.

\* \* \*

Бўл менинг жонимга жон жоним учун,  
Эй, менинг-да жоним — жононим учун.  
Менга жон даркор эмас сен бўлмасанг,  
Кечгим ўздин сен каби хоним учун.

\* \* \*

У юрагин ўшандаёқ очган эди,  
Аччиқ заҳрин мажлис аро сочган эди.  
Хоинлик ила оёқ босиб эл юзига,  
Чет бир юртни макон айлаб қочган эди.

\* \* \*

Қандоқ қилиб юрт юзига солай разм,  
Сорғайиблар сўлди уятдан оразм.  
Яна бир Маҳмуд Ялавоч чиқди элдан,  
Шундан буён жирканар ундан Хоразм.

\* \* \*

Хумор қилиб ҳақсизлик, истибдодни у,  
Мальунларни қалтис ишга қистабди у.  
Ўзи хиёнатлар қилиб кетган элга  
Ҳумайний бўлиб қайтмоқни истабди у.

\* \* \*

Хоин! Сен юртга фарзандмас — душмандурсан,  
Фиску фасод идҳомчиси ҳам сандурсан.  
Ўқитганинг қузғунлардан билдик сўраб,  
Бузғунчилар пири ҳам сен экандурсан.

\* \* \*

Воз кечиб, ташлаб кетганинг, эй муттаҳам,  
Дастингдан лод, дейишмоқда авлодинг ҳам.  
Хорижнинг ҳам қабристони ҳайф сенга,  
Ор қилар сендан ҳам дўзах, ҳам жаҳаннам.

\* \* \*

Тошар меҳринг сенинг-да топганинг дўст меҳрибон бўлса,  
Чекарсан дард-алам ҳадсиз гар ул номеҳрибон бўлса.  
Ярашгай айласанг жон бахш садоқатпеша дўстларга,  
Умрбод бахтлисан дўстинг агар жон ичра жон бўлса.

\* \* \*

Азал холи эмас гардун балолардан,  
Азал тўқ ҳам юрак-бағри адолардан.  
Ёзғитнинг эрса ҳамки бу, худовандо,  
Ўзинг асра элни кўнгли қаролардан.

\* \* \*

Мақол бордир: оқ-қора ит — бари  
Жуни тиллоранг бўлса ҳам, бари

\* \* \*

Йўқ очунда, бу ҳикматдан ақл ўрган,  
Итга меҳрибонлик қилиб, самар кўрган.

\* \* \*

Нокасга одам деб берганинг, биродар,  
Итга қилган яхшилик билан баробар.

\* \* \*

Итда ҳаё бўлса нафсин тияр эди,  
Бўздан бўлса ҳамки, иштон кияр эди.

\* \* \*

Санги маломатлардан сақлай десанг ўзингни,  
Андешасиз одамга қилма ҳайф сўзингни.  
Қайдан ҳам бўлсин ахир беандешада ҳаё,  
Бад бир гап билан ерга қаратар у юзингни.

\* \* \*

Ит — итлигини қилади,  
Бит — битлигини.

\* \* \*

Итга яхшилик ярашмас,  
Нўноқ шоирга — бахшилик.

\* \* \*

Итга берган ошинг тузли бўлди нима-ю,  
Тузсиз бўлди нима? Фарқига борармиди?!





## ФАРДЛАР

Олса дил дилдан озиқ,  
Аямас меҳрин Ҳозиқ.

\* \* \*

Гар ёмонга йўл бердинг,  
Жаҳолатга қўл бердинг.

\* \* \*

Аёлга алвон гул бердинг,  
Меҳринг қўшиб, кўнгул бердинг.

\* \* \*

Кимки эл ичра дурдона —  
Меҳнаткаш ҳам ақли доно.

\* \* \*

Меҳнат қил, деб қилар хониш,  
Ҳар ерда ҳам ақли дониш.

\* \* \*

Юрсанг ёмонлардан узоқ,  
Ким қуяр олдинга тузоқ.

\* \* \*

Ҳоли билма чўпни ҳам,  
Ёлғизни ҳам, кўпни ҳам.

\* \* \*

Тошқин, гоҳ саёз дарё,  
Ҳамиша бир кам дунё.

\* \* \*

Минг бор рост ҳаёт сабоғи:  
Кўкармас бахилнинг боғи.

\* \* \*

Кимнинг дарди — элнинг дарди,  
Ундай шунқор замон марди.

\* \* \*

Оллоҳдан ёзғитдур бўлсангиз билмоқ,  
Булбулга гул кўриб, нолалар қилмоқ.

\* \* \*

Ким бир бурда нонини юрт бирла кўрар баҳам,  
Эл дилин тарк этмас ул ҳатто қиёматда ҳам.

\* \* \*

Кўрсанг агар ишқинг раво ишқи борни бахтиёр эт,  
Муҳаббат деб аталгувчи Сулаймон тахтига ёр эт:

09.06.99





## БИТИКЛАР

Итнинг қони алмашди нима-ю, алмашмади нима —  
яратган насли ҳам барибир ит-да. Буқа бўлармиди?!

\* \* \*

Итига тилло тиш қўйдирганнинг тиши ҳам итникидан  
яхши бўлмаса керак.

\* \* \*

Ит олдинда юриб чопқиллаб келган билан уйга эгасидан  
кейин киради. Лекин ҳаммаси ҳам эмас.

\* \* \*

Итни яхши дўст ҳисобласанг ҳам ёнингда қамчинг бўлсин.  
Итми — ит-да. Бир кун келиб итлигини қилиши мумкин.

\* \* \*

Думини кўп ликиллатган итдан кўрк: пойлаб, бир кун  
хода қилиши мумкин.

\* \* \*

Итнинг қулоқларини кесиб, думини чопган билан ҳеч  
нарса ўзгармайди: итфёллигича қолаверади.

\* \* \*

Оғзидаги луқманинг ярмини ёнидаги итга берган итни  
ҳанузгача учратмадим.

\* \* \*

Итни яхши боқсанг ҳам шу ит, ёмон боқсанг ҳам. Нима  
дедингиз?

\* \* \*

Ит асраб бири икки бўлса ҳамма ҳам ит боқар эди. Ҳатто уйининг тўрини бўшатиб бериб...

\* \* \*

Ит қадри учун эмас, қорни учун яшайди.

\* \* \*

Гиладан пастда ётган итни фаросатли, деб бўлмайди.

\* \* \*

Одамнинг ит бўлишига ишониб мумкин, лекин итнинг одам бўлишига ишониб бўлмайди.

\* \* \*

Итга яхшилик қилдинг нима-ю, қилмадинг нима — фарқига борармиди: у берган нонингнигина биледи.

\* \* \*

Тўғри, итнинг ҳам ёт деса ётиб, тур деса турадигани бўлади, лекин бундан нима наф?

\* \* \*

Икки итни ўласи қилиб уриштириб, роҳат қиладиганлар бор, лекин уларнинг юрагида шу итларга нисбатан заррача раҳм-шафқат йўқ. Фақат итларга бўлсаям майли эди...

25.06.99





## ҚАБР ТОШИГА БИТИКЛАЙ

*Отажон Худойшукуровга*

Санъат чаманининг тенгсиз булбули эдинг,  
Машшоқлар аҳлининг пири ҳам гули эдинг,  
Ўлмас номинг билан кўркам бугун ҳам ҳаёт,  
Қўшиқларинг минглаб дилга ҳамроҳ умрбод.  
То бор экан бу заминда бирор жон ва тан,  
Унутмайди сени Турон, унутмас Ватан.

*Бекжон Отажоновга*

Ногоҳ тиниб қолди, дўстим, қўлингда тор,  
Фиғон чекди минглаб мухлис изингда зор,  
Давраларнинг гули, дўстлар дили эдинг,  
Кам келар чаманга сендек шакаргуфтор.



## МУНДАРИЖА

Юртбошимиз бўлсин омон .....	3
Борида озод Ватан .....	4
Қоши ё .....	5
Гаф, номус-орим, галсанг-а! .....	6
Муножот .....	7
Кимга борай давога .....	8
Мен ерда, сен осмонда .....	9
Тушиб қолсанг агарда .....	10
Бўлмасин десанг кўнглин .....	11
Сайрон этайлик тонгтача .....	12
Телбариб бормоқдаман .....	13
Гулнора .....	14
Қайга кетди гулбадан .....	15
Бағрим кабоб .....	16
Не бир гузал кун эрди .....	17
Ўтди ёр .....	18
Кўнглиннга қолдим бойланиб .....	19
Ло илаҳа Иллаллоҳ .....	20
Ҳазликдур, то ҳаёт бор .....	21
Давлати бўлғайми кам .....	22
Эй, хусрави соҳибжамол .....	23
Ишқ бирла кимки машғул .....	24
Кўриб хусну жамолингни .....	25
Истар .....	26
Хуснингга тўйдир .....	27
Ишқ аро қўйсанг қадам .....	28
Ҳотам эрсанг .....	29
Бахш айласанг ўзингни .....	30
Чехраи олингдан, аканг .....	31
То бор ангакда жоним .....	32
Оғушима қойим ўзинг .....	33

Айласам .....	34
Нозингдан ўлар бўлдим .....	35
Ўлмака етдим .....	36
Орзу этиб висолингни .....	37
Кўрмадим .....	38
Курбонинг бўлсам гар .....	39
Эй, чеҳраси тобоним .....	40
Нима қилсин .....	41
Ёғилур меҳр нури .....	42
Кўнглимга киргандан буён .....	43
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон .....	44
Гулбадан .....	45
Вафо ким кўрибди .....	46
Ганжи васлингни кўриб .....	47
Ўткинчидир дунё ҳам умр .....	48
Ҳануз ҳам тўймадингми? .....	49
Қайда бор .....	50
Йўқ очунда тимсолинг .....	51
Соғинмадингми сен мени? .....	52
Ўтказма гафлат ичра .....	53
Булбул фиғон этмасмиди .....	54
Шукрона .....	55
Қайтарма сазойимни .....	56
Ким деб юрибсан сан мани .....	57
Давлат қуши .....	58
Куйдирди мени, жоним .....	59
Вафоли бўл .....	60
Хивали қиз .....	61
Савдойи қилдинг ўйлатиб .....	62
Кўйнимга кирсанг эркалаб .....	63
Тилларининг боли бор .....	64
Васлингдан олсам манфаат .....	65
Сенингдек дилдор камдан-кам .....	66
Эй сарви хиромоним .....	67
Базмингда яйраб қўш тутай .....	68
Шу одатинг ёмон сани .....	69
Ҳумойим .....	70
Сизни кўрар кун бор экан .....	71
Сиз ёна боросим галаварани .....	72

Дардим кима дод айлайн .....	73
Ўзбекистондан салом .....	74
На пари, на қари билар .....	75
Келса деб хушxabар .....	76
Ўлгунча сенингдурман .....	77
Бўлмас .....	78
Қорақалпоқ мороли .....	79
Келамаң, деб келмадингиз .....	80
Наврўз кулиб келди .....	81
Бахтиёр ўзбекман .....	83
Ёмон кун тушмасин бошларингизга .....	85
Ким бостирар кўнглимдаги кўзғолонни .....	87
Севдим сени .....	88
Ноҳақ қолма қонима .....	89
Онларимни олиб кўйдинг .....	90
Хаёлларим ўғирлайсиз .....	92
Кўйдирганинг нимаси .....	93
Энди ўзинг топ чора .....	94
Ҳам шимолу ҳам жануб .....	95
Совчи кўйсам агар .....	96
Эй, хушхиром .....	97
Қизларжон .....	98
Севар ёрдан кечакўрманг .....	99
Бўйингдан айланай, истиқлол .....	100
Ё Муҳаммад, Муҳаммад .....	101
Ўтар дунё .....	102
Кор этаман галмасанг .....	103
Муҳаббат боғи .....	104
Эркам, заъфаронсиз, нечун? .....	105
Бошларинга ёғдираман қиёматни .....	106
Ватан фарзанди бўл .....	107
Эй, нозанин, гулбадан .....	108
Минжиқим .....	109
Оқ сийнадан жой бераман келсангиз .....	110
Устозларга минг садқа жон .....	111
Маҳвашим, ўшал кунким .....	113
Дилдорим бўлиб қол мани .....	114
Келақол, келақол .....	116
Бўйингни кўрсат .....	117

Кўнглим билан кўнглингиз .....	119
Ўзинг асра, худойим .....	120
Нима қилсин .....	121
Яхши бир гапим бор .....	122
Иккимизнинг ёнганимиз бошқача .....	123
Ўзбекистоним яшасин .....	124
Сизни кўрсам .....	125
Ёгилар меҳр нури .....	126
Ҳотам эрсанг .....	127
Дилга кирмоқ истасанг .....	128
Ўхшатиб .....	129
Агёрга .....	130
Мунча ҳам қаро бу кўз .....	131
Ардоқланг бир-бирингиз .....	132
Одам эсанг .....	133
Наврўз келиб .....	134
Парвардигор ҳам кечирмас .....	135
Ким кўрибди .....	136
Хатарли йўл .....	137
Қисинтирманг .....	138
Қачон борай .....	139
Худо кўрсатмасин .....	140
Отажонни кўрган борми? .....	141
Бир бўса хуморинда .....	147
Соҳибжамол қиз экансиз .....	148
Етса гар Парвардигоримдан мадал .....	149
Дармон бўлайлик .....	151
Ҳам озоду ҳам обод Ватан қолсин .....	153
Ишқ ўйнашиб .....	155
Қутлуг бўлсин .....	156
Муҳаббатдан қолган куним .....	157
Маҳваш, ҳайратга солар .....	158
Кўнглим кўйимин борётир .....	159
Бир ўпсам сақоқингдан .....	160
Унутмайди эллар сени .....	161
Мангуберди хитоби .....	163
Сендай санамни .....	165
Тушларимда кўриб юрган .....	167
Жономан деган ким? .....	168

Асрагил умматингни .....	169
Дийдоринг сени ойдек .....	170
Кўнглимдаги гул сен эдинг .....	171
Сиз бор учун .....	172
Ишқинг ила мастман .....	173
Кўнглим .....	174
Мумтоз этай .....	175
Ўлдириб динжоқмисан .....	176
Энди мenden қўтулмайсиз .....	177
Кўнгил берманг йалакка .....	178
Сен бирла қилсам сайрон .....	179
Оғзимга тўлар шўрбат .....	180
Кўнгил наводан қолмасин .....	181
Иби-иби .....	182
Бир кеча .....	183
Ҳайратланар .....	184
Яхши-да .....	185
Ҳайронинг ўзим бўлсам .....	186
Ўлдирдингиз .....	187
Яйратиб юрибман ишқ бирла ўзни .....	188
Ишқимда мени гард йўқ .....	189
Лаъли асалим, қандим .....	190
Эй, қорақош, қундуз соч .....	191
Билар .....	192
Гал, галақўй .....	193
Ўтсам агар ишқ ўйнашиб .....	194
Осмон этиб бошгинамни .....	195
Ишонмайман .....	196
Галса галар бир галар .....	198
Манго на бўлаварди? .....	199
Бирам роҳат, бирам роҳат .....	200
Бўлмаса .....	202
Мастона севсам ҳамки .....	203
Мани ишқим .....	204
Навоий газалига мухаммас .....	205
Оғаҳий газалига мухаммас .....	206
Оғаҳий газалига мухаммас .....	208
Оғаҳий газалига мухаммас .....	210
Оғаҳий газалига мухаммас .....	212

Огаҳий ғазалига мухаммас .....	214
Огаҳий ғазалига мухаммас .....	216
Огаҳий ғазалига мухаммас .....	218
Огаҳий ғазалига мухаммас .....	220
Огаҳий ғазалига мухаммас .....	222
Огаҳий ғазалига мухаммас .....	224
Огаҳий ғазалига мухаммас .....	226
Огаҳий ғазалига мухаммас .....	228
Хоразмнинг хур қизлари .....	230
Бахтинг ётмасин, халқим .....	231
Бир кўриб билдим .....	232
Севги шундай бир шифоким .....	233
Қайдан топса бўлар .....	234
Қундуз қайда, сен қайдасан .....	235
Сира тонглар отмасин .....	236
Келди-ю етиб фаслим .....	237
Ким истамас .....	238
Юрагим .....	239
Истасанг .....	240
Ўткинчи бу очунда йўқ .....	241
Етказиб сонсиз ситам .....	242
Севгинг сени уйдирма .....	243
Қайтма ахир сўзларингдан .....	244
Нозанинлар, ноз этиб .....	245
Ҳамшира Саидахон Сафоева монологи .....	246
Истар кўнгил .....	248
Ё Ҳазратим .....	249
Жонона ёрдан қўймасин .....	250
Сизни Оллоҳим яратган .....	251
Балқиб, ой каби чиқдинг .....	252
Ой деса ой, кун деса кун .....	253
Бўлиб ошиноси бир бевафонинг .....	254
Агар юрсанг .....	255
Сайронга келган жонон .....	25
Дилбар, севганим-севган .....	257
Юзланур .....	258
Кул бўлса ҳам жон .....	259
Бахтимга ўзинг борсан .....	260
Юр, пари .....	261

Насиб этса .....	262
Ҳақдан етса иноят .....	263
Соҳибби шон бўларсан .....	265
Қошу кўзингни ўйнатиб .....	266
Чехранг борида .....	267
Боғим менинг чаман гул .....	268
Гулбаданим .....	269
Йиғлама, қиз, йиғлама .....	270
Ғанимат бил .....	271
Дийдорингга етишган кун .....	272
Хоразм машҳур диёр .....	273
Эй, хуршиди давроним .....	274
Шайдолигимдан огоҳ .....	275
Сендан кўркам диёр йўқ .....	276
Шоҳимга таъзим .....	277
Давлатинг бўлгайму кам? .....	278
Ҳайрона бўлмаган ким? .....	279
Севиб қолдим .....	280
Сан маним бўл, сан маним! .....	281
Надаган гўзалсан .....	282
Душманга гар айланса дўст .....	283
Жон дўсти бошқа .....	284
Тўртликлар .....	285
Фардлар .....	307
Битиклар .....	309
Қабр тошига битиклар .....	311

*Адабий-бадиий нашр*

**ОШИҚ ЭРКИН**

*/Эркин МАДРАҲИМОВ/*

**ЎЛГУНЧА СИЗНИ ДЕРМАН**

*Муҳаррир Жонибек Субҳон  
Техник муҳаррир Татьяна Смирнова  
Рассом Даврон Ражаб  
Мусаҳҳиҳ Доно Тўйчиева  
Саҳифаловчи Зилола Маннопова*